

2006/3

Til va adabiyot ta'limi

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ИЛМІЙ-МЕТОДИК
ЖУРНАЛИ**

1991 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2003
йил 29 декабрда
079-рақам билан рўйхатга
олинган

Таҳририят манзили:
700000 Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.



136-53-62,
132-07-26.

Факс: 136-58-59

E-mail: til@sarkor.uz

Бош муҳаррир:
Раъно ТОЛИПОВА

Масъул котиб:
Шаҳноза ЖЎРАЕВА

Муҳаррирлар:
**Ўғилой МАВЛОНОВА,
Доно ХЎЖАЕВА**

Саҳифаловчи:
Илҳом ЖУМАНОВ

Матн терувчи:
**Нодира
МИРЗААХМЕДОВА**

Таҳрир хайъати:

Абдузухур АБДУАЗИЗОВ,
Рустам АҲЛИДИНОВ,
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
Зухриддин
ИСОМИДДИНОВ,
Низомиддин
МАҲМУДОВ,
Санобар НИШОНОВА,
Шуҳрат РИЗАЕВ,
Қумри СУЛТОНОВА,
Ёрмат ТОЖИЕВ,
Боқижон ТҲЛИЕВ,
Дилфуза ҒАНИЕВА.

MUNDARIJA

MUAMMOLAR... VAZIFALAR... YECHIMLAR...

Раъно Толипова. Она тили таълими муаммолари хусусида.	4
---	---

AMIR TEMUR TAVALLUDINING 670 YILLIGIGA

Маҳфуза Қорахўжаева. Бадиий адабиётларда Амир Темур ва темурийлар образи талқини.	8
---	---

METODIKA

Muqaddam Toshurdiyeva. 5-sinf o'quvchilariga tasviriy ifodalsh vositalarini o'rgatish tajribasidan.	14
Bekmurod Yo'ldoshev, Dilnoza Yo'ldosheva. Ona tili darslarida qush nomlarini o'rganish usullari.	19
Tursunoy Yo'ldosheva. O'quvchilarda ijodiy faoliyatni shakllantirish.	22
P.O'rozov. Ona tili darslarida toponimik materiallardan foydalanish.	24

TILSHUNOSLIK

Феруза Каримова. Диалогларда прагматиканинг роли.	27
Фарида Хусаинова. Нутққа тантанавор руҳ бағишловчи грамматик воситаларнинг ўрни ва роли.	29
Эргаш Умаров. Миртемир шеъриятида шевага оид сўзлар	33

ADABIYOTSHUNOSLIK

Лаълихон Муҳаммаджонова. Анбар Отин ижодида ижтимоий адолат, шахс эрки ва феминизм ғоялари.	37
Абдуҳамид Холмуродов. Қисса жанри ва ҳозирги ўзбек қиссачилиги.	46

ADABIY TAQVIM

Бойбўта Дўстқораев. Истеъдодли адиба.	54
---	----

ABITURIYENTGA YORDAM

Абдусалом Абдуқодиров. «Муҳаббатнома» даги номалар мазмуни бир хилми?	61
Шавкат Ҳайитов. Бир маснавий тарихи.	65
Машҳура Раҳмонова. Маноқиб-ҳолот адабий жанр сифатида.	69

SO‘RAGAN EKANSIZ?

Зулфия Мамаражабова. Вазн билдирувчи сифатларнинг коннотатив маънолари.	73
Абдусамад Тўйчиев. Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жинкўчалари» асарида тарихий ҳақиқат ва бадий талқин.	79

«2006 YIL — HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI»

Зулхумор Холманова. «Бобурнома»даги тиббий атамалар.	84
--	----

FANIMIZ FIDOYILARI

Мамлакат Жўрабоева, Ҳавохон Қаҳҳорова. «Устоз» каломининг айни тимсоли.	90
--	----

XABAR VA LAVHALAR

Ф.Турниёзов. Тилшуносларнинг халқаро анжумани.	95
--	----



Она тили таълими муаммолари хусусида

Ҳозирги кунда таълим соҳасидаги ҳар бир масалага, биринчи навбатда, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълимнинг муайян соҳаси олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндошиш талаб этилади.

Она тили таълими соҳасини олсак, бу борадаги вазифалар ёшларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мантиқан изчил, саводли қилиб баён этиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир.

Табиийки, мазкур дастур қабул қилинган кундан бошлаб тилшунос олимлар ҳамда она тили таълими соҳасида тадқиқот олиб борувчилар, ўқув стандартлари, дастур ва дарсликлар муаллифларининг барча саъй-ҳаракатлари ана шу вазифаларни бажаришларига қараб баҳоланади.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги аҳволни таҳлил қилсак, бу борада бир қатор муаммолар ҳанузгача ўз ечимини топмаганлигининг шоҳиди бўламиз.

Муаммоларнинг бири шундаки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида қўйилган вазифалар кўп жиҳатдан нутқшуносликка тегишли бўлса ҳам, бизда ҳамон том маънода *нутқшунослик* соҳаси бўйича тадқиқот олиб борилмаган ва олиб борилмаяпти. Она тилига оид барча илмий тадқиқотлар *тилшунослик* ҳамда унинг *луғатшунослик* ва *атамашунослик* каби тармоқларига тааллуқли бўлиб, *нутқшуносликнинг*, яъни бўлажак кадрларда *нутқий кўникма ва малакаларни шакллантиришининг* назарий муаммолари, шунингдек, тилшуносликнинг нутқшуносликка оид аъмолий-маъновий жиҳатлари эътибордан четда қолиб кетмоқда. Шу пайтгача она тили фанини ўқитишдан мақсад асосан тилнинг грамматик тизимини ўзлаштириб олишдан иборат бўлиб, грамматикани ўқитишда нутқий эҳтиёж ҳисобга олинмаган ва ўқитиш тизимига нутқий эҳтиёж нуқтаи назаридан ёндошилмаган.

Масалан, биз нутқда кўпинча аниқ қиймат, миқдор, вақт,

жой ёки сабаб кабиларни эмас, балки тахминий қиймат, тахминий миқдор, тахминий вақт, тахминий ўрин-жой ёки тахминий сабабларни ифодалашимизга тўғри келади. Аммо бу нутқий мавзулар мақсадли қилиб тизим сифатида ўрганилмаган ва ўқувчиларда керакли нутқий кўникма ва малакалар ҳосил қилиш учун мактаб она тили дарсликларининг биронтасига киритилмаган.

Ўқувчиларда зарурий нутқий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишнинг энг долзарб масалаларидан бири фикр ифодалашда нутқий вазият ва мақсадга қараб муайян услубий васиталардан фойдаланишни ўргатишдир. Шу масаладан келиб чиқиб ҳозирги амалиётни таҳлил қилсак, бу борада тилшуносларимиз томонидан тадқиқ қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири нутқий услубларнинг ҳар бири бўйича формал лисоний кўрсаткичлар картасини тузиб чиқиш эканлиги маълум бўлади. Яъни ўқувчилар нутқида кўп учрайдиган сўзларнинг синонимик қаторидаги қайси сўз қайси услубда ёки грамматик шаклларнинг қайси бири қайси услубга оид матнда кўпроқ қўлланиши, шунингдек, қайси услубда гапнинг қайси шакллари, қайси турлари кўпроқ учрашини аниқлаш ана шундай долзарб масалалардан биридир.

Бундай масалалар қаторига, шунингдек, ўзбек тилшунослигидаги **валентлик** масаласи ҳам киради, айниқса феъл валентлигини аниқлаш нутқ учун муҳим жиҳатлардан биридир. Мисол тариқасида *тузатиш*, *таъмирлаш*, *созлаш* сўзларини олиш мумкин. Маълумки, *тузатиш* сўзи сўзлашув ва нейтрал услубга оид бўлиб, *яроқли ҳолатга келтириш* маъносида бу услубда деярли барча сўзлар билан бирика олади. Аммо *таъмирлаш* ва *созлаш* сўзлари асосан расмий, публицистик ва илмий услубда қўлланиб, *таъмирлаш* сўзи асосан *ўй*, *бино*, *иншоот* каби тушунчаларга нисбатан, *созлаш* эса *машина*, *ускуна*, *турли механизмлар*га нисбатан қўлланади. Бу сўзларни ноўрин қўллаш нутқий ғализликка олиб келади. Масалан, *бино созланди* ёки *беморнинг кўзи таъмирланди* дейиш кулгили чиқади. Валентлик, айниқса, ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларда зарурий нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш учун, шунингдек, нутқшуносликнинг қуйидаги долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш зарур:

1. Ўзбек тилининг аъмолий-маъновий тизимини ишлаб чиқиш керак. Бунда тил сатҳлари, ҳозиргидек, фақат шакл, яъни тилшунослик нуқтаи назаридан эмас, балки маъно-мазмун нуқтаи назаридан тизимга туширилади. Масалан, ўқувчиларга предмет ёки ҳодисани тасвирлаш ва тавсифлаш учун ҳозиргидек фақат сифат ва сифат даражалари эмас, балки предметнинг ранги, шакли, ҳажми ёки материалга нисбатан белги-хусусиятларини кўрсатувчи воситаларни алоҳида-алоҳида ўрганиш кўзда тутилади.

Худди шунингдек, шахсни тасвирлаш ва тавсифлашда унинг ташқи кўриниши, характери хусусиятлари, инсоний фазилатлари, атрофдагиларга, меҳнатга, вазифа ва бурчларига бўлган муносабати кабиларни ёритиш воситалари алоҳида-алоҳида ўрганилади.

Бадиий, расмий ва илмий тасвир воситалари ҳам алоҳида-алоҳида мавзу сифатида ўрганилади.

2. Бундан ташқари, ўрта мактабда *муомала одоби*га, айниқса, *ўзбекона муомала одоби*га оид тил бирликларининг турли вариантларини мақсад, шароит ва вазиятга мос равишда қўллашга ўргатиш, муайян тизим сифатида дарсликларга киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу нарсa комил инсонни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Бўлажак мутахассислар эса ўз соҳаси бўйича фикр алмашиши, баҳс-мунозарада иштирок этиб, ўз сўзини ўткази олиши, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила билишни ўрганиши учун ҳам расмий услубдаги баҳс-мунозарада қўлланадиган *ўзгалар фикрини маъқуллаш ёки эътироз билдириш, фикрга қўшилиш ёки қисман қўшилмаслик, ижобий ёки салбий муносабатини билдиришнинг* барча лисоний вариантларини билишлари ва лисоний воситаларидан фойдалана олиб, тўғри шаклда қўллашни ўрганишлари керак. Бунда турли маъно нозикликлари даражалари турлича бўлиши мумкин. Масалан, рад жавобини қўпол қилиб *«Йўқ, бўлмайди!»* деб ёки даражама-даража бу жавобнинг юмшатишган *«Бу таклифингизга рози бўлолмаймиз, чунки...»*, *«Рози бўлардик, аммо...»*, *«Таклифингизга рози бўлсак, муаммо туғилиши мумкин»*, *«Таклифингизга рози бўлиш фақат менга боғлиқ эмас, ўйлаб кўриш керак»*, *«Ҳозир сизга рози бўламиз деб айта олмайман»* каби вариантлари ўргатилиши керак.

3. Бўлажак мутахассисларга шу маъно нозикликларини нафақат баҳс-мунозарада қўлланадиган оғзаки шакли, балки расмий

хатларда қўлланадиган ёзма шакли ҳам ўргатилиши керак.

Ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш учун уларга фикрни мантиқан изчил қилиб боғлиқли матн шаклида ифодалашга одатлантириш, мантиқнинг нутққа оид бўлган қонун-қоидаларини ўргатиш керак. Бунинг учун дарсликларга кўпроқ ярим ижодий ва ижодий, вазиятли машқларни киритиш керак.

Амалдаги мавжуд дарсликлардаги мавзу жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ бўлмаган, турли мавзулардаги сочма гаплардан иборат бўлган машқлар ёрдамида эса ўқувчиларда талаб даражасидаги нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш қийин. Бундан ташқари, дарсликдаги машқлар материали асосан бадиий адабиётдан олиниб, бадиий услубга оиддир. Ваҳоланки, юқори синф ўқувчиларида эса бошқа услубларга ҳам оид нутқий кўникмалар ҳам ҳосил қилиш зарур. Улар фақат боғлиқли матнлардан иборат машқлар асосидагина шаклланиши мумкин.

Талаб даражасидаги нутқий кўникмаларни шакллантиришнинг илмий-методик тизими мана 30-40 йилдан буён Россияда чет элликларни рус тилига, шунингдек, чет элларда иккинчи тил ўргатишда қўлланиб келинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу борадаги 10 йиллик саъй-ҳаракатларимиз туфайли таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-7-синфларигача бу тизимни жорий этишга муваффақ бўлдик. Бу синфлар учун аъмолий -маъновий таомилга асосланган «Ўзбек тили» дарсликларимиз 2001 йилдан буён ҳар йили нашрдан чиқарилиб, мактаб амалиётига жорий этилди.

Уларни амалиётга жорий этишда жуда катта қийинчиликларга, қаршиликларга учрадик. Қийинчиликлар ҳамон давом этмоқда. Масалан, бу йил 8-9-синфлар учун тайёрланган дарсликларимизни амалиётга жорий этишга имкон берилмади.

Лекин мен аминманки, бу йўналишнинг келажаги порлоқ. Ҳозирги кундаги педагогика университет талабалари ва ёш ўқитувчилар бу ишни давом эттиришади, нутқшунослик фани ҳаётда ўз ўрнини топади, янги таомил бари бир ғалаба қозонади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки бу - ҳаёт тақозоси.

Раъно ТОЛИПОВА,
педагогика фанлари доктори, профессор.



AMIR TEMUR TAVALLUDINING 670 YILLIGIGA

Бадий адабиётларда Амир Темур ва темурийлар образи талқини

Республикаимизнинг мустақилликка эришиши азалий қадриятларнинг тикланиши, кўплаб ҳақиқатларнинг бутун бўй-басти билан намоён бўлишига олиб келди. Бундай ижобий ўзгаришларнинг энг салмоқлиси миллий ифтихоримиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ватанига, халқига қайтарилиши бўлди, десак муболаға бўлмас.

1996 йили Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан дунё миқёсида улкан тадбирларнинг ўтказилиши, айниқса, муҳим аҳамият касб этди. Юбилей муносабати билан кўплаб тарихий — илмий асарлар, рисолалар, альбомлар нашр этилди. Шу ўринда Амир Темурнинг ўзи яратган “Темур тузуклари”, академик Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур” тарихий романи, Эркин Азимовнинг “Амир Темур салтанати” рисоласи, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” шеърый драмасини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ушбу мақолада биз Амир Темур ва темурийлар образининг бадий асарларда ёритилиши ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Халқимиз тарихини ўзида акс эттирган, ёшларни тарбиялашда маънавий озиқ бўладиган ажойиб бадий асарларимиз бор. Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур” тарихий романи, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” шеърый драмаси ва Пиримул Қодиоровнинг “Она лочин видоси” номли тарихий романи шулар жумласидандир.

“Амир Темур” тарихий романининг муаллифи академик Бўрибой Аҳмедов ўз асарининг муқаддимасида шундай дейди:

“Тарихда ўтган буюк шахслар ҳақида бирон сўз айтиш, каттаминикичикми илмий ёки адабий асар ёзиш ўта мушкул. Айниқса, Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Амир Темурга ўхшаш ҳарбий ва сиёсий арбоблар ҳақида. Негаки, уларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли, фаолияти мураккаб ва ўта зиддиятлидир. Шунинг учун ҳам тарихда

ўтган йирик шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо берганда уларнинг ҳар бир ишини ақл тарозусига солиб қарамоқ, ўша давр ва замон шароитидан келиб чиқиб баҳоламоқ ва, албатта, ўзларидан аввал ўтган ҳукмдорларга нисбатан қилган улғу ишларига қараб ҳукм чиқармоқ жоиз. Минг афсуски, биз буюк сиймоларни ўзимиз яшаган янги даврнинг қонунларига кўра назардан ўтказамиз. Яқин-яқинларгача шундай ҳолат ҳукм сурди. Айниқса, Амир Темурга нисбатан”...¹

Муаллиф бу асарни яратишда тарихий маълумотларга таянганлигини, XV-XVI асрда яшаб ўтган Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий, Ҳофиз Аbru ва Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Ҳайдар, Давлатшоҳ Самарқандий ва Фасиҳ Аҳмад Хавофий каби улкан олимларнинг асарларидан фойдаланганини айтади.

Романнинг дастлабки саҳифалариданоқ муаллиф Амир Темурни китобхонларга эл-юрт дардига дармон бўладиган қаҳрамон сифатида танита бошлайди. Ҳа, Темур бобомиз айнан эл-юрт бошига мушкуллик тушган кунларда тарих саҳнасида тadbиркор ва халқпарвар шахс сифатида намоён бўлди. У ўша Туғлуқ Темурхон мамлакатга бостириб кирган ҳижрий 761 йили (1360 й) энди 24 га кирган норғул йигит бўлган. Темурбек ўша пайтда 100 нафар сара йигити билан Кеш атрофида Хўжа Илғор қишлоғида лашкар билан ўтирган эди. 1360 йилларда Чигатой улуси, аниқроғи, унинг ғарбий қисми феодал тарқоқлик ва парокандаликка юз тутиб, мустақил бекликларга бўлиниб кетди. Кеш (Шаҳрисабз) вилоятида Ҳожи барлос, Хўжандда Боязид жалойир, Сарипул ва Тошкандда Хизр Ясовурий, Балх ва Ҳиротда Амир Ҳусайн, Кўҳистонда Амир Сотилмиш, Хутталонда Кайхисрав ўзларини ҳокими мутлақ деб эълон қилди. Бекликлар ўртасида ўзаро кураш, уруш-талашлар бошланди. Бунинг оқибатида эл-улус ҳузур-ҳаловатидан айрилди. Бу ҳам етмагандек, Мўғулистон хонлари Туғлуқ Темурхон ва Илёсхўжахон катта кўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирдилар.

Мовароуннаҳр яна қайтадан мўғуллар истибдодига тушиб қолиш хавфи остида қолди. Юқорида номлари зикр этилган бекларнинг баъзилари мўғуллар томонига ўтди, баъзилари эса ўз юртларини душманга ташлаб, қочиб кетди. Бу курашга Темурбек жонини тикиб бош бўлди. У ўз халқини мўғуллар зулмидан озод қилди, эл-юртни ўз байроғи остига бирлаштириб, Мовароуннаҳр халқига омонлик келтирди. Бу билан у ўлкада зироат-

чилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожига замин яратди, марказлашган қудратли давлатга асос солди. Бу Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ва Туркистон халқлари олдида қилган энг биринчи тарихий хизматидир. Лекин бу хизматларни адо этиш ул зотдан мустаҳкам ирода, куч ва матонатни талаб этди. Романда тасвирланишича, шундай катта давлатни бунёд этиш йўлида Соҳибқирон қанчадан-қанча азиз кишиларини: дўстлари, умр йўлдоши, фарзандларини йўқотди. Соҳибқирон бу оғир йўқотишларни бошдан кечирганда мустаҳкам иродаси, Аллоҳга бўлган кучли ишончи мадад берди.

Амир Темурнинг умр йўлдоши Ўлжой Туркон оғанинг вафоти бадиий адабиётларда ниҳоятда таъсирчан тасвирланган. Бу асарларнинг бирида унинг акаси Амир Ҳусайн ўз синглисини уйига меҳмонга чақириб, уни Темурга қарши қўймоқчи бўлади. Лекин малика бунга рози бўлмайди. Сирнинг очилишидан қўрққан Амир Ҳусайн синглисини қузатаётганда уни ўз тортиғи - хуркак тулпорга миндиради. Унинг хизматкори йўлда сездирмай от эгарига тасмани кесиб қўяди. Йўлда қаттиқ хурккан от маликани олиб қочиб, ерга йиқитиб кетади. Малика ўлими олдида ўғли Жаҳонгирга *“тоғангдан эҳтиёт бўлинглар”* деган сўзни айтиб улгуради.

Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драмасида эса Амир Ҳусайнни қўлга тушириб, Амир Темур олдида олиб келадилар. Унинг ёнидан “бу - Темур учун” деб ёзилган заҳарланган найза топилади. Бу найзани малика Соҳибқирондан сўраб олади. У ўз хонасига бориб, шу найза билан ўзини-ўзи ўлдиради. Соҳибқирон маликанинг ўлимига жуда қаттиқ қайғуради. Иккала асардаги тасвирларда ҳам Амир Темурнинг буюк қалб эгаси эканлиги ёрқин тасвирланган.

Амир Темурнинг аёл зотига нисбатан эҳтироми, ҳурмати чексиз бўлган. Айниқса, Амир Темур ва Сароймулкхоним ўртасидаги муносабатлар Соҳибқирон ҳақидаги барча асарларда жуда гўзал талқинлар билан тасвирланган.

Бўрибой Аҳмедов романининг “Жаҳонгирлик қисмати” деб номланган қисмида фикримизга ёрқин далил бўлувчи қуйидаги парча бор: *“1392 йил 20 декабрида оғалар ва шахзодалар карвони ҳайлот отлиқ бир жойга келиб қўндилар. Ҳазрат Соҳибқирон меҳрибонлик юзасидан уларни шу ерга келиб кутиб олдилар ва уларнинг бошидан нисор сочдилар... Шу ерда Сароймулкхоним эрига Қаршида, Карвонсарой билан бозор оралиғида бир жойни ёқтириб*

қолганлигини ва ўша ерга олий масжид бино қилдиришга қарор берганини айтганда, ҳазрат Соҳибқироннинг чехрасида қувонч ва ғурур аломатлари ёнди, хотинига миннатдорчилик билдириб, беихтиёр қўлини унинг елкасига ташлади.

- Кўп улуг иш бўлибдур, бегим. Инсондин иморат, ё боғ ёки фарзанд қоладур. Шундайлар ҳам борки, халқдин оладур. Олғонда ҳам мўмай қилиб оладур, локин ўзларидин ҳеч нарсa қолдирмайдур, алар. Бундайлар самарасиз дарахт ёнғлиқдур. Сиз билан биз эрсак, бегим, қобил фарзандлар ҳам, боғ-роғлар ҳам, баланд иморатлар ҳам ўзимиздан ёдгор қолдириб турибмиз. Мана, биз шу Эрон заминида ҳам, Шасман деган ерда бир олий қаср қуриш ишини бошлашиб юбордик. Иншоолло, яқин орада битиб қолғай.

Сароймулхоним қилган ишидан эри мамнун бўлганлигини кўриб ич-ичидан суюнди..."²

А.Ориповнинг "Соҳибқирон" драмасида эса Темурбекнинг Сароймулхонимга бўлган муҳаббати ҳақида мана бундай ташбеҳлар келтирилган:

... Салтанатни олтин узук десам мен агар

Унинг олий беағи — Сиз,

Ёқут кўзи — Сиз.

Эсликсизми, не деб ёзмиш эронлик Ҳофиз:

- Агар кўнглимни шод этса ўша Шероз жонони

Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Шоир билмас, аллақачон бу икки шаҳар

Ҳадя бўлган Бибихоннинг қаро холига..."³

Бибихонимнинг донолиги, садоқати бутун темурийлар сулоласи ичида таърифга лойиқ бўлган. У ўзидан кейинги барча маликаларга, фарзандларига, набираларига кайвони она бўлган. Бадий адабиётда ана шундай тимсоллардан бирини П.Қодиров ўзининг "Она лочин видоси" тарихий романида Гавҳаршод бегим образи орқали ёритиб берди. Ушбу романда, Шохруҳ мирзо Гавҳаршод бегимга шундай сўзларни айтади: "Қуръоннинг "Шуаро" сурасида иккита ояти карима бор. Шу оятларда Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга илтижо қиладилар: "Эй парвардигорим, менга илму ҳикмат бергин. Келгуси авлодларга ҳақиқатни сўзлаб беришга мени лойиқ қилгин!". Биз ана шу оятга амал қилсак бўлмайдими? Хўш, давлат иши-ю, уруш-юришлар мени жуда банд қилиб қўймоқда. Аммо сиз кўп китоб ўқийсиз. Улуғбекни тарбиялаган маърифатлик онасиз. Невараларни мана шу Боғи Сафедга олиб

келиб, уларнинг дилига ҳақиқатни сингдирсангиз бўлмайдимиз? Яз-дий “Зафарнома”си, Шомий китоби, Соҳибқирон отамизнинг хотиралари, кутубхонамиздаги бошқа нодир битиклар барчаси сизнинг ихтиёрингизда бўлсин. Сизу биз кўрган-билган жуда кўп воқеалар ҳам невараларимиз учун катта бир мактаб бўлсин”.⁴

Соҳибқирон Амир Темур нафақат аёлларини, балки фарзандлари ва набираларини ҳам жон-дилидан севгувчи ота бўлган. Ул зотнинг бу хислати ҳам юқорида зикр этилган бадий адабиётларда ўз аксини топган.

Жангу жадалларда фарзандлари Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзони йўқотган Соҳибқирон ўзини-ўзи айблаб шундай дейди:

“Бу қанақа одам бўлдим, ўзи? Нега одамларга ўхшаб болаларимни ҳимоя қилолмадим?! Жаҳонгирим ҳам шу уруш туфайли ўлиб кетди. Мана энди Умаршайх! Эҳ, Умаршайх, Умаршайх! Мироншоҳ қаерда экан? Шоҳруҳ-чи? Улар омонму эрканлар?” Энди у шу тирик қолган икки фарзандини ўйлаб қолди. Яна бир оз йиғлаб олди. “Бўлар иш бўлди. Жаҳонгир билан Умаршайх минг бор ўзимни уриб, дод-фарёд солганим бирлан қайтиб келармиди?” Амир Темур ўзига-ўзи тасалли берди, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди”.⁵

Асардаги бу каби тасвирлар китобхонни ҳаяжонга солмай иложи йўқ. Демак, Амир Темур аҳли аёлига, фарзандларига шу даражада меҳрибон, ғамхўр, жонкуяр инсон бўлган экан. Китобхон бу хислатлардан ўзига андоза олади.

Тарих саҳнасида салкам беш аср давом этган темурийлар сулоласи барча авлодлар учун қимматли бўлган ҳаётий сабоқлари ва ўлмас анъаналари билан ҳам диққатни тортади.

Амир Темур кичик ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг тарбиясини энг оқила хотини Бибихонимга топширган. Сароймулкхоним Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбекларни ватанпарварлик руҳида тарбиялади. Ватанпарварлик эса Амир Темур мўғул истилочиларига қарши ўн йиллар давомида Туркистон мустақиллиги учун олиб борган қаҳрамонона курашининг ички моҳиятини ташкил этади. Ватан мустақиллиги ва фаровонлигини Амир Темур вафотидан кейинги қирқ тўрт йил давомида энг яхши таъмин этган сиймолар Шоҳруҳ ва Мирзо Улуғбек бўлдилар.

Кейинги сулола, унинг тарих олдидаги хизматлари Пиримкул Қодировнинг “Она лочин видоси” номли тарихий асарида жуда ажойиб тарзда ёритиб берилган. Бу асарда Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегим ўз ўғилларини бунёдкорлик руҳида тарбиялаган,

уларнинг ҳар бирига яхши кўрган илмий-иждоий ишини қилиш учун имкон яратган маърифатли ота-она сифатида тасвирланган. Улугбек Мирзо Самарқандда мадраса ва расадхона қуриб, фалакиётда улкан кашфиётлар қилди. Унинг иниси Иброҳим Мирзо Шерозда шоир Шарафиддин Али Яздийга ҳомийлик қилиб, Соҳибқирон бобоси ҳақида “Зафарнома” китобининг яратилишига сабабчи бўлди. Учинчи ўғил Бойсункур Мирзо Ҳиротда бош вазир. У барча рассомларга бош бўлиб, Боғи Сафедда қурилган улкан қасрнинг ичига ажойиб суратлар чиздирди. Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзо номига бир мадраса, Гавҳаршодбегим номига яна бир мадраса қурилди. Асарда, шунингдек, Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегимларнинг бир ёқадан бош чиқариб, ҳокимият жиловини маҳкам тутганликлари, ўғилларини инсоф ва адолат руҳида тарбиялаганликлари учун тўрт ўғилдан бирортаси ота-оналарига қарши бош кўтармаганликлари тасвирланади.⁶

Асардаги энг таъсирчан образ - бу Гавҳаршодбегим образидир. Ёзувчи уни “Она лочин”га ўхшатади. Ҳақиқатан ҳам, Гавҳаршодбегим умрининг охиригача ўз фарзандлари ва набиралари тақдирига куйиб-ёниб яшади. Салтанатда рўй берган низоларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатди. Золим амиру беклар таъсирига тушиб қолган набираси Абдуллатифни бир неча марта тўғри йўлга қайтарди. Аммо бу улкан салтанат ҳеч кимга вафо қилмаганидек, Гавҳаршодбегимга ҳам вафо қилмади. 80 ёшга етиб қолган момони Абусаид қатл эттиради. Бутун Хуросон мотам тутайди. Ёзувчи ўз асарида шу воқеаларни ўта таъсирчан қилиб тасвирлаган.

Юқорида номлари зикр этилган бадиий адабиётларни ўқитиш ва мушоҳада қилиш орқали ёшларни ватанни севиш, оила муқаддаслигини асраб-авайлаш, аёлларни эъзозлашга, ватанимиз озодлиги учун курашганлар номини ҳеч қачон унутмасликка ўргатилади.

Маҳфуза ҚОРАХЎЖАЕВА,

**Тошкент Давлат техника университети доценти,
педагогика фанлари номзоди.**

1 Б.Аҳмедов. Амир Темур. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 4-б.

2 Ўша манба. 362-б.

3 А.Орипов. Танланган асарлар. 2-жилд. 414-б.

4 П.Қодиров. Она лочин видоси. Т.: Шарқ, 2001. 22-б.

5 Б.Аҳмедов. Амир Темур. Т., 1995, 400-б.

6 П.Қодиров. Она лочин видоси. Т., 2001, 20-б.



METODIKA

5-sinf o'quvchilariga tasviriy ifodalash vositalarini o'rgatish tajribasidan

O'quv – tarbiya jarayoniga o'qitishning zamonaviy ilg'or usullari, ya'ni yangi pedagogik va axborot texnologiyalarni joriy etish vazifasi qo'yilgan.

Bu vazifani bajarish o'qituvchilarga, ayniqsa, ona tili va adabiyot muallimlariga juda katta mas'uliyat yuklaydi.

Ushbu maqolada men 5-sinf o'quvchilariga nutqda tasviriy ifodalash vositalaridan turli usullar yordamida foydalanish tajribasini bayon etmoqchiman. Jumladan, bu ishni 5-sinf ona tili darsligidagi “Tasviriy ifodalar” mavzusi¹ ustida ishlash jarayoni orqali yoritmoqchiman.

Dars xarita, tarixiy shaharlarning rangli suratlari, yil fasllari, hayvonlar suratlari bilan jihozlanib, o'quvchilarga tarqatma material berildi.

Bu darsdan ilgari o'quvchilarga so'zlash odobi haqida “O'zbek xalq maqollari” kitobidan tasviriy vositalar mavjud maqollarni yod olish va tarixiy shaharlarimiz haqida ma'lumotlar bilan tanishish vazifasi topshirilgan edi.

Sinf o'quvchilarini “*Oq oltin*”, “*Dala malikasi*”, “*Kumush tola*”, “*Oltin boshqoq*” nomli guruhlariga bo'ldim. Bu guruhlar vazifalarni bajarishda bir-biri bilan musobaqalashishlari kerak edi.

Dars “*Aqliy hujum*”, ya'ni “*Maqollar sabog'i*” degan musobaqadan boshlandi. Bunda bir guruh maqolning birinchi qismini aytsa, ikkinchi guruh uning davomini topishi kerak edi. Musobaqa quyidagicha o'tdi:

“*Oq oltin*” guruhi: Yaxshi so'z jon ozig'i...

“*Dala malikasi*” guruhi: Yomon so'z bosh qozig'i.

“*Kumush tola*” guruhi: Shirin so'z bilan ilon inidan chiqar...

“*Oltin boshqoq*” guruhi: Yomon so'z bilan pichoq qinidan chiqar.

“*Oq oltin*” guruhi: Aytar so'zni ayt...

“*Dala malikasi*” guruhi: Aytmas so'zdan qayt.

“*Kumush tola*” guruhi: O'ynab aytsang ham...

“*Oltin boshqoq*” guruhi: O'ylab ayt.

Maqollardan o'quvchilar yon atrofdagilar bilan inoq, do'st, yaqin bo'lish, ig'vo, hasad ma'nosidagi so'zlarni aslo so'zlamasdan, doimo

shirin, mazmunli va ma'noli so'zlashish lozimligi haqida xulosa chiqardi-lar. Men esa o'quvchilar e'tiborini maqollardagi yaxshi so'zning atrof-dagilarga ijobiy ta'sirini, yomon niyatli ilonni ham eritib yuborishiga, yomon so'zning salbiy ta'siri esa yovuzlikka sabab bo'lishiga tenglashtirib tasvirlanganligiga qaratdim va bunday o'xshatish tasviriy vositaning bir turi ekanligini aytdim.

Keyingi musobaqa ***“Suratlar tilga kirsin”*** o'yini tarzida o'tkazildi. Bunda guruhlar-ga paxta, makkajo'xori, savatchada pilla, bug'doyzor tasvirlangan rasml-i kartochkalar tarqatildi.

O'yin shartiga ko'ra, 5 daqiqa ichida har bir guruh berilgan rasmlar asosida she'r yoki nasriy matn tuzishi va tuzilgan she'r yoki matnni guruh a'zolaridan biri o'qib berishi kerak edi. Bu vazifani guruhlar quyidagicha bajarishdi:

“Oq oltin guruhi”:

Paxta - oq oltin

Yurtimiz boyligi, bizning milliy g'ururimiz paxtamizdir. Paxta - oq oltinimiz. Chunki u bizni kiyintiradi, to'yg'izadi, xalqimiz hayotini farovon qiladi. O'zbekistonimiz paxtasi bilan dunyoga mash'hur.

“Dala malikasi” guruhi:

Makkajo'xori - dala malikasi

Makkajo'xori - chiroyli, ko'm-ko'k o'simlik. U insonlar va hayvonlar uchun to'yimli ozuqa. Undan ko'p shirin narsalar tayyorlanadi. So'talarini qizchalar qo'g'irchoq qilib o'ynashadi. Dalamizga chiroy bag'ishlagani uchun uni dala malikasi deyishadi.

“Kumush tola” guruhi:

Pilla - kumush tola

Bahorda ipak qurti boqamiz. Ipak qurti pilla o'raydi. Pilladan kumush rangli tola olinadi. Undan atlas, adras kabi matolar to'qiladi. Bu matolar bilan o'zbek xalqi jahonga mashhur bo'lgan.

“Oltin boshq” guruhi:

Bug'doy - oltin boshq

*Dalaga sepsangiz don,
O'sadi sho'x bug'doyjon,
Bo'ladi katta xirmon,
Oltin boshq - bug'doyjon.*

*Bizga bo'lar issiq non,
Qushlarga-chi, yemish don.
Hosildan barcha xandon,
Oltin boshqoq - bug'doyjon.*

Bu o'yinda "Oltin boshqoq" guruhiga rag'bat kartochkasi berildi.

Darsning bu qismiga yakun yasab, men bu matnlar va she'rdagi paxtani oltinga, ipakni kumushga, bug'doy boshog'ini ham oltinga qiyoslab, ular tasviriy ifodalash vositalarining bir turi ekanligini tushuntirdim.

Shundan so'ng, barcha o'quvchilarga darslikdagi "Bilib oling" rukni ostida berilgan matnni o'qish topshirig'ini berdim. Matndagi tasviriy ifodalash vositalaridan o'xshatish ekanligini namoyish qilish uchun xo'roz suratini ko'rsatib: "Bu nima?" - degan savol berdim. O'quvchilarning **xo'roz** degan nomga **tong jarchisi** so'zini keltirib, **xo'roz** so'zining tasviriy ifodasi ekanligini tushuntirdim.

Narsa-buyum nomi yoki boshqa nomni aniq atamay, uni boshqa bir narsa yoki hodisaga o'xshatish orqali tasvirlash tasviriy ifoda ekanligi ta'kidlanib, tasviriy ifodalar tilimizning jozibali, ta'sirchan, ma'noli bo'lishini ta'minlash bilan birga narsa va hodisalarning ikkinchi nomi hisoblanishi haqida xulosa qilindi. Misol qilib *televizor - zangori ekran* degan tasviriy ifoda keltirildi.

Darsning keyingi bosqichida **"Tasviriy ifoda tashrifi" sahna ko'rinishi** namoyish etildi.

Darsda "Tasviriy ifoda" timsolidagi o'quvchi bilan guruhlar orasida quyidagi aytishuv o'qib eshittirildi:

Tasviriy ifoda: *Ey ilm maskanining
Zo'r ilm toliblari,
Ma'nolar mahzanining
Orzumand g'oliblari.
Aniqdir men-la doim
Suhbat o'tkazishingiz
Men-la ko'ngil bog'ida
Nihol o'tqazishingiz.
Ko'ngil kalitingiz-la
Oching qalb davoza-sin.
Javohirman ichida,
Injular xazinasin.
Mening nomim bilsangiz
Tasviriy ifodaman.*

*Nutqni go'zal qilishda
Jilvaman, ifodaman.
Men-la nutqingiz go'zal
Men-la yozilgan g'azal
Siz sevgan she'r, qo'shiqlar
Men-la yoqimli azal.
Mening so'zlarim sizlar
Yoymangiz maqtanmoqqa
Hozirlaning savollar
Bersam javob topmoqqa.
Salomatlik posboni
Deb kimni aytmoq darkor?*

“Oq oltin” guruhi: *Aziz inson - shifokor.*

Tasviriyl ifoda: *Balli, zukko ekansiz
Biroq, yana ayting-chi,
To'plab aqlida borin.
Dala malikasi ne?*

“Kumush tola” guruhi: *Topdik! Makkajo'xori!*

Tasviriyl ifoda: *Ey, topqirsiz-ku, rahmat!
Aql gimnastikasi...*

“Dala malikasi” guruhi: *Biz aytamiz, bu - shaxmat.*

Tasviriyl ifoda: *Yurak kuychisi kimdir?
Qani, kim endi topqir?*

“Oltin boshog'” guruhi: *Bumi? Bilamiz, shoir.*

Tasviriyl ifoda: *G'azal mulki sultoni...*

“Oq oltin” guruhi: *Hazrat Navoiy bobo
She'rlari dilga davo.*

Tasviriyl ifoda: *O-o, aqlingizga balli.
Po'lat ot bu nimadir?
Javob aytguchi bormi?*

“Dala malikasi” guruhi: *Javobimiz shul erur:
Bu axir traktordir.*

Tasviriyl ifoda: *Qonunlarning majmui
Qanday nomlanar yana?*

“Kumush tola” guruhi: *Tezda topib qo'ydik biz.
Bu - Konstitutsiya.*

Tasviriyl ifoda: *Endigisin topsangiz,
Fokuschi bo'lasiz siz.
Charm qo'lpoq ustasi...*

“Oltin boshqoq” guruhi: *Bokschi, bilamiz biz!*

Tasviriy ifoda: *Zangori olov nima?*

Topingiz o‘ylab bir pas.

“Oq oltin” guruhi: *Javobimiz tayyordir,*

Bu - bizga kerakli gaz!

Tasviriy ifoda: *Ancha topqir ekansiz.*

Ayting-chi, qay hayvonni.

O‘rmon podshohi derlar.

“Oq oltin” guruhi: *Bu eng oson savol-ku,*

Axir bu arslon, she‘rlar!

Bu savol - javobda eng ko‘p rag‘bat kartochkasini “Oq oltin” guruhi qo‘lga kiritdi.

Shundan so‘ng **“O‘yla, izla, top”** o‘yini o‘tkazildi. O‘yinda guruhlar o‘zlariga berilgan quyidagicha test savollariga javob topdilar:

1. *Yaylov bahodirlari* tasviriy ifodasining atamasini toping.

A. Cho‘pon

V. Dehqon

S. Ovchi

D. Traktorchi

2. Tasviriy ifoda mavjud bo‘lgan qatorni toping.

A. Hovli yog‘ tushsa yalagudek edi.

V. O‘g‘li iztirob bilan otasiga qaradi.

S. Shahrimizda mo‘yqalam sohiblarining ko‘rgazmasi ochildi.

D. Oz so‘zla, ko‘p tingla.

3. *Qora oltin* tasviriy ifodasini aniq atamasini toping.

A. Neft

V. Ko‘mir

S. Temir

D. Kumush

4. *“Bahorda issiq o‘lkalardan... uchib kela boshlaydi”* gapida tushirib qoldirilgan tasviriy ifodani toping.

A. Samo lochini

V. Temir qanot

S. Qanotli do‘stlar

D. Sahna bulbullari

Test yechishda to‘rtala guruh ham rag‘bat kartochkasiga ega bo‘ldi.

Dars so‘ngida **ramziy sayohat vositasida saylanma diktant** quyidagicha o‘tkazildi:

Xattaxtaga shaharlarning rangli suratlari asosida tayyorlangan ko‘rgazma va xarita osib qo‘yildi.

Guruhlarga “yo‘l chiptalari” tarqatildi. Har bir guruhga o‘ziga tushgan shahar haqidagi matndan tasviriy ifodani topib yozish topshirig‘i berildi va guruhlarga quyidagi matnlar o‘qib eshittirildi:

“Shahrisabz - sohibqiron Amir Temur tavallud topgan yurt. Shahrisabz yashil shahar deyilgan. Oqsaroy obidasi shahar ko‘rki hisoblana-

di. *Mustaqillik sharofati bilan Shahrisabzda yangi ilm maskanlari barpo etilmoqda*".

Endi esa A.Temur poytaxt qilgan Samarqandga yo'l olamiz.

"Samarqand qadimiy - tarixiy yurt. Shahar - feruza gumbazlar makoni. Yer yuzining sayqali Samarqandni butun dunyo xalqlari biladi. 1996 yil A.Temur tavalludining 660 yilligiga bag'ishlab, Toshkent, Samarqand, Shahrisabzda sohibqiron haykali o'rnatildi".

"Mana bu O'zbekistonimizning yuragi Toshkent shahri surati. Toshkent - Sharqning oltin darvozasi. Hur diyorimiz poytaxti. Sharq mash'ali Toshkent "Non shahri" deb ham atalgan".

Toshkentdan chiqib Farg'ona vohasi tomon yuzlanamiz.

"Farg'ona shahri O'zbekistonimizning oltin vodiysi sanaladi. Vodiyning tilyorar qovunlari, shirin-shakar uzumlari, Quva anorlari, Rishton kullollari, Marg'ilon xon atlaslari dunyoga mashhur. Vodiyydan chiqqan sahna bulbullari yurtimiz faxri".

Ushbu topshiriq bo'yicha "Oq oltin" va "Dala malikasi" guruhiga rag'bat kartochkasi berildi.

Dars so'ngida faol qatnashgan guruh a'zolari rag'batlantirilib, g'olib guruhlar e'lon qilindi. Uyga 539-mashqda berilgan tasviriyl ifodalarning izohini yozib, gap tuzib kelish vazifa qilib berildi.

**Muqaddam TOSHTURDIYEVA,
Qashqadaryo viloyati Qamashi tumani 23-maktab o'qituvchisi.**

1 N.Mahmudov va boshqalar. 5-sinf. Ona tili darsligi. T., 2004, 187-b.

Ona tili darslarida qush nomlarini o'rganish usullari

Keyingi yillarda o'zbek tilshunosligida atamashunoslik sohasida qator ishlar amalga oshirildi. Ular yuzasidan izohli lug'atlar ham yaratila boshlandi. Bularning hammasi o'rta va oliy ta'lim o'quvchi-talabalarining nutqini o'stirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Biz ushbu maqolada qush nomlari (ornitonimlar)ni o'rganish usullari xususida so'z yuritmoqchimiz. Qush nomlari 5-sinfda "Uyadosh so'zlar",¹ 6-sinfda "Ot"² so'z turkumi mavzusida o'rganiladi. O'qituvchi mazkur mavzu yuzasidan o'quvchilarga mukammalroq bilim berish uchun olimlarimiz H.Saidova³, D.Bozorova⁴, Sh.Nosirov⁵, T.Zohidov⁶, O.Bogdanovlarning⁷ risolalaridan foydalanishi mumkin.

Qush nomlari ham, tilning boshqa lug'aviy qatlamlari singari, o'zaro

omonimik, sinonimik va antonimik xususiyatlarga ega. Shuningdek, tilimizdagi ayrim ornitonimlar ko‘p ma’nolilik (polisemantik) xususiyati bilan xarakterlanadi. Masalan, arabcha *anqo* so‘zi *Qof tog‘ida yashagan afsonaviy katta qush*⁸ ma’nosini bildiradi. Bu atama aslida yo‘qlik ramzi sifatida qo‘llanadi. Ushbu ornitonim asosida shakllangan *anqoning urug‘i*, *anqoning tuxumi*, *anqoga shafe* iboralari ham *sira topilmaydigan* yoki *g‘oyat kam uchraydigan narsa* ma’nosini ifodalaydi: *Kenja har yoqqa alanglab, boshpana ko‘zlashga tushdi. Dashtda bunday boshpana anqoning urug‘i* (H.Nazir). Forscha-tojikcha *humo* so‘zi esa *baxt qushi* ma’nosida qo‘llanib, *kimning boshiga qo‘nsa yoki soyasi tushsa, u kishi baxtli bo‘ladi*, deb e’tiqod qilingan bu so‘z *afsonaviy qush*, *davlat qushi* degan ma’noni ham bildiradi (O‘TIL, II jild, 711): *O‘zbekiston Respublikasining Davlat gerbida baxt va erksevarlik ramzi- qanotlarini yozgan Humo qushi tasvirlangan*.

Tilimizda *birqozon*, *olaqanot*, *qizilbosh*, *saqoqush*, *bigiztumshuq*, *boyo‘g‘li* kabi qo‘shma so‘zlar qush nomi (ornitonim) sifatida qo‘llanadi. Jumladan, *birqozon* kurakoyoqli qushlar turkumiga mansub katta qush, *saqoqush* ma’nosini bildiradi: (O‘TIL, I jild) *Qayiq yalangliklarga chiqqanda birqozonlarning oq bulutday katta galasi erinchoqlik bilan osmonga ko‘tarildi* (A.Muxtor). Shunisi muhimki, tilimizda *birqozon* va *saqoqush* ornitonimlari o‘zaro ma’nodosh, sinonim sanaladi, chunki ularning har ikkalasi ham bir qushning nomini ifodalaydi. Maktabda *Ona tili* fanidan mashg‘ulotlar o‘tilayotganda qush nomlarining ana shunday xususiyatlari haqida o‘quvchilarga o‘rni bilan ma’lumotlar berish ularning tilimiz lug‘aviy boyligi haqidagi tasavvurlarini yanada boyitishga xizmat qiladi. Masalan, o‘qituvchi 6-sinfda “Turdosh otlar va ularning guruglari” mavzusini o‘tish jarayonida o‘quvchilarga quyidagi 2-3 guruh qush nomlarini xattaxtaga yozib ko‘rsatadi:

<i>Bulbul</i>	<i>boyo‘g‘li</i>	<i>baliqchi</i>
<i>Bedana</i>	<i>bigiztumshuq</i>	<i>jo‘rchi</i>
<i>Burgut</i>	<i>jiyronqush</i>	<i>zog‘cha</i>
<i>Mayna</i>	<i>ko‘kqarg‘a</i>	<i>chug‘urchiq</i>
<i>Kaptar</i>	<i>loyxo‘rak</i>	<i>chittak</i>
<i>Kakku</i>	<i>olaqanot</i>	<i>yilqichi</i>
<i>Qarg‘a</i>	<i>oqqush</i>	<i>qoravoy</i>

O‘qituvchi dars davomida yuqorida keltirilgan uch guruhdagi qush nomlarining birinchisi tub sodda so‘zlar ekanligini, ikkinchi guruhdagi qush nomlari qo‘shma, uchinchi guruhdagi qush nomlari esa sodda

yasama soʻzlar ekanligini oʻquvchilarga tushuntiradi, ularni daftarga yozib olishni, har bir qush nomi ishtirokida gaplar tuzishni vazifa qilib topshiradi. Topshiriqni yaxshi bajargan oʻquvchilarni ragʻbatlantiradi.

5-sinfda “Qoʻshma, juft va takroriy soʻzlar” mavzusini oʻrganishda, oʻzbek tilida qush nomlarining asosiy qismi ikki oʻzakdan iborat qoʻshma soʻzlar ekanligini, ular doimo qoʻshib yozilishini quyidagi misollar vositasida tushuntiradi: *boyqush, dehqonchumchuq, jarqaldirgʻoch, sassiqpopishak, soʻfitoʻrgʻay, tuyaqush, toʻramijoz, xoʻjasavdogar, yapaloqqush, qizilishton, qoratomoq, qoracaqshak, haqqush* kabilar. Shu oʻrinda oʻquvchilar eʼtibori *oqqush* soʻzi qoʻshib yozilganda *oʻrdaksimonlar oilasiga mansub patlari oq, boʻyni uzun, yirik suv qushi* maʼnosini anglatishi, ajratib yozilganda esa *oq rangdagi qush* maʼnosidagi soʻz birikmasi ekanligiga qaratiladi.

Qush nomlariga doir mashgʻulotlar 6-sinfda, shuningdek, “Atoqli va turdosh otlar”, “Hayvonot otlari” mavzulari ustida ishlash jarayonida ham darslikda berilgan *bulbul, toʻti, chumchuq* singari qush nomlariga qoʻshimcha ravishda *bedana, gʻoz, hakka, qumri, quzgʻun, qarqʻa, qarqunoq, turna, laylak, toʻvus, mayna, musicha, lochin, saʻva, zagʻizgʻon, kaklik* singari ornitonimlarni ham keltiradi, qush nomlari yozilgan jadvalni kodoskop orqali ekranga tushirib, ularni koʻchirib olishni oʻquvchilarga vazifa qilib topshiradi. Bu usul oʻquvchilarga ushbu soʻzlarning barchasi turdosh otlar ekanligini bilib olishlariga yordam beradi.

Qush nomlari haqidagi bunday mashgʻulotlarda “Topqirlar oʻyini”, “Kim koʻp qushlar nomini biladi?” kabi musobaqalar oʻtkazish, “Qushlar - bizning doʻstimiz”, “Siz qushlarni sevasizmi?” singari mavzularda ijodiy insho tayyorlash ham yaxshi natija beradi. Mashgʻulotni yanada qiziqarli oʻtkazish uchun oʻqituvchi 6-7-sinflar “Zoologiya” darsligidagi qush nomlarini aniqlashga oid quyidagi kabi topishmoqlardan ham foydalanishi mumkin:

*Pishirsa osh boʻlur,
Pishirmasa qush boʻlur.
Loy-choʻp choʻqir,
Savat toʻqir.*

*Zuv-zuv borar,
Tomdan qarar.*

*Atlas koʻylak qanoti,
Xush xabarchi odati.*

Xullas, “Ona tili” darslarida soʻzlarni mavzuiy guruhlarga ajratib oʻrganish jarayonida qush nomlari haqida oʻquvchilarga asosli bilim va koʻnikmalar berish ularning ijodiy matn tuzish, fikrlash qobiliyatini oʻstirishga xizmat qiladi.

**Bekmurod YOʻLDOSHYEV,
filologiya fanlari doktori, SamDU professori,
Dilnoza YOʻLDOSHYEVA,
Samarqand shahri 1-son oʻrta maktab oʻqituvchisi.**

1 H.Neʼmatov va boshqalar. 5-sinf. Ona tili. T.: Oʻqituvchi, 2001.

2 H.Neʼmatov va boshqalar. 6-sinf. Ona tili. T.: Oʻqituvchi, 2002.

3 H.Saidova. Oʻzbek tilida hayvon nomlarining shaxs tavsifi vazifasida qoʻllanishi. NDA, Samarqand, 1995, 16-b.

4 Д.Базарова. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка (на материале названий птиц). Т.: Фан, 1978.

5 Sh.Nosirov. Dialektal ornitologiyaga oid kuzatishlar // Oʻzbek tili va adabiyoti, 1986. 4-son. 56-60-b.

6 T.Zohidov. Zoologiya ensiklopediyasi (qushlar). T.: OʻzFA nashriyoti, 1957. 7-127-b.

7 O.Bogdanov. Oʻzbekistonning hayvonot dunyosi (umurtqalilar). T.: “Oʻzbekiston” nashriyoti, 1965. 89-205-b.

8 Oʻzbek tilining izohli lugʻati. 1-jild. M., 1981, 49-b. Maqolada bu lugʻat OʻTIL qisqartmasi bilan berilgan, qavs ichida asar jildi va sahifasi koʻrsatilgan.

Oʻquvchilarda ijodiy faoliyatni shakllantirish

“Taʼlim toʻgʻrisida”gi qonun va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” hozirgi zamon darsi oldiga ulkan vazifalar qoʻymoqda. Ushbu vazifalardan biri mustaqil fikrlay oladigan, oʻz qarashlariga ega boʻlgan hamda zarur paytda uni himoya qila oladigan va eng muhimi, oʻz bilimlarini jamlab, ulardan foydalana oladigan ijodiy tafakkur sohibini shakllantirishdir.

Bunda umumtaʼlim maktablarida oʻtiladigan ona tili va adabiyot darslarining ahamiyati beqiyosdir. Bu borada oʻquvchilar ijodiy faoliyatini shakllantirish yoʻllari cheksiz. Ushbu maqolada men oʻz tajribamda qoʻllagan ana shunday yoʻllarning baʼzi birlari haqida soʻz yuritmoqchiman.

8-sinf darsligidagi¹ “Soʻz birikmasi va soʻz” mavzusi boʻyicha til

hodisalarini taqqoslashga oid amaliy-ijodiy topshiriqli mashqlar berilgan. Birinchi topshiriq bo'yicha o'quvchilar ko'chma xattaxta yoki ko'rgazma-plakatga yozilgan quyidagi so'z juftliklarining har biri bilan bir xil qolipdagi gaplar tuzdilar. Masalan, *shifokor - salomatlik posboni. Ayol - uyimiz farishtasi. Maktab - bilim o'chog'i* kabi.

Bunda har bir o'quvchiga alohida bitta so'z juftligi yozilgan kartochka taqdim etilgani ma'qul, chunki xattaxtada yozilgan so'zlardan bittasini bir necha o'quvchi tanlashi va ko'pgina juftliklar "egasiz" qolib ketishi mumkin.

Ikkinchi topshiriq og'zaki bajarilib, unda har bir o'quvchidan juftlikdagi so'zlarning lug'aviy ma'nolarini izohlash talab etildi.

Uchinchii topshiriq bo'yicha sinf o'quvchilariga quyidagicha savollarni "**Zanjir**" o'yini orqali berib bordim: Qaysi so'z predmet yoki shaxsni nomlayapti? Qaysi so'zlarda tasvir mavjud? Qaysi so'zlarning ma'nodoshi bor? Qaysi so'z yakka holda, qaysinisi birikma holda muayyan ma'noni beryapti? Birikma holdagi so'zni bir-biridan ajratsak, qanday ma'no vujudga keladi? "**Zanjir**" o'yini o'quvchilar diqqati va sergakligini oshirishning qulay vositasi bo'lib, unda o'ziga berilgan savolga javob bera olmagan o'quvchi o'sha zahoti o'yindan chiqadi.

Darsning keyingi bosqichida o'quvchilar "**Xashar**" usuli (ya'ni birining fikrini biri davom ettirish) orqali *tasviriy ifoda* tushunchasiga ta'rif beruvchi matn tuzdilar. Bunda "**Zanjir**" o'yinida berilgan savol-javoblarga qarab, o'quvchilar matnni quyidagicha tuzdilar:

1-o'quvchi: Tasviriy ifoda nutqimizda juda ko'p uchraydigan hodisa.

2-o'quvchi: U tilimizda takrorlarga yo'l qo'yilmasligi va biror buyumni obrazli ifoda etish maqsadida qo'llanadi.

3-o'quvchi: Tasviriy ifoda bitta so'zdan iborat bo'lolmaydi. U so'z birikmasi shaklida tuziladi.

4-o'quvchi: Tasviriy ifoda narsaning nomini aniq atamaydi. U shu nomga ma'nodosh.

5-o'quvchi: U har qanday gap bo'lagi vazifasida kelishi mumkin.

6-o'quvchi: Nutqimizga go'zallik, qalbimizga zavq bergani, hissiy-ta'sirchan bo'yoqqa ega bo'lgani uchun ham u muhim ahamiyatga ega.

7-o'quvchi: Tasviriy ifoda adabiyotdagi *istiora* atamasi bilan muvofiq keladi.

8-o'quvchi: Tasviriy ifodalar - *parafrazalar* ham deyiladi.

Shundan so'ng barcha o'quvchilar kitobni ochib, undagi tasviriy ifodaga berilgan ta'rifni o'zlarining javoblari asosida xattaxtada yozib borilgan ta'rifning "**Hashar**" yo'li bilan tuzilgan matni bilan qiyosladilar.

O'quvchilarga 5 daqiqa ichida yuqoridagi matnni yodlash yoki tasviriyl ifoda nazariyasini ritmik nutqqa solish, u haqda qiziqarli hikoya yoki ertak yaratish topshirig'i berildi. Ular topshiriql bajargunga qadar "Zanjir"dan "uzilib qolgan" o'quvchilar bilan 37-mashql og'zaki, 38-mashql esa yozma bajarildi hamda ular bilan "xotira" o'yini o'ynaldi.

"Xotira" o'yinida o'quvchilar turli xil tasviriyl ifodalarni yodda saqlash bo'yicha bir-biri bilan musobaqalashdilar. So'ngra ijodiy matn o'qittirilib, o'quvchilar "Eng yaxshi matn muallifi", "Eng xotirasi o'tkir o'quvchi" nominatsiyalari bilan rag'batlantirildi.

O'quvchilar ijodiy tafakkurini rivojlantiruvchi bunday darslarda, shuningdek, maktub yozish, turli nazmiyl bitiklar bitish, testlar tayyorlash, tayyorlagan testlarini o'zaro tahlil qilish, bir-birlari bilan o'zaro savol-javob musobaqalari o'tkazish, bir-birlari tayyorlagan ijodiy ishlarni tekshirish kabi usullarni qo'llash mumkin.

Bu darslar o'quvchilarning ijodiy tafakkurini o'stirish bilan birga ona tili darslariga qiziqishni oshirishi bilan ham ahamiyatlidir.

Tursunoy YO'LDOSHYEVA,
Shofirkon tumanidagi
4-maktab o'qituvchisi.

1 H.Ne'matov va boshqalar. 8-sinf. Ona tili. T.: O'qituvchi, 2001.

Ona tili darslarida toponimik materiallardan foydalanish

Joy nomlari, ya'ni toponimlar xalql tarixi, urf-odatlar, dunyoqarashi, orzu-maqsadlari, tili xususida boy va muhim ma'lumotlarni o'zida saqlab kelgan bebaho manbadir. Dars jarayonida ushbu manbadan foydalanish, birinchidan, darsning samaradorligini oshirsa, ikkinchidan esa o'quvchilar o'zlari yashayotgan joy nomlarining yuzaga kelish tarixi, ularning qanday ma'no anglatishi haqida g'oyat qiziqarli ma'lumotlar oladilar.

Ayniqsa, o'quvchilarga so'z yasalishi haqida so'zning morfologik tarkibi va qo'shimchalar haqida ma'lumotlar berish, shuningdek, ularda etimologik tahlil ko'nikmalarini hosil qilishda toponimik materiallar muhim vositadir.

Toponimlar odatda juda uzoql davrning mahsulidir. Ayniqsa, tarixiy nomlar bizga yetib kelgunga qadar qator lisoniy (fonetik, ma'noviy,

tarkibiy) o'zgarishlarga uchraganligi tabiiydir. Shunday ekan, avvalo, o'quvchilarga ushbu o'zgarishlarning xususiyatlari haqida ma'lumot berish lozim. Ma'lumki, nomlarni qo'llash jarayonida ularning tarkibi o'zgarishiga turli omillar sabab bo'ladi. Buni quyidagi misollar asosida kuzatishimiz mumkin:

1. Geografik nom eskirib, iste'moldan chiqadi. Natijada toponimning ma'nosi ham unutiladi. Masalan, *Beshyog'och* nomi tarkibidagi *yog'och* so'zi - bir kilometrga teng uzunlik, masofa o'lchovi. Demak, *beshyog'och* - *bu markaz (o'rda)dan besh yog'och uzoqlikda joylashgan daha*.

So'g'onchi toponimi *piyozchi* demakdir. Chunki *so'g'on* qadimgi turkiy tillarda *piyoz* degan ma'noni bildirgan. Demak, So'g'onchi - *piyozchilar qishlog'i* demakdir. Yoki *Tovshonqir* nomi: *Tovshon* // *Tovushqon* so'zidan olingan. Bu so'z qadimgi turkiy tilda *quyon* so'zini anglatgan. *Tovshonqir quyonli qir* demakdir. *Yozyovon* nomi *yozi* (yoki *yozi*) - *cho'l*, *yovon* - *dasht* so'zidan tashkil topib, *cho'li biyobon* tushunchasini anglatadi.

Bunday misollar tilimizda ko'plab uchraydi.

2. Ob'ektning mazkur nomni olishga sabab bo'lgan belgilari o'zgarib ketadi yoki butunlay yo'qoladi. Bu esa nomning asl ma'nosi unutilishiga sabab bo'ladi. Masalan:

Yetti terak, *To'qqiz qayrag'och* kabi nomlar shu joyda qayrag'och yoki terakning mavjudligiga ishoradir. Nomshunoslikda *yetti*, *to'qqiz*, *qirq*, *yuz* kabi sonlar ayni shu raqamning qiymatini ifodalamay, balki ushbu sonlar bilan ifodalangan predmetning ko'pligi yoki kamligini bildiradi. Shuning uchun yuqoridagi nomlarni *terakli qishloq*, *qayrag'ochzor*, *qayrag'ochi bor joy* deb tushunmoq kerak. Ammo vaqt o'tishi bilan mazkur joyda na terak, na qayrag'och qolmasligi mumkin. Masalan, *Krivoy Rog* shahrining nomi tarjimasi *qiyshiq shox*dir. Lekin, V.A.Nikonovning tadqiqi natijasiga ko'ra, bu nom asli *Krivoy ovrag*, ya'ni *qiyshiq jardir*. Shahar jar yonida yoki xandaqlarga yaqin joyda qurilgan. Ammo hozir bu jarlar yo'q.¹ Natijada shahar nomining asl ma'nosi unutilgan.

O'zbekistonning barcha viloyatlarida uchraydigan *Do'rmon* toponimi o'zbek xalqining bir urug'i nomi bilan bog'liq bo'lgan. *Do'rmon* so'zi mo'g'ulcha *to'rt* demakdir. Qadimda to'rt urug' vakillarining ko'chib yurishi natijasida ularning nomi bilan ataladigan joylar vujudga kelgan.

Nomlarning aksariyati shu joyning geografik tuzilishi bilan bog'liq holda vujudga keladi. Masalan, *Shahrisabz* - *ko'k shahar*, *yashil shahar* ya'ni *bog'i ko'p shahar* degan ma'noni bildirsa, *Sibir* toponimi,

S.Qorayevning izohlashicha, *botqoqlik*, *zax joy* demakdir.²

3. Nomlar turli xil fonetik o'zgarishlarga uchraydi. Bu ko'pincha nomning asl ma'nosini bilishni qiyinlashtiradi. Masalan, *Toshkent* juda ko'p nomlar bilan atalgan va turli o'zgarishlarga uchragan. Jumladan, o'rta asrlarda *Tarkan*, arab manbalarida *Shosh*, tojik-fors tilida *Choch* va *Joj*, xitoy manbalarida *Chje-je* va *Ta-shi-xan* shaklida yozilgan. Mahmud Koshg'ariy bu nomni *toshdan qurilgan shahar* deb izohlaydi.³ Grek mualliflari shahar nomini *Lifivos Petros*, ya'ni *Tosh qal'a* deb tilga oladilar. Aslida bularning hammasi *Toshkent* so'zining buzilgan shakllaridir.

Yana bir misol. Beruniy tumanida *Qilichinoq* deb ataluvchi qishloq bor. Mahalliy aholi uning ma'nosini *qil* yoki *qul* so'zi bilan bog'laydi (*Qul+chinoq* - shevada laqab). Aslida nom ikki qismdan: *Qilich* (kishi ismi) va *inoq* (Xiva xonligidagi mansab nomi) so'zlaridan iborat bo'lib, *Qilich inoq*dir. Nom tarkibidagi birinchi komponent o'z urg'usini yo'qotishi natijasida tizimda o'zgarish sodir bo'lgan.

4. Ma'lum joy nomini bildiruvchi so'z boshqa tildan o'zlashgan bo'lsa, mazkur tilda o'z ma'nosini yo'qotadi. Ko'pincha qabila nomlari toponimik nom uchun asos bo'lib, ularning ba'zilar aslida mo'g'ul tilidan kirgan.

Masalan, *nayman* - mo'g'ulcha *sakkiz* demakdir. O'zbekistonda *Nayman*, *Naymancha*, *Naymanariq* kabi nomlar ko'plab uchraydi.

Mang'it - myangayet, *minglar* demakdir. Shuningdek, *Panjob* tojik-fors tilidan o'tgan *besh suv*, *besh ariq* degan ma'noni bildiradi. Toshkentdagi *Salor arig'i* qadimda *Rudak* deb yuritilgan. Bu so'z forscha *Rud +ak* (kichraytirish qo'shimchasi) *kichik ariq*, *ariqcha* ma'nosini anglatadi. *Denov* shahri nomi ham ikki qismdan iborat bo'lib, *Dehi+nav* (deh - *qishloq*, nav - *yangi*)forschada *yangi qishloq*dir.

Dars jarayoniga toponimlar ustida ishlashni shu zaylda tatbiq etish uchun avvalo o'qituvchi ushbu soha bo'yicha muayyan bilimga ega bo'lishi lozim. Shunday ekan, oliy o'quv yurtlarining filologiya, geografiya, tarix kabi fakultetlarida onomastika bo'yicha maxsus kurslar o'qitilsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi.

P.O'ROZOV,
filologiya fanlari nomzodi.

1 В.А.Никонов. Краткий топонимический словарь. М., с. 216.

2 S.Qorayev. Geografik nomlar ma'nosini bilasizmi? T., 1970, 105-b.

3 M.Koshg'ariy. Devonu lug'otit-turk. I-jild. T., 1960, 414-b.



Диалогларда прагматиканинг роли

Тилшунослик соҳасида XX аср охирига келиб ўрганилаётган объектнинг мазмуний томонига эътибор бериш тобора орта бошлади. Сабаби, кузатишдаги (эмпирик) босқич ўз ниҳоясига етгач, бевосита кузатишда берилмаган абстракциялаш - умумлаштириш босқичига эҳтиёж сезила бошлади.

Мазмуний йўналишдаги йирик ишлардан бири «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси»¹ китобидир. Бундан ташқари, 80-йиллардан бошлаб то ҳозирги кунга қадар бир қатор мақолалар юзага келди ва уларда мазмуннинг нафақат синтактик, балки прагматик томонлари ҳам тадқиқ этилди.²

Ўзбек тилшунослигида прагматика соҳаси нисбатан янги соҳа ҳисобланиб, унда тилнинг ундан фойдаланувчиларига бўлган муносабати ўрганилади.³

Прагматик мазмун ёки прагматик маънога эга бўлган бирор унсур ошкора тарзда эмас, балки яширин ифодаланади.

Биз ушбу мақолада прагматик мазмунни диалогик нутқда изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Тилда *сўз ўйини, гапни тагидан олиб гапирди* каби жумлалар учрайди. Ёки оддий қаралганда бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки суҳбатдош жумласининг маъзи чақилганда, ушбу жумла мазмунан боғлиқлигини кўрамиз. Масалан:

- *Нима турмадан қочибдими?*

(*Бирор кўнгилсиз иш қилибдими?*)

- *Сизнинг номингиздан ҳам пора оларкан.*

(*Ундан ҳам бадтар*). (М.М.Дўст.)

Сўзловчининг сўроқ пропозицияси ифодаланган гапга тингловчи жавоб бермади. (Яъни, «*ҳа, йўқ, билмадим*» маъноларидан бири жавоб бўлиши керак эди). *Турмадан қочган* - *қочмаганлиги* ҳақида ҳеч нарса демай, бошқа ахборотни баён қилди. Бунда прагматик мазмун контекст, аввалги гапларнинг мазмунан ҳамда суҳбатдошлар дунёқарашининг боғлиқлиги (бошлиқ, ходим) орқали юзага келган. Прагматик мазмун англашилгач эса, суҳбатдошлар жумласининг ҳақиқий маъноси ҳам аён бўлади.

Прагматик мазмун оидинлашишида нутқ сўзланаётган мазмун, вазият, сўзловчи ва тингловчининг маънан, руҳан, ақлан яқинлиги каби омиллар ҳам ёрдамга келади:

Нотаниш шаҳар. Йўловчи:

- Бу йўл қаерга олиб боради?

- Керак бўлса ўзинг борасан.

(«Билмадим») ёки «Нега энди сенга жавоб беришим керак»).

Кўринадик, саволга шаклий ифодаланишдаги жумла мазмуни жавоб бўла олмайди. Чунки сўзловчи сўраган нарса у эмас. Тингловчи жумласи мазмунига прагматик аспектда ёндошилса, керакли жавоб топиш мумкин. Яъни юқорида берилган нутқда сўзланаётган вазият, суҳбатдошларнинг ўзаро бегоналиги каби омиллар мавжуд.

Прагматик маъно юзага чиқишида яна юкламалар, атоқли отлар, олмошлар⁴, баъзан логик хулоса чиқариш - силлогизм ҳам иштирок этади. Масалан:

- Сен ўқиган мактабда ҳеч одоб ўргатишмаган.

(Сен ҳам ўша ерда ўқигансан.

Шунинг учун сен ҳам одобсизлик қилдинг.) М.М.Дўст.

Ёки:

- Сиз уни кўп қийнаманг

(У қийналди.

Уни қийнаб қўйибсиз.)

М.М.Дўст.

Яна бир мисол:

- Ким йиғлатди сизни?

(Йиғлабсиз)

- Йиғлабманми?

(Йиғлаганим йўқ)

А.Қодирий.

Отабек ва Кумушбиби суҳбатидан олинган парчада сўроқ олмоши (ким), сўроқ юкламаси (-ми), контекст ёрдамида прагматик маънони уқиб олиш мумкин. Ушбу диалогда яна парадокс ҳодисаси ҳам кузатилади. *Йиғлабманми?* деган аниқлаштирувчи саволни тўғри маъноси ва кўчма маъноси мавжуд. Улар *йиғладим* ҳам *йиғламадим* маъноларини келтириб чиқаради.

Хулоса шуки, юқоридагига ўхшаш мисоллар орқали она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларни кенгроқ фикрлаш, ўйлаш, мушоҳада юритишга чорлаш, шу билан биргаликда «Диалогик

нутқ», «Олмош», «Юкламалар» мавзуларида диалогдаги тагмаъ-
нони англаш бўйича беллашувлар ўтказиш мумкин.

Феруза КАРИМОВА,
АДУ аспиранти.

-
- 1 А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Т., 1992.
2 Н.Маҳмудов. Гапда форма ва мазмун. Т., 1984; Н.Маҳмудов. Прессупозиция
ва гап// ЎТА, 1986. 6-сон. 28-31-б; Н.Маҳмудов. Ўзбек тили синтаксисининг
долзарб масалалари // ЎТА 1990. 2-сон. 23-27-б; А.Нурмонов, М.Ҳакимов.
Синтактик бирликларнинг прагматик томони // ЎТА. 2000. 5-сон. 22-54-б;
Н.Ҳакимов. Лингвистик прагматиканинг семантика ва стилистика билан му-
носабати // ЎТА. 2000. 2-сон. 28-30-б; Н.Ҳакимов. Тагмаъно ва тағбилим хусу-
сида баъзи мулоҳазалар // ЎТА, 2001. 1-сон. 30-34-б; А.Нурмонов, М.Ҳаки-
мов. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // ЎТА, 2001. 4-сон.
54-57-б; А.Нурмонов. Қўмакчилик конструкциялар прессупозицияси// ЎТА,
1986. 6-сон. 42-45-б.
3 Н.Маҳмудов. Ўзбек тили синтаксисининг долзарб масалалари // ЎТА, 1990.
2-сон. 25-б.
4 А.Нурмонов, Н.Ҳакимов. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклла-
ниши // ЎТА, 2001. 4-сон. 57-б.

Нутққа тантанавор руҳ бағишловчи грамматик воситаларнинг ўрни ва роли

Грамматик қонуниятлар грамматик морфемалар, ёрдамчи сўзлар, интонация, сўз тартиби каби воситалар орқали ифода-ланади. Грамматик воситалар йиғиндиси, уларнинг ўзаро муносабати эса тилнинг грамматик қурилишини ташкил этади. *Грамматик воситалар* айрим адабиётларда *грамматик шакл* деб ҳам юритилади ва «*грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган тил воситалари*»¹ деб изоҳланади.

Ушбу мақолада нутққа тантанавор руҳ бағишловчи грамматик воситаларнинг ўрни ва роли хусусида сўз юритамиз.

Грамматик воситалар вазифасига кўра махсус табақаланган бўлиб, ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Бошқа хиллари маълум бир услубда кўп ишлатилганлиги учунгина ўша услубга хос белги ҳисобланади. Бу ўринда грамматика талаблари-ни ҳисобга олиш билан бирга морфологик ва синтактик воситалардан қандай стилистик мақсадларда фойдаланганини ҳам эътиборга олиш керак. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, отларда-

ги кўплик шакли *-лар*нинг турли семантик мақсадларда ишлатилиши, кичрайтириш-эркалаш шакллари, қиёсий даражали сифатлар, сифатнинг кучайтирма шакллари, буйруқ-истак майлидаги феъллар, феълнинг орттирма даражаси, айирув, таъкидлов ва кучайтирув юкламаларининг, ундовларнинг кўпроқ ишлатилиши тантанавор нутққа хос морфологик хусусиятлардир. Шунингдек, тингловчига тўғридан-тўғри мурожат, риторик сўроқ каби нутқ воситалари ҳам сўз шакллари, нинг қисқартма вариантларида ишлатилади.

И.Кўчқортоевнинг фикрига кўра «... бундай маълум услубга хос воситалар фақат шу услуб доирасидагина ишлатилади, деган фикр келиб чиқмайди, албатта. Илмий услубга хос воситалар бадиий услубда, бадиий услубга хос воситалар ижтимоий-сиёсий услубда ишлатилиши мумкин. **Маълум услубга хос деган сўз шу услуб учун типик, характерли** деган маънони англатади, холос».²

Ҳар қайси услуб воситалари тўғри танланган тақдирдагина нутқнинг жозибadorлиги, образлилиги таъминланади. Акс ҳолда кулоққа ғализ эшитилади, тингловчининг ғашига тегади.

Грамматик воситалар ва сўз туркумларидан стилистик мақсадда фойдаланганда, биринчи навбатда, адабий меъёр талабларини ҳисобга олиш керак. Тилнинг грамматик воситалари тарихий тараққиёт натижасида эскириши, ўзгариши, янги маъно касб этиши мумкин. Шу боис зарур грамматик шаклни танлаётганда матннинг мазмуни, унинг қандай услуб ва жанрга тегишли эканлиги, унда қайси давр тасвирланаётганини эътиборга олиш лозим. Айрим грамматик шакллар ва грамматик ясалмалар бир неча хил вариантга эга бўлиши ҳамда улардан бирининг озроқ, яна бирининг кўпроқ қўлланиши адабий меъёрга мос келмаслиги ҳам мумкин.

Сўзларнинг, морфологик қўшимчаларнинг морфологик вариантлари ҳам маълум услубий хусусиятларга эгаллиги билан фарқланади.

Муайян тил бирлигининг шаклан турлича юритилиши, масалан, сўз ёки қўшимчаларнинг товушлар таркиби (ёки фонетик) жиҳатдан бирмунча фарқ қилган ҳолда бир неча шаклда юритилиши шу тил бирлигининг вариантлари ҳисобланади. Масалан, феълнинг орттирма даражасини ясовчи қўшимчанинг *-газ, -гиз, -ғаз, -ғиз, -каз, -киз, -қаз, -қиз* шакллари шу қўшимчанинг вариантларидир: *кўргаз, кўргиз, юргаз, турғиз, кетказ, кеткиз, ўтқаз, тутқиз* каби.

Адабий тилга мансуб бўлган, луғатларга киритилиб, кўпчилик томонидан тан олинган сўз варианты асосий вариант дейилади. *«Асосий вариант, одатда, стилистик бўёқсиз, яъни бирор стилга мансуб бўлмаган, нейтрал лексикага хос бўлади. Агар у китобий ёки илмий стилга ёки сўзлашув тилига, айниқса, бирор бир шевага мансуб бўлса, у кўмакчи вариант дейилади. Масалан, **каптар-кабутар** сўзларидан биринчиси асосий вариант бўлиб, иккинчиси кўмакчи вариантдир. Чунки у китобий услубга хосдир»*.³

Сўз ёки сўз вариантлари қандай қўлланилганлиги билан эмас, балки танлаш ва нутқ жараёнига мос ишлатилиши билан характерланади. Сўзнинг матнда маълум бир услубий функцияни бажариши уни танлаб, нутқ жараёнига мос ишлатилишида намоён бўлади. Шу жиҳатдан *-гай* (*-ғай*, *-жак* / *-ажак*) аффиксли вариантлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

-гай (*-ғай*) аффикси билан ясалган сўз контекстга қараб гумон, тахмин, тилак, истак, хоҳиш каби маъноларни ифодалайди. Бу шакл бадиий адабиётда кенг қўлланилади.

-гай вариант ўзакдан англашилган иш-ҳаракатга бўлган ишончни билдириб, келаси замон аниқлик майлида архаик хусусиятга эга: *борғай, бўлғай, олғай, қилғай* каби. Б.Умурқуловнинг таъкидлашича, *«-гай аффиксли вариант -ғай аффиксли вариантдан тантанаворлиги билан фарқланади, -гай аффиксли вариант ҳозирги поэзия тили учун хос бўлса, -ғай аффиксли вариант классик поэзия тили учун хос»*.

-ғай аффиксли шакл ҳозирги шеъриятда тантанаворликни таъминлаш учун қўлланилади».⁴ Масалан:

Галаба байраминг муборак бўлғай.

Тўрт йил уруш қилган ватандош ўртоқ. (Ғ.Ғулом).

Кузатишлар шуни кўрсатадики, *-ғай* аффиксли шакл нафақат шеъриятда, балки публицистикада ҳам нутққа тантанали, кўтаринки руҳ бериш учун ишлатилади: *«Сухангуй шул киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса халққа маъқул бўлғай...»* (Кайковус. Қобуснома).

Шу боис зарур грамматик шаклни танлаётганда матн мазмуни, услубий имкониятларни ҳисобга олиш керак.

Грамматик воситалар тўғри танланган тақдирдагина нутқнинг жозибadorлиги, образлилиги таъминланади. Шу жиҳатдан қараганда, сўзларнинг ва қўшимчаларнинг морфологик вариантла-

ри ҳам маълум услубий хусусиятларга эгаллиги билан фарқланади. Бу эса бир шакл билан ясалган сўзларни нутқ жараёнида бошқаси билан ҳар доим ҳам алмаштириб бўлмаслигида кўринади. Демак, уларнинг бадиий адабиётда ишлатилиши услубий хусусиятга асосланган. Чунки бадиий нутқдан ўта образлилик талаб қилинади. Айниқса, шеъриятда катта фикрларнинг ихчам шаклларда баён қилиниши таъсирчанликни оширади. Бу шакллар маълум нутқий имкониятларни яратса-да, адабий меъёрийлик масаласини четлаб ўтмайди.

Шу билан бир қаторда, шеърият тили адабий тил меъёрларини маълум миқдорда четлаб ўтади. Шунга қарамай, ҳар бир сўз ўзининг чегарасига эга бўлиши, нутқ талаби билан грамматик қонун-қоидаларга мувофиқ қўлланиши керак.

Сўз шаклларга мурожаат қилиш, айниқса, бадиий нутқда кўплаб учрайди. Улар асосан сўзни қисқартириш, фонетик ва морфологик йўл билан вужудга келган.

Қисқартма шакллар янги сўз ясалишининг бир туридир. Улар кўпроқ тантанавор нутқнинг поэтик қатламида, бадиий асарларда учрайди.

Шеърий нутқ талабига кўра, - *р* товуши орттирилиб қўлланилган сўзлар оҳангдорлик ва жозибадорликни кучайтиради. Масалан:

Шеърларим қолади, ўзим кетарман

Фарзандларим қолар, ўчмайди ўрним.

(Бибисора Туробова)

Қисқартма вариантларни қайси услубда ишлатилишига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин: а) бадиий нутқ қисқартмалари; б) сўзлашув нутқ қисқартмалари. Биринчи гуруҳ қисқартмалар бадиий нутқ натижасида қисқарганлиги сезилиб туради. Улар умумистеъмол нутқда ишлатилмайди. *Абад, албат, бормам, гар, йиқармиз, сенинг-чун, қай* ва бошқа қисқартмалар китобийлиги билан ажралиб туради. *Қилиб // қип// бўб // бўп* типдаги қисқартмаларни эса сўзлашув нутқда, халқ оғзаки ижоди намуналарида учратиш мумкин:

Нағма қип булбуллар сайраб юрибди,

Тўтиқушлар бола очиб турибди.

(Ўзбек халқ достонларидан.)

Қисқартма шаклларда бўғинни ташкил қилувчи товушлар тушиб қолади: *абад* (абадий), *лек* (лекин), *албат* (албатта),

бўб (бўлиб), лек (лекин), қай (қайси) ва бошқалар шулар жумласидандир.

«Фақат грамматик қоидаларга риоя қилишигина нутққа қатъий маъно ва мантқиқий изчил характер бериш имконини яратади.

*Чунки сўз ўз-ўзича ҳамма имкониятларни оча олмайди. У фақат бошқа сўзлар билан бириккандангина, ҳар сафар янги маъно касб этиб, фикр ва ҳиссиётларнинг нозик қирраларини ифодалаб, тўлиқ ва ҳар тарафлама яшайди».*⁵

Юқорида тилга олинган воситалар ёрдамида тантанавор тус олган нутқгина тингловчи қалбига етиб боради ва маданий нутқ кўринишига эга бўлади.

Фарида ҲУСАИНОВА,

Қўқон Давлат педагогика институти ўқитувчиси.

¹ А.Ҳожиев. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Т., 1985, 30-б.

² И.Қўчқортоев. Нутқ маданиятига оид масалалар // Адабий тилнинг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти. Т., 1973, 110-б.

³ Р.Шукуров. Сўзнинг морфологик варианты. Т., 1990, 13-14-б.

⁴ Б.Умуркулов. Поэтик нутқ лексикаси. Т., 1990, 99-б.

⁵ А.Аҳмедов. Тил бойлиги. Т., 1968, 23-б.

Миртемир шеърятида шевага оид сўзлар

Ўзбек тили бошқа туркий тиллардан ўзининг шеваларга бойлиги билан ажралиб туради. Агар қозоқ, қирғиз тили фақат қипчоқ, туркман, озар; турк тили асосан ўғиз шевасидан ташкил топган бўлса, ўзбек тили эса ҳар уч шевани ўз ичига олади: қипчоқ, қарлуқ, ўғиз. Шу боисдан ўзбек тилининг луғат бойлиги беқиёс. Масалан, *совуқ* маъносида туркий тилларда саккизта сўз мавжуд: *тум, совуқ, аёз, буйуқ, изғирин, тўнг, анзақ, қирон*. Булардан бештаси: *совуқ, аёз, буйуқ, изғирин, тўнг* ўзбек тилида, қолган учтаси бошқа туркий тилларда ишлатилади. Аммо афсус, ўзбек тилининг сўз бойлиги, айниқса, шевадаги сўзлар ҳанузгача тўла ўрганилмаган. Вилоят зиёлилари шева сўзларини йиғишда ташаббус кўрсатсалар, яхши бўларди. Ҳозир компьютер ёрдамида сўз тўплашни тезлаштириш мумкин. Ҳар бир вилоятдаги сўзлар йиғилиб, луғат тузилса келажак авлод учун бебаҳо ёдгорлик қолдирилган бўлар эди.

1859-71 йилларда миллати немис бўлган В.В.Радлов Россияга

келиб, ҳозирги *олтой, тува, хакас* каби ўз ёзувига эга бўлмаган туркий халқлар орасида юриб, саккиз китобдан иборат, тўрт жилдли туркий тиллар луғатини тузиб, дунёга машҳур бўлган. Бизнинг тил эса туркий тиллар ичида сўзга энг бой тил бўлса ҳам, фақат 2 жилдли луғат чиқара олдик, холос. Бу ўринда В.В.Радловга ўхшаш олим камида ўн жилдлик луғат нашр қилган бўлар эди. Лекин эзгу ишнинг кечи йўқ. Ҳозир ҳам кеч эмас. Вилоят зиёлилари олий ўқув юрти талабалари ёрдамида шевадан сўз йиғиш ишига жиддий эътибор бериши, зудлик билан шева луғатлари тузиши керак. Олимлар сўзларни, ўз шеваларидан ташқари, бадий адабиётлардан ҳам олишлари мумкин. Масалан, Туркистон шеваси бўйича Миртемир асарларидан сўз тўплаш мумкин. Бу шоир асарларини таҳлил қилсак, уларда Туркистон шевасига оид ажойиб кўп сўзлар борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, унинг қуйидаги шеърида *доимо жилмайиб турадиган* маънони берувчи шевадаги *кулгичи* сўзи қўлланган:

*Кўзи сурмаликкина,
Кўкси бурмаликкина,
Кулгичи бор - кулгичи
Ёқа тугмаликкина.*

Шоир асарларидаги *плашч* маъносидаги *ёмғирлик* сўзини ҳам луғатга киритса бўлади: “Эгнидан *ёмғирликни* ечганди шу пайт”. Тилимизда қадимда *ангишвона* ўрнида *ўймоқ* сўзи ишлатилган. Миртемир ўз асарида гўзалнинг оғзи кичиклигини ўймоққа ўхшатади:

*Оғзининг ўймоқлиги
Тилининг қаймоқлиги.*

Изоҳли луғатда ушбу сўз шевага оид сўзлар қаторига киритилган. Уни бадий асарларда қўлланилишини ҳисобга олиб, бу белгини янги луғатда тушириб қолдириш мумкин. Шевада *ҳаракатчан, тиниб-тинчимас* маъносида *уринчоқ* сўзи мавжуд. Шоир *кўзмунчоқ* сўзига ушбу сўзни қофия қилади:

*Бу - ўша меҳнаткаш деҳқон қайлиғи,
Теримчи, пазанда, бешик, кўзмунчоқ.
Жами барноларнинг энг чиройлиги
Қўли гул, уқувлик, дилбар, уринчоқ.*

Шоир асарларидаги иккинчи хил сўзларни тузилажак Туркистон шеvasи луғатига киритиш мумкин. Бундай сўзлар қаторига Миртемир асарларидаги *хотирадан чиқмоқ*, *эсдан кўтарилмақ* маъносида қўлланган *силинмоқ* сўзини киритса бўлади:

*Яшил боғзор қишлоқларида
Сулувлар бор, нозли ёрлар бор.
Гулбиби ном бир нозанин қиз
Силинмайди ҳануз кўнгилдан.*

Бизнингча, Миртемир шеърларидаги қуйидаги сўзлар Туркистон шева луғатида акс этилиши керак:

Ёзлоқ - *ёзда дам оладиган жой:*

*Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,
Жар тагида ям-яшил ёзлоқ бор.*

Инжитмоқ - *хафа қилмоқ:*

*Мен сени **инжитмайман**,
Ва лекин тинчитмайман.*

Аёвли - *ҳурматли:*

*Қўшиқдан жаранглар каттакон ҳовли,
Баринг етти яшар - дўндик, **аёвли**.*

Дов - *ботир, қўрқмас:*

*Биров ундоқ,
Биров бундоқ тўқир мақтов.
Ундоғаммас,
Бундоғаммас, азиз ва **дов**.*

Ўкча - *пошна:*

*Аммо ким эринмаса - янчиб ўтмоқчи бўлди,
Ўкчасининг синиқ михин санчиб ўтмоқчи бўлди.*

Чалқор кўл - *катта кўл:*

*Қор мағзида карвон-карвон
Пахта кўрдим қордай оппоқ,
Сой-сой сувдек, **чалқор кўлдек**
Пўртана бор тўшагида.*

Кунчи - *душман:*

*Ҳазил эмас - тўрт миллиону етти юз минг...
Энг ашаддий **кунчи** ҳатто деёлмас ғинг.*

Қирчин - *ёш йигит:*

*Ким бўлса ҳам жангчи, ўша фидойи,
Шу тупроқ кўркига қўнмасин деб доғ,*

*Шу тупроқ эркига тушмасин деб доғ
Қурбон бўлмиш ўша қирчин, шайдойи.*

Тугурчак - майда дўл:

*Қамиш кўлнинг қамишидай
Бугдой ётар тиралишиб,
Тўсат дўлми, **тугурчакдан**
Қолмасайди қийралашиб.*

Теват - катта ит:

*Сой вағиллаб оқар, жимжит, ёруғ тун,
Ўтлоқ ўртасида ёлғиз олачиқ,
Тўрт томон елига кўкраги очиқ,
Эшакдай **теват** ҳам ётибди беун.*

Сувсоқ - ташна:

*Чўплардан айланиб, **сувсоқ** ва ҳорғин,
Тепалар, чўнқирлар келур йўлда кез.*

Сим-сиёҳ - қоп-қора:

*Чарх уриб, бўз тўрғайдай бўзлашим бор бошингда,
Эй, сочларинг тўлқини тун сингари **сим-сиёҳ**.*

Данғил - мустаҳкам:

*Қирғиз эли борар - зил юкли карвон
Йўл **данғил**, равон...*


Миртемир асарлари “Ўзбек тили изоҳли луғати”даги айрим сўзлар изоҳига аниқлик киритади. Чунончи, *тугунак* сўзи луғатда *илдиз мевали ўсимликларнинг ҳосили*, деб умумий изоҳланган. Миртемир асарида бу сўз ўсимликнинг гулдан кейинги тугунча шаклидаги ҳолати маъносида ишлатилган:

*Тиззадан тупроқ чошиб
Тиззадан жўяк олиб,
Бобом қовун экканди,
Жаннатдек бўлди полиз
Ҳар палак худ қирқтадан,
Гулу **тугунак** солиб.*

Меванинг дастлабки ҳолатини бундан-да аниқроқ ифодалаш мумкин эмас.

Хуллас, шева сўзларини йиғиб, уларни луғат ҳолида нашр қилиш зиёлилар олдидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.



Анбар Отин ижодида ижтимоий адолат, шахс эрки ва феминизм ғоялари

Ўзбек мумтоз адабиёти вакиласи, шоира ва файласуф Анбар Отин ижодида *адолат* тушунчаси муҳим ўрин тутadi. Унинг орзулари, интилишлари, ишончу эътиқоди ва курашдан мақсади ана шу ахлоқий тушунча билан боғлиқ. Шу боис ҳам Анбар Отин жабр-дийда Туркистонни, унинг халқини зулмдан озод, бахтли кўриш истагини адолат ва адолатсизлик тушунчалари билан боғлади.

Шоира, энг аввало, адолат тушунчасининг умумбашарийлик ва умумжаҳонийлик табиатини очиб беришга ҳаракат қилди. Бу ўринда у қадриятларни қайта баҳолаш йўлидан борди: шу пайтгача ижобий маънода ишлатиб келинган *оқ* ва салбий хусусиятлар тажассуми бўлган *қора* сўзлари ўрин алмашади, натижада, муайян маънода ранглар диалектикаси вужудга келади, оқлар ва қоралар тенглиги ғояси илгари сурилади. Оқ танли мустамлакачиларнинг қора қилмишларию қора танли мустамлака аҳлининг ботиний оқлиги, уларнинг ички - хулқий гўзаллиги эса ахлоқий фазилатларда экани таъкидланади.

*«Аксар Жануб ва Шарқ халқлари монанди Араб, Эрон, Афғон, Цейлон, Ҳинд ва Кашмир халқлари қора юз, оқ кўнгул халойиқ эрурлар, - деб ёзади Анбар Отин. - Ул халойиқ аслзода оқ танлар каби андом, аъзойи бадан, қўл-оёқ, тил, кўз ва ақл-ҳуш, ғайрат, қувват ва тафаккурга моликдурлар».*¹

Анбар Отин қулчиликнинг, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашни ҳаётининг асосий мақсади деб билди. Шу нуқтаи назардан, Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши дастлаб унда умид уйғотди: зора Россиядаги маълум бир демократик тартиблар, шахс эркинлиги, фикр ва сўз эркинлиги борасида эришилган ютуқлар туркистонлик ватандошлар ҳаётига кириб келса; зора жаҳондаги илм-фан ютуқларидан фойдаланиш имконияти, жамият томонидан инсон шахсига эътибор, тараққиётга юз тутиш сингари муаммолар руслар ҳукмронлиги остида, замонавий қонун-қоидалар асосида ўз

ечимини топса! Афсус, бундай бўлиб чиқмади ва бундай бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Аксинча, бир зулм икки бўлди: мустамлакачилар ўз ҳукмронликларини сақлаб қолиш мақсадида ерли халқда тобелик ва мутеликни, халқ орасидаги парокандаликни, саводсизлик ҳамда маънавийатсизликни кучайтириш, ахлоқсизликнинг энг мудҳиш кўринишларидан бўлмиш икки-юзламачилик, ёлгон ва юзсизликни рағбатлантириб, ҳар қандай тараққийпарварликка зимдан қарши курашни турли усуллар билан амалга оширдилар. Шоира «Қоралар фалсафаси» асарида бундай мустамлакачилик сиёсатини, халқнинг алданганлигини қуйидагича ифодалайди:

«Ўрус келди!» овозани англаб, барча маърифат аҳли ўйладики, подшоҳ, албатта, динга пешво ва тарафдор бўлур, дин ишини ривож берур, халқни тарбия қилур, деб ақида қилдилар. Аммо ўрус подшоҳ мусулмонларга заррачайинки ҳаловат бермади, сарт хирошга рус хирош қўлида бепармо ҳукмронлик ила ўз кабобини пишируб айшу нишот бирладур» (170-б).

Тўғри, мустамлакачилик зулми билан биргаликда илғор фикрли рус зиёлилари орқали жаҳон маданияти, илмий-техник ва бадий тафаккурдаги янгиликлар ҳам Туркистонга кириб кела бошлади. Анбар Отин устози Дилшод Барно каби буни жуда яхши тушунди. У асл рус зиёлиси билан мустамлакачи бўлган ҳукмрон рус тўралари орасидаги фарқни кўра олди. Зиёли, тараққийпарвар руслар маҳаллий миллатни сиёсий-маданий жиҳатдан уйғотишга, «кўзини очишга» ҳаракат қиладилар. Бу Анбар Отинда эзгу орзуларнинг ушалишига, яхши турмуш ва демократик ҳаётга умид уйғотди:

Қўшулиб мулки Фарғона ўрусга бу саро бўлди,

Ўрус ўзбек элига туғушгандек ағо бўлди.

Зиёлиси зиёлимизга таълим берса илмидин,

Ҳама ишларга омил устаси бир кимё бўлди (122-б).

Бироқ бу тараққийпарварликка нисбатан мустамлака зулми кучли эди, давлат сиёсати мақомида олиб борилган мустамлакачилик ерли халқни ҳам моддий, ҳам маънавий қуликда сақлаш тамойилини ҳамма нарсадан устун қўйди. Шу сабабли мустамлакачилар имкон қадар ўзлари ўтказаяётган истибдодни, зулмни, билвосита “сопини ўзидан чиқариб” олиб боришга ҳаракат қилардилар. Буни файласуф шоира қуйидагича образли тарзда баён қилади:

*Ва лекин, ҳукмронлиқ вазҳидин оғир бўлиб ишлар,
Яроқлар икки хил зарбидин оғриқ бедаво бўлди.
Қилич ёнига тўппонча қўшулиб, ҳайбати ошди,
Ки аксар пойлавуллар ҳибсда мотамсаро бўлди.
Қувониб, ибтидода ўйлади эл «зулм кетди» деб,
Келиб зolim, мулозим бирла тезда ҳампо бўлди (123-б).*

«Ўрус» нинг адолат ўрнатишига Анбар Отинда тобора ишонч йўқолиб борарди. Шу боис у машҳур шоир, тараққийпарвар зиёли Фурқатни кўмакка чорлайди, зора Фурқат ва унинг обрўли дўстлари ёрдамида Туркистон зиёлисининг овози “янги ҳоким” лар қулоғига бориб етса:

*Фурқато, сиздин қабули илтижо қилсун ўрус!
Бу заифни илтимосини адо қилсун ўрус.
Келди, келди майлига, бир янгиликни бошласун,
Болаларга янги мактаблар бино қилсун ўрус.
Оқ ит, кўк ит бўлиб итлар галолаб юрмасун,
Посбонликка муносиб ит раво қилсун ўрус.
Ваъда қилмишим, раийят ҳолини неку қилур,
Айтингиз, ул аҳдига бир йўл вафо қилсун ўрус (111-б).*

У “Хабар борму” радифли ғазалида эса мустамлакачиларнинг бундай мунофиқона “ўйин”идан, адолатсизлигидан ҳайратланиди, аммо бу ҳайрат остида ботиний бир ғазаб ётганини англаб олиш қийин эмас:

*Қўнғилда нуқталар бордурки, ўрусда мутлоқ ҳоким бор,
Ва лекин адлу инсофдин, мазҳабдин хабар борму?
Билурму на сабаб, ҳақиқат жорий этмайдур,
Ваё оламга бир мутлақ инсофдин хабар борму?*

Афсуски Анбар Отиннинг охирги илинж-умидлари ҳам чип-пакка чиқади. Энди у фақат ўз халқидан, ўз зиёлиларидан - Туркистон фарзандларидангина умидвор бўлади:

*Ўрус келиб ҳам бўлмади осуда,
Зулму даҳшат йўқолсин эмди бас! (121-б)*

Айниқса, файласуф шоиранинг “Эй гўзал Фарғона” деб бошланадиган мухаммасида қулликка маҳкум этилган миллатни озод қилувчи куч фақат унинг ўзи, миллий озодлик ғоясига қатъий таянган зиёлилар етакчилигидаги Туркистон халқлари экани очиқ-ойдин ифодаланади; ғойибдан келадиган ҳурриятга, “ўрус оға” берадиган озодликка ишониш ҳаёлий чўпчакни ҳаётий воқелик деб қабул қилиш билан баробардир, чунки мустамлака

даврида Ватан аввалгидан ҳам хароб бўлди, ҳалоллик ўрнига нопоклик, раҳм-шафқат ўрнига зулм, номус ўрнига беорлик, жабр ва зуғум кучайди:

*Кўрагинг садпора бўлди дайдиларнинг ёйидин,
Қатра-қатра қон томадур ўқ тешган жойидин.
Қип-қизил қонлар оқадур жабр кўрган сойидин,
Ўз қўлинг бирла бу юртингни ўзинг обод қил....
Зулмдин озод бўлишда ўзлугинг устод қил.²*

Шоиранинг фикрича, Ватан ва миллат озод бўлиши, зулм ва истибдод, жаҳолат ва нодонлик, мунофиқлик ва ёлғонни йўқотиш учун курашда ҳар бир миллат фақат ўзи - ўзигагина устозлик қила олади, йўл кўрсата олади, фақат том маънодаги озодлик уни истаган халқ томонидан қўлга киритилиши мумкин.

“Қоралар фалсафаси”да эса Анбар Отин бу борада янада кескинроқ ва аниқроқ фикр баён этади, қатъий хулоса чиқаради: рус подшоси ҳеч қачон Туркистон халқига қайишмайди, *руслар келиб, ҳамма нарса жойига тушади* деган фикрлар бор-йўғи хом-хаёл.

Умуман, “Қоралар фалсафаси”нинг тўртинчи фасли тўлалигича ижтимоий зулм ва ижтимоий адолат муаммоларига бағишланган. Шоира дастлаб *зулмат* тушунчасига изоҳ беради, унинг луғавий маъносини таҳлил этади, унга табиий ва ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан ёндашиб, уни *зулмати ногихоний* ва *зулмати муваққат* тушунчаларга ажратади. Бу тушунчалар ифодаланган ҳодисаларнинг воқеликда мавжуд бўлиш шароити ҳамда шартларини фалсафий жиҳатдан изоҳлайди: тун *зулмати* табиат ҳодисалари, ўткинчидир, аммо ижтимоий зулмат табиат қонунига бўйсунмайди, у жамиятнинг табиий тараққиётига ғов бўладиган, моҳиятан унга қарама - қарши ҳодисадир. Шу боис, унга барҳам бериш керак. “*Зулмати муваққат жаҳонга муслат ўлуб, бот фурсатда бартараф бўлур, - деб ёзади Анбар Отин. - Кечани ўтдик, кундузи қаттиқ шамол туриб, чанг тўзон ўлуб, қаро булут ҳавони қоплаб, бир неча соат қоронғу зулмат бўлур. Бу зулмат ҳам бот фурсатда ўтуб, ёруғлик келур... Зулм ғалаба қилиб, бир мамлакатни босиб турса, бу зулмни офтоб ва тонг равшанлиғи бартараф этолмас..*”. “*Бундоғ зулматни адолат кучи енгар*”(166-б).

Анбар Отин ижтимоий адолат муаммосини қаламга олар экан, ўша давр учун муҳим бўлган анъанавий одил подшо масаласида

ҳам фикр юритади. Маълумки, одил подшоҳ кўпинча Нўширавони Одил ёки Искандар Зулқарнайн қиёфасида бизнинг миллий минтақавий менталитетимиз учун идеал бўлиб келган. Анбар Отин эса анъанавий ёндошувни инкор этади, масалага ҳақиқий жадидча — янгича нуқтаи назардан қарайди. У подшолик бошқарувини қоралайди, давлатнинг якка ҳоким ҳукмига бўйсундирилиши, бир шахс қўлида чекланмаган ҳокимиятнинг жамланиши сингари ҳолатлардан бутунлай воз кечиш кераклигини таъкидлайди. Файласуф шоиранинг фикрига кўра, ҳар қандай якка ҳокимлик жамиятни ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам ижтимоий-маънавий инқирозга олиб келиши муқаррар. Шу боис у одил подшоҳ ғоясини илгари сурган кечмишдаги олимларни танқид қилади, уларнинг фикрларини замонавий ижтимоий ва ахлоқий талабларга жавоб бермаслигини таъкидлаб, қоралайди:

«Баъзи ҳукамолар адолатни подшоҳларга вобаста қилурлар ва баъзи подшоҳни одил подшоҳ деб таъриф қилурлар. Агар подшоҳ одил бўлмоғи мумкин эрса, ушбу ўрус подшоҳ одил бўлур эрди... Маълумдурки, подшоҳ бўлган шахс одил бўлмас ва адли уҳдасидан чиқмас». Демак, “адлнинг уҳдасидан чиқмаслик” ва мамлакатда адолатни барқарор этмаслик ана шу подшоҳлик тузумининг табиатига хос, ҳукмронлик учун қонуний ҳодиса. Бундай тузумда бир шахснинг хоҳиш-истаклари - улар оқилонами, аҳмоқонами - ҳамма учун мажбурий бажарилиши керак, бошқаларнинг хоҳиш-истаклари эса қанчалик оқилона бўлмасин, якка ҳоким истамаса, улар инобатга олинмайди. Яккаҳокимлик ижтимоий зулмни келтириб чиқаради, барча сиёсий-ижтимоий зулм - қатгори, таъқиблар, қувғинлар ушбу тузум вужудга келтирган зулмнинг воқе бўлишидир.

Анбар Отин зулм ва зулмат ҳақида фикр юритар экан, зулматнинг ҳар икки табиатда — *олами кубро* (катта олам) да ҳам, *олами суғро* (кичик олам) да ҳам, яъни борлиқнинг табиатда ва инсон табиатида мавжуд бўлишининг онтологик илдизларини илмий-фалсафий асослаб очиб беришга ҳаракат қилади.

Шоира юқоридаги фикрини “Якка байтлар” асарида давом эттириб, шоҳ (яккаҳоким)нинг адолатли фармони ҳам амалга оширилаётганда оддий халқ учун ўз-ўзидан зулмга айланиб кетиши, бошқалардан юқори турган бир шахснинг ихтиёр - иродаси ҳеч қачон кўпчилиқнинг бахт-саодати учун хизмат қилмаслигини таъкидлайди:

*Шаҳаншоҳи номвар афзал бўлмас,
Ҳар адли ҳам зулмдин холи бўлмас,
Мани сўзимни тингланг, аюҳаннос,...
Зулм бўлган ўлкада қолмайди файз,
Тонггача кун нуруни олмайди фарз (137-138-б).*

Шундай қилиб, Анбар Отин одил подшоҳ идеали, яъни як-каҳокимлик шароитида адолатнинг гуллаб-яшнаши ҳақидаги минг йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган гаплар реал ҳаётдан йироқ ҳавойи орзу, ижтимоий заминга эга бўлмаган бир чўпчак эканини рўй-рост айтади.

Анбар Отин мавжуд ижтимоий шароитни танқид остига олиши билан бирга, бу борадаги ўз фикрларини ҳам баён этади. Бу фикрлар ўзининг фалсафий нуқтаи назардан асосланганлиги, ҳаётийлиги, демократик тамойилларга суянганлиги ва дадиллиги билан кишини ҳайратга солади. Улар шу қадар чуқур назарий ва амалий табиатга, ижтимоий-сиёсий теранликка, умум-башарий қадрият даражасидаги ҳурфикрлиликка эгаки, пировард натижада мазкур фикрлар бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган. Чунончи, дин ва давлатнинг ўзаро муносабатлари, якка хотинлик, хотин-қизлар эмансипацияси, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги каби ғоялар ҳозирги кунда амалга ошиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган.

Анбар Отин тасаввурида эркин демократик жамият даставвал ички зулмни - инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилиниши ва ташқи мустамлакачилик сиёсатини юргизувчи тузилмаларни инкор этиши баробарида динни давлатдан ажратишни тақозо қилади. Мутафаккир шоиранинг фикрича, дин давлатдан ажратилганидагина жамиятда шахс эркинлигига эришиш мумкин. Бу янги жамиятнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, унда шахс эркинлиги таъминланиб, халқлараро тенглик, минтақавий ва умумжаҳоний тотувлик ҳукм суради.

“Агар ўрус шоҳи одил бўлса ва анинг хоҳиши қарам халқлар ҳам ўрус мисоли озод бўлсун ва барча халойиқ ўрис бирла баробар бўлиб рўзғор кечурсин деса, амморат ва ҳукмронлиқ қонунини дин қоидаларидин мустасно вужудга келтирсун, дин аҳлини ибодат борасида ҳомий билиб, давлат ва билимдонлиқни халқ рўзғоридин кашф этсун» (170-б).

Бошқа бир ўринда эса Анбар Отин мазкур ижтимоий-сиёсий

таклифни талаб даражасига кўтариб, қатъий оҳангда шундай дейди: *“Давлат ишини дини исломдин йироқ тутинг...”* (170-б). Айни пайтда шоира фақат давлатдан динни ажратиш йўли билангина адолатли жамиятга эришиб бўлмаслигини, бунинг учун яна бир қанча ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш лозим эканлигини яхши тушунади. Шунингдек, икки жинс орасидаги инсоний алоқаларнинг ўзаро иззат-ҳурмат, хулқий гўзаллик, оилавий одобга асосланиши масаласига ҳам алоҳида эътибор беради.

Маълумки, Қуръони каримнинг “Бақара” сурасидаги 228-оятда шундай дейилган: “Аёллар учун (белгиланган ҳуқуқлар) ўз меъёрида эркаклар (ҳуқуқи) билан тенгдир”.⁴ Мутафаккир шоира ушбу ояти карим ва Пайғамбаримизнинг аёл зотини улуғловчи ўнлаб ҳадисларига суяниб аёлни қуйидагича таърифлайди: *“Бу фарқ эгасини ман инсон оноси ҳар нечук донишманд энагаси деб билурман, ул оно шундоғ онодур ва моҳир донодурки, Афлотун ва Арастуни, Лақуможис ва Дониёлни, Хизр ила Илёсни, Искандару Дорони, Луқмон ва Сулаймонни, Абу Сино ва Улуғбекни, Жомий ва Саъдийни, Навоий ва Фирдавсийни, Бедил ва Хайёмни, Нодира ва Увайсийни, мени ва сени ўз қорнида ўн ой кўторуб, турли офатлардин сақлаб, еган физосидин расамат бериб, тўқсон тўққиз тўлғоқ дардини тортуб туғуб, ... ҳаракат, иш, ўйинларни ўргатади* (149-б).

Лекин ана шундай улуғ инсон — оналар ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум, “ичкарида” худди зиндонда кун кечиргандек яшайдилар.

Бундай аҳволдан қутулиш учун Анбар Отин юқорида айтиб ўтилган икки йўлдан - эмансипация ва феминистик кураш усулидан фойдаланишга даъват этади. Туркистон эркакларини илтимос, насиҳат ва талаб воситасида эмансипацияни амалга оширишга чорлайди. Бу чорлов бир аёлнинг истаги бўлмай, бутун Туркистон аёллари номидан айtilган илтижо ва талаблардан иборатдир:

Бир ўзимни айтмағайман зинҳор, эй дўстлар,

Раҳм этингиз зулмат ичра кўп аёлимни кўруб (104-б).

Анбар Отин замон ва шахс муносабатларида ҳам ноанъанавий йўл тутади: афкор шахс қолоқ замонга эмас, замон шахсга хизмат қилиши керак:

Эй замон, ман санго боқмай аслида сан манга боқ!

Қиш кетар, ёзни боши у навбаҳор сан манга боқ

(104-б).

Анбар Отин ижодидаги яна бир муҳим жиҳат, адолат учун курашнинг иккинчи томони — феминистик ғояларнинг илгари сурилишидир. Шоира фақат эркаklar томонидан қилинадиган ёрдамни, жамиятда амалга оширилиши лозим бўлган эмансипацияни кутиб, қисматни қарғаб, лаънатлаб ўтириш билан ҳеч қандай иш битмаслиги аёлларнинг ўзлари ўз ҳуқуқлари учун курашишлари лозимлигини айтиб, уларни фаолликка даъват этади:

Мендек ётма, уйғонгил, эй занони Фарғона!

Эрлардек бел боғлагил эмди бўлуб мардона (115-б).

Анбар Отин Биринчи жаҳон урушини қоралар экан, ҳар қандай уруш инсониятга кони зарар, ахлоқсизликнинг энг ёмон кўринишларидан эканини, мол-дунёси ошиб тошиб ётган бир ҳовуч одамларга янада бойиши учун хизмат қиладиган, бир давлатнинг иккинчи давлат бойликларини тортиб олиш мақсадида амалга ошириладиган қонли воситадан бошқа нарсасизлигини таъкидлайди:

Шум жаҳонгирлар учун зўр даври даврондур уруш,

Кўп ҳаромхўрлар учун пур рим ила қондур уруш....

Бойлик орттўрмоқ учун жанжал чиқориб пойма-пой,

Дайдиган итлар учун бир ганжу тўфондур уруш.... (117-б).

Анбар Отиннинг ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий қарашлари шаклланишида дастлаб устози Дилшод Барно катта роль ўйнаган бўлса, кейинчалик унга афкор рус аёллари катта таъсир кўрсатган. Бу илғор фикрли шоира билан унга ўзини доимо яқин олган ноибнинг хотини, қизлари ҳамда уни даволаётган рус шифокор аёли очиқ суҳбатлар қурадилар. Анбар Отин бу суҳбатлар натижасида бутун Россия империясидаги аҳволни, рўй бераётган ўзгаришларни билиб олиб, уларни баҳолашга ҳамда улардан умумлашган фалсафий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. У озодликка эришиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ўзгартириш учун туркистонлик зиёлилар илғор рус зиёлилари билан боғланишлари, мустаҳкам алоқада бўлишлари зарур эканлигини англайди. Файласуф-шоира бу хусусда “Қоралар фалсафаси” рисоласининг учинчи фаслида фикр юритади.

Анбар Отиннинг фикрича, биргаликда ақл билан иш кўрмоқ, халқ орасида ижтимоий фикрни уйғотиш, бунинг учун эса масалага чуқур илмий фалсафий тафаккур билан ёндошиш керак.

Унга эришишда, Анбар Отиннинг фикрича, фалсафа фанини тараққий топтириш лозим. Чунки фақат фалсафагина жамият учун умумийлик табиатига эга бўлган йирик масалаларнинг ва қалтис муаммоларнинг ўз вақтида ижобий ҳал қилинишига ёрдам бериши мумкин: *“Вақтики илм даража қилуб, фалсафа равнақ топса, бу чигилларким кушода бўлур. Фалсафа ибораси ила қарши ва зид сўзларни муқойиса қилғонда бу чигиллар очилур”* (171-б). Агар диққат қилинса, шу кичик парчанинг ўзидаёқ муайян маънода фалсафа фанининг моҳияти очиб берилган, унинг методологик аҳамияти кўрсатилган.

“Жавоб шулки, албатта, ақлу идрок ва жамоатга така қилиб, барча шайх ва сўфийлардин йироқ ва барча тарсу ваҳимдин эмин бўлиб, золимларга қарши мубориза қилмоқ, яккаликдин ҳазар қилмоқ, шу тадбирлар ила зулмни нобуд этиб, зулматни барта-раф қилмоқ зарурдир” (171-б).

Шоира «Қоралар фалсафаси» асарини шу тахлит якунлар экан, ўзининг бу гаплари, бу орзулари рўёбга чиқиши, бу мустабид замон қайғули бир афсонага, эртакка айланиб қолишига ҳеч қандай шубҳа қилмайди. Фақат унинг бир армони шуки, бундай ўзгаришларни у ўз кўзи билан кўролмайди. Лекин эркин жамиятда яшаш келажак авлоднинг чекига тушишидан хурсанд, кўнгли тўқ:

“Ул замонда... ул вақт қизлар илми дунёвий тахсилига муяссар бўлуб, урфон тартида қарор топиб, элар ва улуглар доҳил бўлурлар, алар ғайрат ва меҳнатда эрларга ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва икромга сазовор бўлурлар” (158-б), — деб орзу қилади мутафаккир шоира. Жамият ана шу даражага бориб етганда ҳақиқий шахс эркинлиги ва ижтимоий тараққиёт вужудга келади. Ана шундай жамиятнинг аъзоларигина Ватанни гуллаб яшнатиб, уни нафақат ижтимоий, балки иқтисодий қарамликдан ҳам озод этажак:

Келиб хушнуд авлодим, мани мулким қилур обод,

Бу вайрона диёримда шаҳарлар айлагай бунёд.

Дабистон улумни сар-басар очиб ҳар эл ичра,

Кенгайтириб таҳсилини, навжувонлар айлагайлар ёд.

Бугунги кунда озод Туркистон ўлкаларидаги ўзгаришлар, халқларнинг илм-маърифатли, жаҳондаги бошқа халқлар билан тенг ҳуқуқли яшаётгани, ҳозирги ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ўрни, уларнинг жамиятдаги мавқелари Ан-

бар Отин орзуларининг нақадар ҳаётий эканлигидан далолат беради.

**Лаълихон МУҲАММАДЖОНОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ катта ўқитувчиси.**

1 Дилшод, Анбар отин. Ўзбек шоирлари баёзи. Т.: Фан, 1994. 146-б. Кейинги мисоллар шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

2 Анбар отин. Шеърлар. Рисола. Т.: Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. 64-б.

3 Қуръони Карим. Т.: Тошкент ислом Университети. нашриёти, 2001. 36-б.

Қисса жанри ва ҳозирги ўзбек қиссачилиги

Адабиётда воқеликни турлича эпик миқёсларда акс эттиришга мослашган жанрлар мавжуд. Ана шундай жанрлардан бири *қисса* деб юритилади. Луғавий маъносига кўра ҳикоя, воқеа, саргузашт (арабча) маъноларини ифодалаб, шахс ҳаёти ва фаолиятининг муайян даврини баён этувчи бу жанр нафақат ўзбек, балки барча Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқлари адабиётида катта ўрин эгаллайди. Шу боис адабиётшунослик терминларини изоҳловчи баъзи луғатларда бу сўзнинг бутун тарихини ўзида ифода этувчи икки бир-бирига боғлиқ маъноси куйидагича тавсифланади: **1. Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган фольклор ва ёзма адабиёт асарлари. 2. Ўзбек прозасида кейинги ўн йиллар ичида ҳикоядан катта, романдан кичик ва аксарият ҳолларда асосий қаҳрамон саргузаштлари асосида юзага келган бадиий асарлар. Бундай асарлар ўз характери, жанр имкониятлари, бадиий-тасвирий принцип ва усуллари жиҳатидан повесть жанри билан бир хилдир.**¹

Демак, ўзбек реалистик қиссалари адабиётимиз учун тамоман янги, фавқулодда жанр бўлмай, унинг тарихий илдизлари ўрта асрлар бадиий меросимизга бориб тақалади. Ўзбек халқ эпосининг нуктадон кишилари мазкур жанрнинг ўрта асрлар халқ оммасининг маданий ҳаётида, айниқса, шаҳар атрофи аҳолисининг маънавий эҳтиёжларини қондиришда тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб кўрсатганлар. Уларнинг таъкидлашларича, илмий адабиётларда кенг истифода этиладиган *халқ китоблари*

атамаси жанр мансубияти нуқтаи назаридан қисса жанрининг синонимик атамаси ҳисобланади.

Халқ китоблари атамаси Европада пайдо бўлиб, кейинчалик рус ва бошқа халқлар адабиётшунослиги, китоб чоп этиш билан шуғулланувчи шахслар фаолияти орқали бизнинг адабиётшунослигимизга кириб келган. Бинобарин, ушбу атама ўз бағрига биргина қисса жанрини эмас, балки ўрта асрлар новеллалари, дostonлари, хуллас, ривоявий жанрларнинг барчасини қамраб олган. Мазкур эпик асарлар насрий баён шаклида китобат этилганлиги сабабли, яхлит ҳолда *қисса* деб юритилган. Шунини таъкидлаш жоизки, адабиёт тарихчилари, назарийчилари ва фольклоршунослар олдидан ўрта асрлар халқ китоблари таркибига кирган, ҳозирда яхлит ҳолда *қисса* деб белгиланаётган асарларнинг жанр мансубиятларини аниқлаш вазифаси ҳам турибди.

Бундай вазифанинг адо этилиши, биринчидан, ўрта асрлар оғзаки ва ёзма адабиётида қандай эпик жанрлар мавжудлиги, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар нималардан иборатлигини аниқлашга имкон берса, иккинчидан, ана шу даврлар адабий жараёнида ҳукм сурган жанрлараро муносабатлар даражаси ҳамда миқёси ҳақида муайян тушунчаларга, тўхтамларга келишга ёрдам беради. Учинчидан, юқоридаги вазифани адо этиш ўрта асрлар ўзбек адабий жараёнида юз берган ахборот, диффузион ҳолатлар интенсивлигини назарий жиҳатдан ёритишга имкон беради.

Дарвоқе, адабиётшуносликка оид илмий манбаларда қиссанинг жанр хусусиятлари сифатида асар сюжетининг бош қаҳрамон саргузаштларидан иборатлиги ва ҳажм нуқтаи назаридан романдан кичиклиги, ҳикоядан катталиги каби икки мезони кўрсатилади. Асар сюжетининг фақат бир қаҳрамон фаолиятига асосланиши мазкур жанрга хос етакчи хусусият сифатида қабул қилиниши мумкин. Ушбу масалада кичик бир изоҳ беришга тўғри келади. Бу шундан иборатки, қисса сюжети асосида яқка қаҳрамоннинг бутун умри давомидаги саргузаштлари эмас, балки қаҳрамон ҳаётининг муайян даври воқеалари ётади. Шу боис жанр хусусиятлари ҳақида гап кетганда, ҳажмнинг катта ёки кичиклиги эмас, балки воқеалар қамрови ҳамда ривожининг романга нисбатан енгиллигини ва ҳикояга нисбатан мураккаблигини ҳисобга олиш маъқулроқ.

Қисса жанрининг ўрта асрлар оғзаки ҳамда ёзма адабиётида кенг тарқалиши, фаоллашиши сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, қиссалар сюжетининг бош қаҳрамон ҳаётининг муайян даври воқеалари билан боғлиқликда изчил, хроникал, яъни замон нуқтаи назаридан кетма-кетлик тамойили асосида тасвирланишидир. Воқеликни бу тарзда эстетик идрок этиш тамойили қиссахон ёки қиссанавис учун жуда ҳам қулай эди. Шу боис ўрта асрлар қиссанавислари, бир томондан, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётидаги мавжуд эпик асарлар (асосан, дostonлар)ни қиссага хос сюжет қолипига солишга муваффақ бўлганлар. Иккинчи томондан, шарқ халқлари, хусусан, форс-тожик адабиётида кенг тарқалган машҳур сюжетларни қисса шаклида ижодий ўзлаштириш орқали бир қанча қиссалар яратганлар. Марҳум тожик адабиётшуноси Ю.Салимовнинг қайд этишича, X-XV асрларда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек ва тожик халқлари адабиёти насрида қисса ва ҳикоятлар етакчи ўрин эгаллаган. Шу сабабли XVI-XIX асрларда ўзбек ва тожик насри ўртасида ўзаро алоқа ва таъсир кучайган. Айни шу даврда «Абумуслинома», «Қаҳрамон қотил», «Чор дарвеш», «Шоҳномаи насрий», «Маликаи Дилором», «Маликаи Гуландом» каби ривоявий асарлар насрий қисса шаклида ўзбек тилига таржима қилинган.²

Иккинчидан, XVI-XIX асрларда қисса жанрининг кенг тарқалишига сабаб бўлган омиллардан яна бири ўқувчилар ёки тингловчилар оммаси учун қиссага хос баён услубининг маъқул ва манзур бўлиши эди. Ўзаро феодал урушлар оқибатида оғир иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган меҳнаткаш халқ кундузги меҳнату машаққатдан ҳориб уйига қайтгач, туни бўйи бирор хонадонда уюштириладиган қиссахонликларда иштирок этиб, афсонавий қаҳрамонларнинг адолат ва халқ осойишталиги йўлида олиб борган жангларидан завқ-шавқ олган. Бу нарса халқни келажакка ишонч билан қарашга, адолатсизлик барҳам топишига, бир кунмас-бир кун озод ва фаровон ҳаётнинг қарор топишига ишонч руҳини тарбиялаган.

Учинчидан, ўрта асрлар қиссачилигида воқеалар ҳамда асар қаҳрамонларининг эртакка хос фантастик-муболағали тасвирланиши порлоқ келажакка интиқ омманинг афсонавий идеалга бўлган ишончини мустаҳкамлашга кўмак берди. Қиссаларнинг кишилар онгига таъсири шу қадар кучли бўлганки, ярим ҳаётӣй,

ярим афсонавий қаҳрамонлар улар тасаввурида реал инсонлар сифатида шаклланиб қолганлар. Бунинг тасдиғини Ғ.Ғуломнинг «Шум бола» қиссасида кўрса бўлади. Бу қисса биринчи жаҳон уруши ва октябрь тўнтариши арафасидаги Тошкент шаҳри ҳаёти ҳақида шум бола саргузаштлари орқали маълумот беради.

Шум бола Ҳожи бобонинг кўкнорихонасига келиб қолганидан уч ҳафта кейин рус-герман уруши ниҳоятда авжига чиққан эди. Шунинг учун гиёҳвандлар ҳам сиёсатдан гапирадиган бўлиб қолган эдилар: «... *Николаю фаранг бир томон, гермон деган бир томон тоза урушаётган эмиш. Гермон дегани олтига томонида кўзи бор, қанотли бир тоифа эмиш. Оқ пошшонинг бир талай шаҳарларини ер билан яксон қилган эмиш. Айниқса, ўрмаловчи бир тўп чиқарган эмиш, бу тўпи аждар наслидан эмиш. Гермонга фақат Абу Муслим, Қаҳрамони қотил, Халифани Румдай соҳибқиронлар бас келмаса, бошқаси бас келолмас эмиш...*».³

Диққат қилинса, гиёҳвандлар Германияни *Гермон* деб шахслантириб, унинг қудратига машҳур қиссаларнинг қаҳрамонларини қарши қўядилар. Албатта, ушбу парчада гиёҳвандларнинг ўй-хаёллари ҳам берилган. Лекин жиддийроқ ёндашилса, ўша пайтларда қиссалардаги афсонавий қаҳрамонлар оддий кишилар тасаввурида реал қаҳрамонлар сифатида мустаҳкам ўрнашиб қолганлигини сезиш қийин эмас.

Анъанавий қиссаларда ишқ-муҳаббат саргузаштлари, ҳақиқат учун кураш, мардлик ва жасорат кўрсатишдан иборат сюжетлар тасвирланган. Бундай сюжетларнинг халқ орасида қайта-қайта айтилиб ёки ўқилиб юриши қиссаларда ҳам фольклорга хос формулавий услубнинг шаклланишига сабаб бўлади. Формулавий услуб эса қиссаларнинг анъанавий бошланма, тугалланма ва бошқа типик ўринларнинг елимланишига, яъни барқарор формулалар шаклида қотиб қолишига олиб келади. Шунинг учун бундай ўринлар барча қиссаларда бир хилда такрорланади. Фақат қиссадаги бошланма ва тугалланмалардаги барқарор формулалар таркибидаги қисса қаҳрамони, унинг яшаш макони ҳамда замони ўзгаради, холос. Чунки қиссалардаги таркиб топган анъанавий формулалар юқорида айтилган ўзгаришлар билан биргаликда асар сюжетидаги экспозицияси вазифасини адо этади.

XVII-XVIII асрлардан бошлаб реал воқеликни ҳажвий нигоҳ билан акс эттириш тамойили орқали адабиёт ижтимоий ҳаёт билан тобора яқинлаша бошлади. Бу эса адабиётга реализмнинг

кириб келишига сабаб бўлди. Махмур, кейинроқ Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ўгли сингари шоирлар мавжуд тузумдан, ҳаётдан ўзларининг норозилиklarини асарларида баралла куйлай бошладилар. Аммо бундай ҳажвий муносабат фақат поэзияга оид жанрлар доирасида ҳукм сураб эди. Бадиий насрда эса ҳамон анъанавий халқ китоблари етакчилик қилар эди.

XX аср бошларидан адабиёт майдонида янги типдаги ижодкорлар кириб келди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий кабилар ана шулар жумласидандир. Улар, бир томондан, миллий адабиётимизнинг қўп асрлик анъаналаридан бохабар бўлсалар, иккинчи томондан, рус ва Европа адабиётидаги янги бадиий-эстетик тамойиллардан ҳам етарлича баҳраманд бўлган, бошқача айтганда, ўз истеъдодлари доирасида Фарбу Шарқни омухта қила олган ижодкорлар эдилар. Шунинг учун ҳам улар ижодида ўзбек реалистик қиссаларининг илк намуналари яратилди. Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг «Бефарзанд Очилдибой», А.Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи», С.Айнийнинг «Одина», А.Қодирийнинг «Обид кетмон» каби асарлари ўзбек реалистик қиссаларининг илк намуналари ҳисобланади.

Албатта, воқеликни образли акс эттириш жиҳатидан бу қиссаларни XX асрнинг 60–80-йилларида яратилган ўзбек реалистик қиссалари билан бир қаторга қўйиб бўлмайди. Лекин воқеликни романтик идеал миқёсда акс эттирган мумтоз қиссалар билан ёки соф реалистик тамойиллар асосида яратилган кейинги давр қиссалари билан солиштирганда 20-йилларда ёзилган юқорида номлари қайд этилган асарлар қисса жанри тараққиётида олға қўйилган бир қадам бўлганлиги аниқ. Чунки ана шу асарларда реал воқелик, реал инсонлар, уларнинг ўй-кечинмалари, хатти-ҳаракатлари, мақсад-интилишлари бутун мураккаблиги билан бадиий асарларнинг, яъни қиссаларнинг мазмуний асосларини, бадиий тўқимасини ташкил этади.

Шу ўринда «Мумтоз қиссалардан янги типдаги реалистик қиссаларга трансформация жараёни қандай содир бўлди? Бу жараённинг изчил амалга ошишининг субъектив ҳамда объектив омиллари нималарда кўзга ташланади?» деган саволлар туғилади.

Бизнинг назаримизда, анъанавий қиссачиликдан янги реалистик қиссачиликка ўтишнинг ҳам объектив, ҳам субъектив омиллари борлигини тан олиш зарур. Объектив омиллар шундан иборатки, ҳар бир миллий адабиётнинг у ёки бу тарихий

даврдаги ҳолати, тарихий тараққиёти, энг аввало, жаҳон адабиётидаги жараёнлар билан, айниқса, бевосита контакт алоқада бўладиган халқлар адабиётидаги жараёнлар билан алоқадорликда кечади. Шу нуқтаи назардан қаралса, XX аср бошлари ўзбек адабиёти рус, озарбайжон, тожик, усмоний турк адабиёти билан бақамти алоқада ривожланди. Бу алоқа ва таъсир жараёнида ўзбек адабиёти рус, татар ва озарбайжон адабиёти орқали бутун Европа адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлди десак, янглишмаган бўламиз. Чунки рус, татар ва озарбайжон адабиётида XX аср бошларида реалистик тасвир тамойиллари мустаҳкам илдиз отган эди. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, мумтоз қиссачилик анъаналари янги давр адабиётида етакчи тамойил бўла олмас эди.

Реалистик қиссачиликнинг қарор топишидаги субъектив омиллар эса шундан иборат эдики, айти шу даврдаги ижодкорлар - жадидлар рус, татар, турк ва озарбайжон адабиёти воситасида реалистик ижод тамойилларини пухта ўзлаштириб олган эдилар. Шунинг учун М.Шермухамедовнинг «Бефарзанд Очилдибой»идан то А.Қодирийнинг «Обид кетмон»игача бўлган бадиий реализмнинг кўпигина қирралари шу давр ўзбек бадиий насрининг асосий тамойили даражасига кўтарилди.

Ўзбек реалистик қиссаларининг кейинги даврлардаги тараққиёти ҳақида фикр юритишдан аввал адабиётшунослигимизда юзага келган баъзи бир назарий ҳамда терминологик чалкашликлар ҳақида тўхталиб ўтиш зарурияти сезилади. Чунки ана шу чалкашликлар қисса жанрининг ҳозирги адабиётимиздаги ривожига ҳақида изчил, тўғри хулосаларга келишга халақит бериши, шубҳасиз. Ана шулардан бири қисса жанрининг XX аср ўзбек адабиётида вужудга келишини нотўғри талқин қилишдан иборатдир.

Адабиётшунос А.Абборов бу ҳақда: «Адабиётимизнинг ҳозирги даврида прозанинг янги тури - қиссанинг вужудга келиши ва шаклланишида 20-30-йилларда яратилган кенг сюжетли ҳикояларнинг роли ва хизмати катта бўлди. Қисса ана шу кенг сюжетли ҳикоядан ўсиб чиқди, ташкил топди, шаклланди ва мустақил жанр сифатида шаклланмоқда»⁴, деган.

Адабиётимиздаги реалистик қиссаларнинг юзага келишини бу тарзда изоҳлаш муайян давр адабиётидаги айрим жанрларнинг вужудга келишини жуда жўн ҳамда илмийликдан йироқ асослашдир. «Кенг сюжетли ҳикоялар»нинг «қиссаларга ўсиб чиққан»лиги,

биринчидан, адабий жанрларнинг поэтик табиатини яхши билмасликдан иборат бўлса, иккинчидан, бадиий ижоднинг ички ҳаракатлантирувчи қонуниятларини нотўғри тасаввур қилишдан бошқа нарса эмас. А.Аброров тасаввурида кенг сюжетни яна бироз шишириш, уни янги воқеалар билан бойитиш муқаррар суратда қисса жанрини юзага келтиради. Ҳолбуки, бу фикр билан адабий жанрнинг ҳаётий қамрови, унинг бадиий қонуниятлари ва жанрлар ўртасидаги уйғунлик масалалари инобатга олинмаган.

Бундан ташқари, масаланинг яна бир мураккаб жиҳати шундаки, бу ҳар бир миллий адабиётдаги соф «миллий жанрлар», биринчи навбатда, шу адабиётнинг ўз бағрида туғилади. Бошқа халқлардан «қарз» олинган адабий жанр генетик жиҳатдан миллий жанрлардагидек янги адабиёт бағрида узоқ вақтлар кенг ва чуқур илдиз ота олмайди. Мана шу жиҳатдан қаралса, ўзбек адабиётининг қиёфасини белгилаб берувчи барча жанрларнинг миллий илдизлари мавжуд. Шу маънода ўзбек адабиётидаги роман, қисса, ҳикоя ва бошқа жанрларнинг миллий асослари бор. Масалан, реалистик романлар асосида халқ романлари, реалистик қиссалар асосида эса оғзаки ва мумтоз қиссалар ётади. Аммо мавжуд жанрларнинг ўзгариши, бадиий жиҳатдан такомил топишида ўзга халқлар адабиётининг таъсири борлигини инкор қилиб бўлмайди. Ўзбек халқ романларининг реалистик роман даражасига кўтарилишида, оғзаки ва мумтоз қиссаларнинг реалистик қиссалар даражасига ўсиб ўтишида рус ва бошқа халқлар реалистик романларининг, рус повестларининг ижобий таъсири бениҳоя катта эканлигига шубҳа йўқ, албатта.

Шу ўринда адабиётшунос А.Аброровнинг қисса ҳақидаги яна бир фикрига эътиборни қаратамиз: «... ҳикоянинг бу тури 60-йилларга келиб, проза жанрининг алоҳида бир тури сифатида шаклланди. Бу хил асарлар ҳикоя ва повесть жанри оралиғида бўлган янги маънодаги қисса турининг ташкил топишига асос бўлди».⁵

Келтирилган иқтибоснинг ўзида бир талай назарий чалкашликлар мавжуд: биринчидан, проза жанр эмас, у фақат шаклий ҳодиса, иккинчидан, қисса тур эмас ва у повесть билан ҳикоя оралиғида ҳам эмас. Учинчидан, қисса янги маънодаги тур эмас, балки халқ ижодиётидан реалистик адабиётга қадар турли-туман ўзгаришларни ўз бошидан кечириб яшаб келаётган бадиий насрнинг мустақил жанрларидан бири ҳисобланади.

А.Аброров қисса жанрини повесть ва ҳикоя жанрлари орали-

гидаги жанр деб ҳисоблар экан, бинобарин, у бу жанрнинг мустақил жанр эканлигини тан олади.

Ушбу далил оддий терминологик чалкашлик бўлса ҳам, бироқ у катта назарий чалкашликлар келтириб чиқаришини унутмаслик керак. Чунки жанр ва унинг хусусиятларини аниқлаш адабиёт назариясининг ўзак масалаларидан биридир. Худди шу масалада адабиётшунослик атамаларини изоҳловчи лугатда «Бундай асарлар (яъни қиссалар - А.Х.) ўз характери, жанр имкониятлари, бадиий-тасвирий принцип ва усуллари жиҳатидан повесть жанри билан бир хилдир»⁶ дейилган.

Аслида *повесть* атамаси рус ва бошқа славян халқларидаги бизнинг *қисса* жанримизнинг муқобил варианты эканлигини таъкидлаш жоиз.

XX асрнинг 20-30-йилларида кўплаб ўзбек адиб ва шоирлари рус адабиёти ва у орқали бошқа халқлар адабиёти билан яқиндан танишиб, жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналарига айланган асарларни ўзбек тилига таржима ҳам қилдилар. Мана шу жараёнда, қолаверса, мафкуравий-сиёсий муҳофаза илинжида рус адабиётидаги айрим жанрларнинг терминлари айнан адабиётимизга олиб кирилди. *Роман* атамаси билан бирга улар *повесть* атамасини ҳам эркин қўлладилар. Аслида улар ёзган повестлар қисса жанрининг айнан ўзи эди. Бу нарса А.Аброров ва бошқа баъзи бир адабиётшуносларнинг нотўғри фикр юритишларига сабаб бўлди.

Ўрта мактабда ўқувчиларга ўзбек адабиёти жанрлари ҳақида тушунча берилар экан, бизнингча, қисса жанри ҳақида юқорида баён этилган фикрларни эътиборга олиш керак.

**Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ,
Навоий Давлат педагогика институти ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди.**

¹ Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1983. 169-б.

² Ю.Салимов. Насри ривоятаи форсу тожик. Душанбе: Дониш, 1971. 34-56-б.

³ Фафур Фулом. Шум бола. Мукамал асарлар тўплами. 5-жилд. Т.: Фан, 1986. 192-б.

⁴ А.Аброров. Ўзбек повести. Т.: Фан, 1973. 89-б.

⁵ Ўша асар. 88-89-б.

⁶ Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1983. 169-б.



Истеъдодли адиба

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин бутун ижоди шўролар ҳукмронлиги даврига тўғри келган адиблар ҳақида ёзиш бир оз мушкул иш бўлиб қолди. Дафъатан нима деб ёзишингни ҳам билмайсан киши. Бирон-бир адиб тўғрисида «У ўзи яшаган замон фарзанди сифатида асарларида шўролар даврини — XX аср биринчи чорагида юзага келган янги тузумни, янги ижтимоий воқеликни акс эттирди, унинг бадиий лавҳасини яратди» деб ёзсангиз, кимдир «Бундай ижодкор ҳақида ҳозирги пайтда ёзиш шартмикан, у ўз даврида социалистик тузумни мақтади, шўролар мафкурасига хизмат қилди, коммунистик партия хизматида камарбаста бўлди; унинг буюртмасини ҳам бажарди, хизматига яраша мукофотларини ҳам олди, етар, ўтган ишга салавот деб қўя қолайлик», деяётгандек бўлади. Дарвоқе, бундай таънаомуз саволга жавоб тополмай ҳам қоласан. Борди-ю, унинг асарларидан шўролар ҳокимияти даврида тузумга нисбатан хайрихоҳлигини англатувчи тимсоллар, ибораларни бугун бутунлай тескари талқин қилиб, аслида мазкур ижодкор ўзи яшаган жамиятнинг туб моҳиятини англаб етган, фақат фикрини очиқ айтолмай, муносабатини ошқора билдиролмай, уларни ишоралар, рамзларга ўраб берган, буни очиқ айтиш имкони энди туғилди тарзида мулоҳаза юритсангиз, яна кимларнингдир кўнглида буларнинг ҳаққонийлигига, фикрларингизнинг самимийлигига шубҳа уйғониши табиий. Лекин чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрсак, бундай инсонлар ҳақида ёзадиган нарсалар, айтадиган фикрлар, бизнингча, етарли. Уларнинг бу дунёдан ўтиб кетганлари бўлса, хотирасини эслаб туриш тирикларнинг бурчи, зеро, бундай ижодкорларнинг аксарияти оддий халқнинг фарзанди бўлган, уларнинг асарлари, энг аввало, ўзи мансуб бўлган халқ, миллатнинг маданияти, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилган. Шундай бўлгач, бундай инсонлар ҳақида ўринсиз шубҳаларга боришимиз, улар тўғрисида ёзсак, ҳамкасблар нима деб ўйлашади, дея иккиланишларимиз одобдан, одамгарчиликдан бўлмас. Уларнинг хатоларини хато деб, ютуқларини ютуқ деб, муносиб баҳоларини беришимиз жоиз бўлса керак. Таниқли адиба Ойдин ҳақида ёзишга жазм этарканман, шундай ўйлар бир зум кўнглимдан кечди. Андишаларни бир четга йиғиштириб, адибнинг ҳаёти ва ижодига яна бир карра назар ташлайлик...

Манзура Собирова Ойдин 1906 йили Тошкентда туғилди. Онаси-

дан ёшлигидаёқ жудо бўлган. Бу ҳодиса унинг тийнати шаклланишида ҳам муайян из қолдирган. Ўзбек адабий тилида *ўксиз* деган сўз учрайди. Бу сўзнинг ўзаги қадимги туркийча *ўг* (она) бўлиб, *онасиз*, *онасиз етим* маъносини билдиради. Ҳар ҳолда, адибанинг айрим ҳикояларида онасиз етимлик изтироби сатрлар орасига жойлаштирилгани сезилиб туради (жумладан, «Садағанг кетай, командир»да). Бўлғуси ёзувчи ўн бир ёшга кирганда «дунёни титратган» воқеа рўй берди: 1917 йилги октябрь тўнтариши содир бўлди. Ҳокимият тепасига зўрлик билан келган большевиклар бераҳм ва ва маккор эди. Улар кимга нима ваъда қилишни яхши билишган: Биринчи жаҳон урушининг чўзилишидан азоб чеккан халққа тинчлик, камбағал деҳқонларга ер, йўқсилларга тўқ турмуш ваъда қилдилар. Айни пайтда, XX асрга келганда ҳам ижтимоий тенгсизлик оқибатида эзилаётган аёлларга ижтимоий тенглик ваъда қилишди (хусусан, муслима аёлларни ичкаридан олиб чиқиш учун *кампания* тарзида қилишган жаҳди жадали Туркистонда қанча фожеий воқеалар билан кечганди). Булар ўз ишини қилмай қўймади: фуқаролар урушининг оловли йилларидан большевиклар қўли устун бўлиб чиқди. Ҳар ҳолда, ваъда қилган нарсаларининг устидан чиқишга ҳар қандай воситалардан фойдаланган ҳолда уриндилар. Шу тариқа хотин-қизларни фаол ижтимоий турмушга тортиш ҳам бошланди. Бу ҳодиса Манзура тақдирига ўз муҳрини босди. 1918 йилда у янги ташкил топган шўро мактабига борди. Бир йилдан сўнг Тошкентда ташкил қилинган хотин-қизлар педагогика билим юрти (инпрос)га кириб, уни 1922 йилда тамомлади. Шўро ўқув даргоҳида курашчи сифатида тарбияланган Манзура Собир қизи янги турмушнинг тарғиботчиси, фаол иштирокчисига айланди. Маҳаллаларда ташкил қилинган хотин-қизлар қўмитасининг вакиласи сифатида қиз-жувонларнинг ўқишлари, ичкаридан чиқишлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишлари йўлида жонбозлик кўрсатди. Шу тариқа, янги жамиятнинг фаол вакиласи сифатида шаклланиб етишди.

Манзура ўқиб юргандаёқ матбуотга хабарлари, шеърлари билан қатнашиб турган. «Янги йўл» газетасида унинг шеърлари «Манзура Собир қори қизи», «Манзура» имзолари билан эълон қилина бошлади. Унинг шеърлар ёзиб туришини билиб қолган мутаассиб амакиси отаси Собир қори орқали унга таъсир ўтказмоқчи бўлган. Таниқли шоира Зулфиянинг 1951 йили ёзган «Ойдин Собирова» сарлавҳали очеркида ана шу воқеа туфайли унга отаси шеър ёзишни тақиқлаб қўйгани, аммо у ўз йўлидан қайтишни истамагани, хотин-қизлар клубига бориб дугоналарига ўз шеърларидан зўр ҳаяжон билан ўқиб бериб, уларнинг мададига таянмоқчи бўлгани айтилади. Манзуранинг шеърларини тинглаган янги тузум хотин-қизлари унга *Ойдин* деган тахаллус қўйишни маслаҳат беришди. Шу тарзда унинг шеърлари истиқболининг қандай бўлишига ишора қилинган *Ойдин* имзоси остида чиқадиган бўлди.

1925 йили Ойдин ижодий ҳаётида бурилиш содир бўлди: Тошкент эски шаҳар ишчилар клубида унинг «Янги қадам» деган уч пардали пьесаси намоиш қилинди. Пьесада ёш муаллиф ўзбек хотин-қизларининг янги тузум кўмагида ижтимоий ҳаётдан ўз ўрнини топиш учун интилишларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Ҳар ҳолда, пьеса Манзуранинг тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин: у 1927 йили Самарқанддаги Педакадемиянинг ижтимоий-иқтисодиёт факультетига ўқишга кирди. Айни пайтда, янги турмуш қурилишида фаол иш олиб борди, лекин шеърлар ёзишни канда қилмади. 1931 йили унинг «Тонг кўшиги» деган биринчи шеърлар тўплами босилиб чиқди. Кўп ўтмай, 1933 йили унинг «Чечан қўллар» деган иккинчи шеърый тўплами дунё юзини кўрди. Бу тўпламлардаги шеърларнинг мавзуи ўзбек хотин-қизларининг 20-30-йиллардаги ҳаётдан олинган; турмушдаги ижтимоий ўзгаришлар, янги ҳаёт белгилари акс эттирилган, эски турмуш муҳитидан қутулиш ва меҳнат шавқи куйланган. Шоиранинг талайгина шеърлари реал ҳаёт фактлари асосида ёзилган. Чунончи, у Самарқанддаги хотин-қизлар ишлайдиган «Хужум» номли фабрикага тез-тез бориб, ишчи аёллар билан суҳбатлашган, уларнинг турмуши билан яқиндан танишган. «Хужум» фабрикаси ишчисининг эри томонидан тириклай ерга кўмиб юборилиб, бир йилдан кейин топилиши воқеаси асосида «Йўқолган тана» достонини яратган. Шу боис ҳам унинг шеърлари ва ҳикояларида ишчи аёл тимсоли етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 1934 йилда унинг машҳур хотин-қизлардан бўлган Тожихон Шодиева бошчилик қилган жамоа хўжалигининг ютуқларига бағишланган «Табригим сизга» шеъри босилиб чиқди. Хотин-қизларнинг ўқиш, ишлаш, янгича турмуш қуриш учун шавқ-завқ билан киришгани, уларнинг кўтаринки меҳнати шоира шеърларининг асосий мавзусига айланди. Шу тариқа, шўро адабиётининг меҳнат поэзияси деб аталган соҳаси яратилишига шоира Ойдин ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, хотин-қизларни ўқитиш, уларни ижтимоий ҳаётга олиб кириш, пировардида уларни паранжи-чачвондан халос этиш шўро ҳукуматининг хизмати сифатида кўрсатиб келинган. Аслида, жадид ота-боболаримиз ҳам худди шу вази-фаларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйишган эди. Фақат жадидлар билан шўро ҳокимиятининг бу масалаларни ҳал қилиш йўлида фарқи бор. Жадидлар хотин-қизларни ўқитиб, хат-саводини чиқариб сўнг паранжи-чачвондан халос қилишни режалаштирганлар. Чунки улар саводсиз, кўзи очилмаган хотин-қизларни паранжи-чачвондан халос этиб, ижтимоий ҳаётнинг жўшқин саҳнасига чиқариш муайян фожиаларга олиб келиши мумкинлигини билар эдилар. Шўро мафкурачилари эса масаланинг бу томонини аҳамиятсиз нарса деб ҳисоблаб, савод чиқариб улгурмаган хотин-қизларни паранжи-чачвондан чиқаришни кампания

сифатида амалга оширганлар (1927 йили амалга оширилган «хужум» кампанияси оқибатида жадидлар хавфсираган ҳодисалар юз бергани тўғрисида талайгина фактлар мавжуд). Маориф соҳасида ҳам шундай фарқ бўлган. Жадидлар ўқиш-ўқитишда миллий хусусиятларни ҳисобга олиш тарафдори бўлганлар. Шўро муассасалари эса, байналмилалчилик ниқоби остида таълим-тарбияни миллий заминдан узиб, бора-бора ягона миллат юзага келтириш (руслаштириш) йўлини мўлжаллаганлар.

Ойдин Собирова Педакадемияни битиргандан сўнг Тошкентга қайтиб, Ўзбекистон Давлат нашриётида ишлай бошлайди. Кўп ўтмай, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил этилди. Ойдин бу ташкилотга ишга қақирилди. Шоира 1934 йилнинг август ойида шўро ёзувчиларининг Москвада бўлган биринчи съездида иштирок этди. У энди адабий ҳаётда фаоллик кўрсата борди. 1934 йили чиққан «Тўёна» номли адабий тўпламнинг чиқишида жонбозлик кўрсатиб, унга сўз боши ёзди. Ойдин мухтасар сўз бошида ўша пайтда ёш ўзбек ижодкорлари асарларида кўзга ташланаётган камчиликларни кўрсатиб, уларнинг бартараф этилишига кўмаклашди. Жумладан, у схематизм, юзакичилик, рўйхатбозлик сингари камчиликлар нима эканлигини кўрсатиб берган. У ижтимоий ҳаётда қўлга киритилган ютуқларни ёзувчи ўз асарида санаб ўтиб, уларнинг ичига киролмаслик, моҳиятини очиб беролмасликни катта камчилик деб ҳисоблаган. Зеро, Ойдиннинг талайгина ҳикояларида бир нуқтадаги воқеа-ҳодисалар реал, теран тасвирлангани учун муваффақиятли чиққан.

Ойдин адабиётимиз тарихидан ҳикоялар устаси сифатида ўрин олган. Унинг бу жанрдаги асарларини шартли равишда уч қисмга ажратиш мумкин: ўтмиш ва замонавий мавзудаги ҳамда уруш даври ҳаёти акс эттирилган ҳикоялар. Ойдиннинг «Гулсанам», «Ямоқчи кўчди», «Ҳазил эмиш», «Бечора» каби ҳикояларида ўтмишда камбағалларнинг оғир моддий қийинчиликда кун кечиргани, хонлар, қозилар, бойлар, пулдорлар томонидан хўрлангани эсда қоларли бадий лавҳаларда тасвирланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтмишда ўлкамизда синфий кураш деган ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлмаган. Лекин камбағаллар билан бойлар орасида катта ижтимоий тафовут бор эди. Айрим ноинсоф бойлар камбағалларни арзимаган ҳақ эвазига қаттиқ ишлатишган. Ёзувчи оч, камбағал кишининг аянчли руҳий ҳолатини характерли деталлар воситасида ёрқин тасвирлаган. Унинг «Ҳазил эмиш» ҳикоясида Фанижон деган боланинг қорни оч ҳолати қуйидагича тасвирланган: *Бойнинг уйида «ҳамма эртанги чойга ўтирди. Аноргул бир сават оппоқ кулчаларни келтириб ойимнинг ёнига қўйди. Нонлар ҳозиргина тандирдан узилгани учун ҳали тафти кўтарилгани ҳам йўқ эди. Фанижоннинг икки кўзи саватда».*

Бойнинг ўғли Фанижонни тўрт томони деворлар билан ўралган май-

дончага қаҳратон қишда қамаб қўяди. Кечаси билан у ерда қолиб кетган шўрлик Фанижон музлаб қолади. Бу воқеага бойнинг хотини билдирган муносабатни ёзувчи қуйидагича ифодалайди: *«Бола-да, ҳазиллашган. Ажали етмаса, ҳазилга ўлармиди»*. Бундай ёвузлик, бунинг устига, ўлган боланинг руҳини ҳақоратлаш шунчалик холис тарзда акс эттирилганки, буни ўқиганда китобхоннинг юраги музлаб кетади. Ёзувчининг маҳорати ҳам ана шунда бўлса керак.

Ойдин диалоглар воситасида персонажларнинг руҳий ҳолатини тасвирлаш устаси бўлган. Унинг «Дўндикдан ҳам ёш экан» ҳикоясида Рузвон деган ўн бир ёшли қизчанинг зўрлаб чолга узатилганини эшитган ёш шўро қизчасининг содда тасаввурини бериш орқали фожеей ҳолат кучайтирилган:

« - *Ушанда қочиб кетмадингизми? — деди шошиб-пишиб Дўндик.*

- *Қочиб қайси гўрга борардим?*

- *Ҳукуматга айтсангиз-ку, қутқариб оларди.*

- *Вой, болалигинг бор бўлсин, Дўндик, - деди Ҳалима опа кулиб».*

«Гулсанам» ҳикоясида бундай фожиа манзарасини ёзувчи бевосита кўрсатади (хоннинг айғоқчилари томонидан ўрдага келтирилган 15-16 ёшли Гулсанамни қари ҳукмдор ўз нафсига қурбон қилиш учун уришининг тасвири):

«*У қизнинг бошидан рўмолини олиб ташлади ва азот кўтариб, ўзи ўтирган жойга олиб бориб ўтқазди. Қизнинг сочини силаб, иягидан ўпмоқчи бўлди*». Бу тасвир китобхонда Гулсанамга ачиниш, уни қари кишидан қизғаниш ҳиссини уйғотади. У бирон-бир фавқулодда ҳодиса содир бўлиб, қиз қари туллакнинг қўлидан қутулишини истади. *«Гулсанам унинг тумшугига бир мушт урди, ўзи орқароққа тисланди»*. Бу тасвирга келгач, китобхон золим хонга бундай муомала қандай натижа билан тугашини ҳам ўйламай, Гулсанамнинг ҳаракатидан қониқиш ҳосил қилади. Лекин ёш Гулсанам «беадаблик қилгани учун» хоннинг шафқатсиз ҳукмига маҳкум эди: у қозон тўла қайноқ сувга ташланиб ўлдирилади.

Ёзувчи Ойдиннинг замонавий мавзуларда ёзган ҳикояларида янги тузумнинг афзаллиги, эски ҳаётнинг ўрнига қарор топаётган янги расм-русум, турмуш тарзининг устунликларини кўрсатиш мақсади ётади. Ерда ўтириш ўрнига стол-стуллардан фойдаланишнинг маданийлиги, ўқишнинг, фабрика- заводларда ишлашнинг афзаллиги, ўқимаган қиз-жувонларнинг шахсий бахтдан ҳам маҳрум бўлиб қолиши мумкинлиги каби фикрлар сингдирилган ҳикоялар ўқувчида турли туйғулар уйғотади. Ёзувчининг айрим фикрларини қабул қилади, маъқуллайди, баъзиларига эътироз билдиради. Жумладан, «Чақалоққа чакмонча» ҳикоясида аёлларнинг туғруқхоналарда туғиш ғояси тарғиб қилиниши ўқувчи томонидан табиий қабул қилинади. Аммо «Ўзидан кўрсин» ҳикоясида йигитнинг ўқишни ташлагани учун Шакархонга уйланиш фикридан воз кечиб, ўқиган қиз

билан турмуш қуриб кетиши ўқувчида «Чинакам яхши кўрса, уйлангандан кейин ҳам ўқитса бўларди-ку», деган эътироз уйғотади. Албатта, ёзувчи ҳикоясига муайян мақсадни сингдирмоқчи бўлиб, баъзи персонажларини ўз ғояси йўлида ҳаракат қилишга «мажбур этган».

Ойдиннинг «Садағанг кетай, командир» ҳикоясини ўқиганда китобхонда икки хил тасаввур ҳосил бўлади. Биринчиси, асарда ёшларнинг муҳаббат тасвири содда, гўзал бўёқларда берилгани. Қишлоқда кўзи ожиз бир чол 15-16 ёшли Қандолат деган қизи билан камбағал яшаши. Табиатнинг инъоми билан уларнинг ҳовлисида бир булоқ чиқиб, одамларнинг уловини суғориб тирикчилик қила бошлашган. Кунлардан бир кун отлиқ аскарлар келиб отларини суғоришади. Уларнинг ичида Холтой номли ёш аскар йигит бўлиб, Қандолатни кўргач, севиб қолади. Йигит тез-тез келиб, отини суғориш баҳонасида Қандолат билан гаплашади, унга ўзи ҳам етим эканини айтиб, бирга яшашни таклиф қилади. Буларнинг ҳаммаси қизнинг отаси кўзи ожиз чолдан пинҳона бўлади. Қиз сукут сақлайди. «Сукут аломати ризо» дегандек, у майли борлигини шу йўл билан билдиради. Улар чолга билдирмай, бир кеча бирга бўлишади. Қиз йигитнинг бирга бўлиш қистовига кўниши қуйидагича баён қилинади:

«- Ҳа, нима бўларди, биз маҳаллага ош бериб, тўй қилармидик, шундай тура берамиз-да. Никоҳ бўлса, эртага ўқитармиз. Отангиз қўймаса: «Сўз беришганмиз, деймиз. Ишимиз осон бўлади».

Қиз йигитнинг хоҳишига қарши боролмаганини кейинчалик шундай изоҳлайди:

«Ёшлик қурсин, мен ҳам кўндим. Тегса арзийдиган йигит. Бундан ортигини топармидим, дедим, кўнгли қўйдим. Бағрига кириб ётдим».

Нима бўлади-ю, йигит эрталаб шошиб жўнаб кетади. Босмачилар билан жангда ярадор бўлади. Тузалгач, чолни ҳам, Қандолатни ҳам тополмайди. Сўнг Ленинградга ҳарбий академияга юборилади, ўқишни битириб командир бўлиб етишади. Қандолат эса йигит билан бирга бўлгандан бир оз ўтгач, бўйида бўлиб қолганини сезади. Уялиб отасига айтолмайди. Узоқда яшайдиган холасиникига бориб, отам, эрим ўлди деб айтиб, у ерда яшайди. Фарзанд кўради. Бу орада унинг отаси вафот этган бўлади. Ўзи ўқиб, районда агроном бўлиб етишади, бир колхозда партия ташкилотининг котибалигини ҳам бажаради. Тасодифни қарангки, ўша йигит, энди обрўли командир Холтой Пўлатов уларнинг районида депутатликка номзод кўрсатилиб, сайловчилар билан учрашувни ўтказиш учун келиб қолади. Қандолат уни кўриб, ҳаяжонга тушади. Уйланган бўлса, оиласини бузмаслик учун ўзини танитмасликка ҳаракат қилади. Сайловчилардан бирининг берган саволи орқали Холтойнинг хотини ўлганлиги, кейин турмуш қурмагани англашилади. Қандолат дугонасининг ёрдамида ўгли Ўринжонни ота-

си Холтойнинг олдида хат билан киритади, командир мактубдан воқеани билиб, Ўринжонни «ўғлим» деб атайди. Улар қайтадан топишишади. Хуллас, эртакнамо бўлса-да, қизиқ воқеа асосига қурилган ҳикоя. Ҳикояни ўқиган кишини воқеа ўзига жалб қилади.

Бу ҳикоядан олинадиган иккинчи тасаввур шуки, шўролар даврида оила қуришда энг аввало ота-она розилиги, никоҳ, никоҳгача қиз ва йигитнинг ўзларини тия билиш деган тушунчаларга унчалик катта аҳамият берилмагани ҳикоядан объектив тарзда англашилади. Натижада, ҳикоядаги Ўринжон сингари болалар шўролар тузуми даврида анчагина пайдо бўлган эди. Ҳар ҳолда, бундай ҳодиса ҳозирги диний қадриятларимиз нуқтаи назаридан «ҳазм» қилиб бўлмайдиган нарсас. Лекин шўролар даврининг бундай ҳодисаларга муносабатини ёзувчи ҳикояда реал тасвир қилгани характерлидир.

Мазкур ҳикояда ҳам ёзувчи тасвирда бадий қуюқликка эришгани яққол кўринади. Масалан, Қандолатларнинг қўшниси Кундуз опа қизнинг сочини ўриб қўйгач, шундай дейди: *«Ўзинг ҳам кап-катта қиз бўлиб қолибсан, Қандолат, эрга берса, балодек эр эплайсан. «Фақир киши панада» дегандек, ҳали сени ҳеч ким билмайди-да, тузукроқ, ўзига тўқ одамнинг қизи бўлсанг, алақачон талаш бўлиб кетардинг. Ҳа, юра тур, сенга ҳам ўзингга ўхшаган бир бечора топилиб қолар. «Бойнинг қизи моли билан, камбағал қизи ҳусни билан», дейдилар. Сочинг қамчидек, юзинг ширмой кулчадек, бўйинг новдадек, қоши-кўзинг попуқдек, сени олмай кимни олсин йигитлар».*

Ойдин ҳикояларига сарлавҳа танлашда халқона йўл тутганини алоҳида таъкидлаш лозим. «Чақалоққа чакмонча», «Ямоқчи кўчди», «Садағанг кетай, командир», «Ҳазил эмиш», «Дўндиқдан ҳам ёш экан», «Эр юрак», «Уялди шекилли, ерга қаради», «Кўнглинг тўлдими, яхши йигит», «Икки кўзи шунда» кабиларни олсак, бундай оддий, аммо жозибадор сарлавҳалар ўқувчининг диққатини ўзига торта олади.

Манзура Собирова Ойдин ёзувчилик билан журналистлик фаолиятни бирга қўшиб олиб борган ижодкорлардан бўлган. У талайгина очерклар муаллифи. 1946-1953 йиллари у «Ўзбекистон хотин-қизлари» (ҳозирги «Саодат») журналинини бошқарган, давлат идораларида масъул вазифаларни бажарган. Бандлигига қарамай, бадий ижодни ҳамisha биринчи ўринга қўйган.

Бу истеъдодли ёзувчи бор-йўғи 47 йил умр кўрган. Шунга қарамай, у адабиётимиз тарихидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга муяссар бўла олган. Унинг асарлари ҳали ҳам ўзининг тароватини йўқотган эмас. Бу эса ёзувчининг ижодий бахтидир.

**Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,
филология фанлари номзоди.**



ABITURIYENTGA YORDAM

«Муҳаббатнома»даги номалар мазмуни бир хилми?

Маълумки, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» (1353 йил) достони ўзбек мумтоз шеърятининг гўзал намуналаридан биридир. Ўзбек ва тожик тилларида битилган бу асар *нома, маснавий, газал, қитъа, қасида, фард* сингари лирик жанрлардан ташкил топган бўлиб, мураккаб тузилишга эга. Бироқ асар қисмлари бир-бирига маҳорат билан боғланганлиги туфайли унда яхлит бир бутунлик юзага келган.

Номидан кўриниб турганидек, достоннинг асосини муҳаббат номалари - ошиқнинг маъшуқага ёзган шеърий мактублари ташкил этади. Асарда зоҳиран мажозий, яъни дунёвий муҳаббат ҳақида фикр юритилаётгандай кўринса-да, аслида мажозий ишқ тасвири орқали ҳақиқий, яъни илоҳий ишқ улуғланган. Шу сабабли достонда маъшуқа - Ҳақ тимсоли, ошиқ эса дунёвий гўзал воситасида ҳусни мутлаққа, яъни Ҳаққа интилувчи солиқ сифатида тасвирланган.

Асарда 8 та ўзбекча, 3 та тожикча нома берилган. Гарчи улар фақат ошиқ томонидан ёзилган бўлса-да, аммо мазмунан бир хил эмас. Бироқ негадир «Муҳаббатнома» ҳақидаги тадқиқотларда номаларнинг мазмуни маъно-моҳияти бир хил деган фикрлар билдирилади. Чунончи, олим С.Қосимовнинг Хоразмий ижоди тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясида бу борада шундай дейилади: «Гарчи «Муҳаббатнома»даги 11 нома мавзу, мазмун ва илгари сурилган мақсад эътибори билан бир-биридан фарқ қилмаса-да, бирор номани алоҳида олганда, унинг бўлаклари мазмунан бир-биридан фарқ қилади».¹

Адабиётшунос Ё.Исҳоқов эса янада аниқроқ қилиб шундай ёзади: «Умуман номаларнинг моҳияти, ўзига хос услуби ҳақида битта нома воситасида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин».² Шундай фикрлар бошқа олимларнинг асарларида ҳам мавжуд.³

Аслида эса асардаги номалар мазмун ва моҳиятига кўра бир-биридан фарқланади. Улардаги фикрлар бир-бирини айнан такрорламайди, балки янги фикрлар билан бойиб боради. Бу маз-

муний тадрижийлик номаларни сийқа такрордан сақлаб, улардаги бадий таъсирчанликни кучайтирган.

Биринчи нома маъшуқа ҳусн-жамоли, гўзаллигини таърифлаш билан бошланади:

*Аё кўрк ичра олам подшоҳи,
Жаҳон тутти сенинг ҳуснунг сипоҳи...
Сочинг бир торина минг ҳур етмас,
Юзунгинг нурина минг нур етмас.⁴*

Шоир талқинича, гўзаллик шоҳи - Аллоҳ ўз ҳуснини оламда намоиш этиши билан жаҳонни ҳусн сипоҳи-аскарлари тутиб кетди. Лирик тимсол маҳбубаси ҳам шулардан бири бўлса-да, лекин унда илоҳий жамол мукаммал акс этади. Шу боис у ўз ёрини ҳурлардан ҳам устун қўяди.

Иккинчи нома сабога мурожаат этиш билан бошланади. Ошиқ сабо орқали ёрига салом йўлаб, ўз муҳаббатини изҳор этади. Ёр васлига интилиш иштиёқининг кучайганлигини маълум қилади:

*Айитқил, э бўюнг тубий бутоқи,
Қулунгинг ҳаддин ошди иштиёқи (18-б).*

Қайд этиш лозимки, фақат шу номадагина сабога мурожаат мавжуд. Аммо бу усул Хоразмий анъаналарини давом эттирган номанависларда ривожлантирилган.

Учинчи номада эса ёр гўзаллиги табиат ва жамиятдаги нарсаларга қиёсланиб улуғланади:

*Бўюнгтеқ сарв йўқ бўстон ичинда,
Юзунг нуридин ой нуқсон ичинда (20-б).*

Номада ёрнинг ташқи гўзаллиги аввал табиатдаги нарсаларга қиёсланиб чизилади, сўнг ички олами ёритилади. Ташқи жиҳатдан гўзал бўлган маъшуқа ўз бевафолиги билан ички оламининг номукамаллигини намоиш этади. Шунга қарамай, ошиқ уни ниҳоятда севади. Шу боис тўртинчи номада ошиқ маъшукани ўз олдига чорлайди. Уни ғоят софинганлигини ёзиб, чиройли сўзлар билан эркалайди. Бу номада мажозий (инсоний) ва ҳақиқий (илоҳий) ишқ ҳақида фикр юритилган. Хоразмий талқинича, мажозий ишқ пок бўлса, у ҳақиқий ишқ поғонасига кўтарилади ва ошиқни ҳам, маъшукани ҳам мақсадига етказди:

*Қадам дарнеҳ, ки дар ишқи мачози,
Ба мақсуде расй гар покбозй (23-б).*

(Мажозий ишққа поклик ва садоқат билан қадам қўйгин, шунда мақсадинга эришасан).

Бешинчи нома маъшуқа таърифи билан бошланади. Лекин, айтилмоқчи бўлган фикр бу эмас эди. Балки олдинги номадаги фикрни бевосита тўлдирувчи, ривожлантирувчи бошқа масала унинг асосини ташкил этади. Бу номада ошиқ ўзининг ишқ йўлида беморга, хастага айланганини маълум қилади, аммо уни табиблар даволай олмайди. Ошиқни хасталикдан фақат ёр висоли халос этиши мумкин:

*Менинг дардимга дармон васл эрур бас,
Вале ҳаргиз улашмас гавҳара хас (24-б).*

Олтинчи номада ёрнинг илтифотсизлиги ва шафқатсизлигидан ўксиган ошиқнинг қалб кечинмалари ёритилади. Маъшуқа илтифотсиз бўлса-да, ошиқ ҳамон унга садоқатли. У қалб амрига қарши бориб, ўз муҳаббати ва севгилисидан воз кечолмайди. Чунки муҳаббат ошиқнинг ҳаёти, имони ва эътиқодига айланган. Бу номада ёрга мурожаат орқали «*нечук ҳаддин оширурсиз жафони*» сингари ижтимоий ҳаётдаги зулмни қораловчи, «*агар султон эсанг, мускина раҳм эт*» каби ҳукмдорларни адолатга чорловчи фикрлар ҳам берилган.

Еттинчи номада ошиқ маъшуқага бўлган муҳаббатининг сабабини очиб беради. Ёр бағоят гўзал. Ёрнинг хуснига хусн қўшган нарса унинг билимдонлигидир. Чунки билим гўзалликнинг чўққиси бўлиб, у инсон камолотини ифодалайди. Шоир талқинича, аёлларнинг ҳам эркаклар каби саводли, билимли бўлиши жамиятнинг гўзаллиги ва тараққиётини белгилайди. Ошиқ ўз севгилиси билимли бўлганлиги учун ҳам уни севади ва у билан фахрланади.

Саккизинчи номада маъшуқанинг ошиқни ҳижронда қийнаши қачонгача давом этиши ҳақида сўз боради. Ошиқ ўзи чекаётган ҳижрон азобларига маъшуқанинг бепарволигидан ҳайратланиб, уни раҳм-шафқатга даъват этади.

Тўққизинчи номада ёр қанчалик жафокор бўлмасин, ошиқ уни севишини, унга бўлган вафо ва садоқатини изҳор этади.

Ўнинчи номада ошиқнинг фикри ўзгаради: ўз севгиси ва вафосига муносиб илтифот кўрмаган ошиқ маъшуқадан норози бўлади. Ундан воз кечиб, ўзга юртга кетишни, ўзга ёрга кўнгил боғлашни истайди. Аммо бу истак ёрнинг нозларига қарши айтилган шунчаки ҳазил эди. Шу сабабли ошиқ «*вале кўнгул қутулмас домингиздин*» дея ундан айрила олмаслигини маълум қилади. Шундай қилиб, ўнинчи нома маъшуқага абадий вафодор ошиқ бўлиб қолиш фикри билан тугайди. Шу билан номалардаги

фикрлар ҳам якунланади. Аммо шоир ўнинчи номадан кейинги маснавийда «*Бу ерга етти сўз таъхир бўлди, Бурун ўн дедим, ўн бир бўлди*», яъни шу ерга етганда кечикиб бўлса-да, айтиладиган фикр пайдо бўлди, шу сабабли аввал асарим ўн нома бўлади, деган бўлсам-да, уни ўн бир нома қилдим, дейди.

Ўн биринчи нома ҳам, тўртинчи ва саккизинчи номалар каби, тожик тилида ёзилган бўлиб, унда шоир муҳаббат ҳақида қуйидагича ёзади:

Агар пурси: Чй мебошад муҳаббат?

Муҳаббат он, ки нагрёй зи меҳнат! (37-б).

Мазмуни:

(Гар сўрасанг: Нимадир, деб муҳаббат?

Машаққатдан қочмасанг, шу муҳаббат!)

Хоразмий талқинича, чин муҳаббат машаққатдан иборат бўлиб, у инсонни камолотга эриштиради, унинг ҳаётга ва ўзига ишончини мустаҳкамлайди.

Муҳаббат одамни инсон ва жамиятгагина эмас, ҳатто Аллоҳга ҳам боғлайди. Бу эса муҳаббатнинг илоҳий қудратга эғалигини кўрсатади. Бироқ муҳаббат «*бе дилситон жоне надорад*», яъни «муҳаббат маҳбубсиз бежондир». Ўн биринчи нома шу фикр билан якунланади.

Номаларнинг қисқача таҳлилидан маълум бўладики, улар мазмунан турли хил бўлиб, маъно доираси кенг ва ранг-барангдир.

Умумтаълим мактабларининг 8-синфида ва олий ўқув юртларининг филология факультетларида «Муҳаббатнома»ни ўрганаётганда, асардаги ҳар бир номанинг мазмуни шу тарзда кенг ёритилиб, бадиияти эса уларда акс этган шеърӣй санъатлар орқали кўрсатиб берилса, ўқувчи ва талабаларнинг асарни тушуниши ва ўзлаштириши мукаммал бўлади.

Абдусалом АБДУҚОДИРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

1 С.Қосимов. Хоразмий ижоди. Филол. фанл. номзод. диссертацияси. Т., 1950, 123-б.

2 Ё.Исҳоқов. Хоразмий // Ўзбек адабиёти тарихи. 5 -жилдлик, 1-жилд. Т.: Фан, 1977. 193-б.

3 Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. Т.: Ўқитувчи, 1976. 230-б.

4 Хоразмий. Муҳаббатнома // Муборак мактублар. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 18-б. (Кейинги иқтибослар ҳам шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).

Бир маснавий тарихи

Алишер Навоий талқинича, шеър — шоирнинг истеъдоди фарзанди. Назм — ижодкор қалбининг таржимаси. Шоир қалби қаъридан отилиб чиқмаган, унинг қўнгли тубидаги яширин сиру маъноларни — дуру гавҳарларни юзага чиқармаган назм - назм эмас. Таъбида *дарду ҳол чошниси* бўлмаган шоир, шоир эмас. *Дарду ҳол чошнисидан* холи назм — жонсиз жисм, гулсиз бўстон, нурсиз шам, ҳидсиз мушк. Бундай шеър башарият маънавий оламига нур ва зиё бахш эта олмайди. *Дарду ҳол чошниси* бор назм эса қайгули диллар тиканзорини гулшанга айлантиради, маҳзун қўнгилларга рўшнолик ато этади, юракларга ҳаёт нашъасини солади, қуруқ кўзларни, қотган дийдаларни йиғлатади, тош бағирларни эритади...

Алишер Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” ёдномасида устози ва дўсти Паҳлавоннинг шоирлик истеъдоди хусусида қуйидаги хулосани баён этган: “*Дағи яхши сўз маснавийси ҳам борки, назм аҳлининг мутаайинлариға ул навъ абёт воқеъ бўлмайдур... ва ҳол аҳли бу абётдин маълум қилурларким, Паҳлавоннинг таъбида не миқдор дарди ҳол чошниси бор экандур*”.¹ Улуғ мутафаккир ўша маснавийдан саккиз байт маноқибда келтирган. Бадиий матн қуйидаги байт билан бошланади:

*Чу ба чарх равшан шавад ҳоли ман,
Ба сад дида гиръяд ба аҳволи ман* (110-б).

Ибтидоданоқ маснавийнинг ҳасби ҳол руҳида ёзилганлиги назарга ташланади. Шеъринг сатрларда шоирнинг ички ҳиссиёти (лирик ифода) билан воқеий тасвир қоришиқ ҳолда келган. Дастлабки мисраларданоқ қаҳрамон руҳида кечаётган туғёнли ҳолат, ҳазин ва ғамгин кайфият ўқувчи қалбини ларзага солади. Довруқли куштигир шундай оғир вазиятда, руҳий изтироблар гирдобида қолганки, агар унинг аҳволидан фалак хабар топса, аччиқ кўз ёшларини тўкиб йиғлайди. Навбатдаги байтдан шоирни ҳижрон, айрилиқ дарди қийнаётганлиги аён бўлади:

*Маро бор будй гули навшукуфт,
Дареғо ки боди хазонаш бируфт* (110-б).

Куштигир бисотидаги энг азиз нарсасидан, гулзорида очилган тоза гулидан жудо бўлган, уни хазон шамолига бой бериб қўйган. Байтда фикр истиоравий ифодалар билан ғоятда таъсирчан ифодаланган. Образли лавҳа яратиш, қаҳрамон ички ке-

чинмаларини жозибали тарзда акс эттиришда таносуб санъати ҳам кўмакка келган. Кейинги байт *“бир вафо кўрсатиб, давр бе-вафолари жабридан, юз бевафолик кўрган, юз меҳр кўрсатиб, замон беҳаёлари зулмидан кўксига минг дарду бало тиканлари қадалган”* Алишер Навоий назмий ва насрий асарларидаги до-нишманд сиймосининг фожиавий қисматини хотирга келтира-ди. Айни мантиқ Паҳлавон маснавийсида ўзига хос услубда, ҳаётий тамсиллар воситасида акс этади:

Ҳама умр тухми беҳи коштам,

Чу вақти баромад набардоштам (110-б).

Деҳқон учун ер ҳайдаб, ерга уруғ қадаб, йил бўйи меҳнат қилиб, ҳосил айни пишиб етилганида ундан маҳрум бўлиб қолишдан ортиқроқ азият йўқ. Паҳлавоннинг тақдири бундан-да оғирроқ, бундан-да фожиалироқ. Чунки у умр бўйи яхшилик уруғини сепган, униб чиққанда эса ҳосилдан бебаҳра қолган.

Инсон учун ғам заҳидан аччиқроқ заҳар йўқ. Ғам инсон турмушини оғуға айлантириб, юрагини қиймалайди. Хусусан, танга қарилик мадорсизлиги юзланган пайтда бошга тушган қайғу инсонни тупроққа қоради, умид экинзорини поймол қилиб, ёруғ дунёни қоронғу зиндонга айлантиради:

Зи он талх шуд зиндагонй маро,

Ки пири фиканд аз жавонй маро.

Кунун ман на он шери занжириям,

Бадар бурда ҳам зи ғам пириям.

Ба хурди падар тифл аз он парварад,

Ки то дар бузурги ҳам нахўрад (110-б).

Ушбу байтдан Паҳлавонни тубсиз ғам уммонига ғарқ қилган сир очилади. Куштигирнинг бошига фарзанддан жудолик дарди тушганлиги маълум бўлади. Фарзанд — ҳаёт дарахтининг меваси. Инсон боласига бутун умрини бағишлайди. Кексайганимда оғиримни енгил қилар, мушкулимни осон қилар, деб умид қиладди, қариган чоғида уни белига қувват, кўзига нур, мажолсиз жисмига жон деб билади:

Зи он дар жавонй бор оядаш,

Ки дар аҳди пири ба кор оядаш (110-б).

Кексаликда йиқилган одамни оёққа турғизиш, синган кўнгилни тузатиш, бут қилиш қийин. Қариликда қалбга етган жароҳат, хусусан фарзанд доғига малҳам топиш амри маҳолдир. Чунки фарзанд башар авлодининг йигитлик фаслидан ёдгордир.

Инсон ёш, соғлом бўлса, йўқотган дилбанди ўрнига яна фарзанд кўриши табиийки, бу кўнгилга таскин беради. Кибар ёшида жудолик дардига учраганнинг эса кўнглига қил сигмайди. Шу боис донишманд кексаларимиз: *“Қариликда фарзанд доғини кўрсатма”*, - дея Парвардигорга илтижо қиладилар.

Алишер Навоий иқтибос танлашда ҳам маҳорат кўрсатган. Маснавийнинг мағзини ўқувчи ҳукмига ҳавола этган. Маснавийдан тортиқ қилинган парчани мутолаа қилар экан, ҳар томондан сиқилган, икки ўт (фарзанд доғи ва қарилик) орасида қолган донишманд кексанинг ички кечинмалари, мотамзада ҳолати ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ўқувчи маноқиб бағридан шеър эмас, гўё Паҳлавон ҳаётидан, қалбидан узилган бир парчани топгандек бўлади. Куштигирни безовта қилиб, қалам ушлатган ички оғриқлар, маънавий изтироблар ўқувчи руҳиятига ҳам кўчиб, уни тилсимлардан, жумбоқлардан иборат ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Маснавий Паҳлавон Муҳаммад ҳаётининг кексалик давридан кичик бир лавҳа сифатида ҳам муҳим илмий-маърифий аҳамият касб этади.

Маноқибда Паҳлавон маснавийсининг яратилиш тарихи ҳақида нодир қайдлар мавжудки, бу қайдлар асар илмий-маърифий қимматининг салмоғини янада оширади: *“...пахлавон Пирий куштигирким, Паҳлавони номурод умрин анинг тарбиятига сарф қилди ва назари бу эрдиким, қариған чоғдаки, ул жаҳон паҳлавони куштигир бўлиб, Султон Соҳибқирон матбуъ таъб надими мажлиси ва Паҳлавон фарзанди муниси ва шамъи мажлиси бўлғай ва ул бевафолик қилиб Паҳлавондин айрилди”* (110-б).

Паҳлавон Муҳаммад асранди фарзанди Пирийнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига кўп меҳнат сарф қилади, уни ўз соҳасининг пешқадам вакиллари мақомига олиб чиқади, ва у орқали яна кўп эзгу орзу-ҳаваслар кечирмоқчи бўлади, аммо Пирийнинг беқарорлиги, вафосизлиги оқибатида куштигирнинг орзу-умидлари парчаланadi. Маснавий ана шу воқеа заминида дунёга келади. Алишер Навоий мазкур тарихий лавҳа ва маснавийдан иқтибос келтириш билан икки катта мақсадни бехато нишонга олган:

- Паҳлавоннинг шоирлик салоҳиятини санъаткорона асослаган;

- Куштигир шахсига хос инсоний гўзалликнинг муҳим бир

қиррасини нозик таъкидлаган: *“Паҳлавон номуслиқ ва ғайратлиқ жигархор киши эрди ва андуҳдин кўнглида сўз ва баданида гудоз эрди, аммо ҳеч кишига изҳор қилмас эрди”* (110-б).

Ҳаётда ҳар бир нарсага сидқ кўзи билан қаровчи, зоҳири ва ботини бир инсон яқинларидан адолатсизлик, андишасизлик кўрса қаттиқ куюнади. Аммо бундай кишиларнинг ортиқ даражада ғам-қайғу чекканликлари, азобда қолганликлари, қийналганликларини сиртдан билиб бўлмайди. Бу тоифанинг хатти-ҳаракати, одамларга муносабатида на нолиш, на армон, на изтироб сезилади. Улар ғамнинг тоғдек юкини мардонавор кўтариб юрадилар. Ўзларининг дилгирликларини бошқаларга юқтиргилари келмайди. Бундай кишиларда ор-номус туйғуси кучли бўлади. Улар учун орият ҳаёт-мамот масаласи бўлиб, бу йўлда ҳатто жондан кечишга ҳам тайёр турадилар.

Табиатан ор-номусни муқаддас тутмоқ полвон зотиға хос хусусиятдир. Халқимиз орасида елкаси ерга тегмаган у ёки бу полвоннинг бир бор ҳарифидан йиқилгани учун *“Бу масканнинг суви энди менга ҳаром бўлди”*, - деб битта чопони билан уйдан чиқиб кетгани, узоқ муддат эл кўзига кўрина олмай юргани ҳақидаги нақллар кўп юради. Инсоний ориятни қаттиқ тутиш бизнинг аجدодларимиз ҳаётининг устунига айланган эдики, бу бугунги авлодга ибрат бўлмоғи даркор.

Ҳар бир босган қадами ибрат, мардлик намунаси бўлган куштигир табиатидаги инсоний гўзалликларни акс эттиришда Алишер Навоий *номуслиқ, ғайратлик, жигархор* сўзларининг маъно имкониятларидан моҳирона фойдаланган.

Кўнгил дастурхон эмас. Уни ҳар кимга ҳам очиб бўлмайди. Аммо ҳаётда ҳар бир соҳиби дилнинг ўз *“махрами рози”* бўлади: *“Аммо ҳеч навъ махфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурун бўлғай. Андоқки бу фақирнинг ҳам андин”* (110-б). Шу боис куштигир сирдош биродари Алишер Навоийга фарзанд доғи билан боғлиқ мунгли қиссасини ҳикоя қилган. Ва айна нуқтада Паҳлавон Муҳаммад ва Алишер Навоий қисматида уйғунлик бор.

Шавкат ҲАЙИТОВ,

БухДУ доценти, филология фанлари номзоди.

1 А.Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. Т.: Фан, 1999. 111-б. (Кейинги иқтибослар ҳам шу манбадан олинган ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилган.)

Маноқиб-ҳолот адабий жанр сифатида

Мумтоз адабий манбаларда тез-тез учрайдиган *маноқиб* атамаси мазмуни ва асл моҳиятини холис изоҳлаб, далиллаш масаласида назарий етишмовчилик сезилади.

Маноқиб (арабча *яхши сифат*, *гўзал хислат* сўзидан олинган) бирон кишига яхши сифат ва хислатлар, мақтовлар билан унинг мартабасини улуғлаб ёзилган рисола ва номалардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маноқибларнинг келиб чиқиши ва этимологик илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Миллий ва умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган комил ва фозил олим, шоир, ҳукмдор каби тарихий шахсларни махсус таҳаллус ёки унвон маноқиблари билан эъзозлаш жуда қадим замонларданоқ одат тусига кирган. Маноқибга хос хусусиятлар тазкираларда ҳам акс этган. Тазкираларда маноқиблар мумкин қадар ихчам, қисқа, аниқ ва лўнда ёритилади. Тазкиранинг бу хусусиятини Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961-1038 йиллар) «Йатимат ад-даҳр» («Замонасининг ягона дурдонаси») тазкираси мисолида кўра бўлади. Тазкирада X асрда яшаган 47 та бухоролик шоир ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан айрим намуналар келтирилган. Навоийга қадар яратилган адабий манбаларда маноқиблар жанр сифатида учрамаса ҳам, қатор асарларда инсон шахсининг айрим сифат ва хусусиятлари улуғланган ўринлар талайгина. Ана шу жиҳатлар тазкираларда, тарихий асарларда, насабномаларда учрайди. Улар маноқибнинг жанр сифатида шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган.

Демак, адабий маноқиблар мадҳиялар, тазкиралар, қиссалар, мақомотлар, тарихий асарлар, марсиялар таркибида ҳам учрайди.

Булардан ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. **Маноқиб-мадҳия**да муаллиф қаҳрамоннинг яхши сифат, гўзал хислат, эзгу фазилат, чиройли хосият, ибратли хусусиятларини мадҳ этади. Тантанаворлик, кўтаринки кайфият, шодлик, фахр-ифтихор туйғуларига йўғрилганлик, нисбатан баландпарвоз оҳанг ва шу кабилар бундай маноқибларга хос хусусиятлардир.

Навоийнинг Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер вафоти муносабати билан ёзган марсиялари бу жиҳатдан диққатга сазовордир.

Маноқиб - тазкира анъанавий таомилга биноан маноқиб-мақо-

лалардан тузилади. Гарчи барча тазкираларга мос келадиган тақий (парадигма), андоза (формула), қолип топиш мушкул бўлса-да, барча тазкиралар учун муайян даражада умумий хусусиятлар мавжуд. Бу борада Мақсуд Шайхзода (1908-1967 йиллар) «Тазкирачилик тарихидан» рисоласида қуйидаги назарий хулосаларни келтирган: *«Тазкирачи муаллифлар ўз асарларини турли белгилар ва қоидаларга риоя қилган ҳолда тузганлар. Мавжуд тазкираларда одатан маълум бир даврнинг ва маълум бир мамлакатнинг (кўпинча қатор ҳамсоя мамлакатларнинг) шоирлари ёки муайян тоифалари ҳақида гап боради. Ёзувчилар, одатда, бир белги остида туркумлашади. Сўнгра булардан ҳар бири борасида алоҳида маълумот берилади. Бу маълумотлардан ҳар бирини мақола ёки мақолача, тўғрироғи, фикра деса бўлади. Булардан бир хили уч-тўрт жумладан иборат кичкина хабарча ўхшаса, бошқа бир хиллари дурустгина муфассал тақриз ёки танқидий мақолани эслатади»*.¹

М.Шайхзоданинг бу мушоҳадалари тазкира тузилиши тамойиллари ҳақида мухтасар тасаввур ва тушунча беради. Тазкираларда тадқиқотчи тақдим этаётган андоза қаламга олинаётган қаҳрамонларга хос сифатлар, ижодининг айрим хусусиятлари акс этган. Мана шу жиҳат тазкира билан маноқиб жанрини бирлаштирувчи омил ҳисобланади.

Мавлоно адиб «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасидан еттинчи бўлиб муносиб жой олган Абдуллоҳ Муборак зикрида битган ёдномасида ёзади: *«Анинг маноқибии зикрин тилаган киши Ҳазрат Шайх Фаридиддин Аттор қуддисасоллоҳу сиррахунинг «Тазкират ул-авлиё»-сида таласунки, вофий (етарли даражада вафо этувчи) битилибдур»*.²

Тазкира - маноқибларнинг мажмуаси. Яъни у муайян зикрлардан иборат қилиб тузилади. **Зикр** эслаш, эслатиш, тилга олиш, ёднома демакдир. Бу тазкирага хос биринчи умумий хусусиятдир. Иккинчи хусусият шундан иборатки, ҳар қандай мажмуа-маноқиб ўзигагина хос белги ва хусусиятлар билан ажралиб турувчи тоифа зикрида берилади. Ана шунинг учун ҳам дебоचा - муқадди-мада у ёки бу тоифанинг умумий таърифу тавсифи умумлашган тарзда ифодаланади. Учинчидан, унвонга алоҳида диққат-этибор қаратилади. Тўртинчидан, касб-кор, ҳунар албатта қайд этилади. Тазкирага хос бешинчи хусусият шундан иборатки, маноқибларни таржимаи ҳол, арзи ҳол, руҳий ҳолат, ижтимоий аҳвол, иқтисодий аҳвол, маънавий аҳвол, маъруфий аҳвол (даража), номаи аҳвол, шарҳи ҳолсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Маноқибнавис ўзи тўплаган ушбу фактик материаллар асо-сида ижод этади. Қайси асос, маълумот ёки далилни танлаб олиш унинг ўз ихтиёрида. Қандай муносабатда бўлиб, қандай услубда, қай тарзда, қанчалик маҳорат билан ёритиши ҳам ма-ноқибнависнинг ўзига боғлиқ.

Маноқибшунослар назарий кузатувларига таянганлари сабабли шуни яхши биладиларки, ортиқча чўзилиб кетган маноқиб фазлу фазилат ҳисобланмайди. Даҳо сўз санъаткори Алишер Навоий ярат-ган маноқиблар инсоният заковатининг энг қадрли, ҳикматли дур-донасидир. Улар миллат ва жаҳон маънавий-маърифий хазинала-рини бойитган дуру гавҳардир. «Мажолис ун-нафоис» тазкираси XV аср Шарқ адабий муҳити ҳақида бой таассурот беради.

Навоийнинг 1491 йили тузган «Мажолис ун-нафоис» тазки-раси ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан биридир. Унда 459 та шоирнинг дилрабо ва дилкушо шеърӣ анжуманлари ёри-тилганлиги учун ҳам тазкира «Нафис мажлислар» деб номлан-ган. Тазкиранинг муқаддима қисмида шеър санъатига юксак баҳо берилади: «... араб фусаҳоси балоғат зеварлари била намойишлик ва фасохат гуҳарлари била оройишлик назм раъноларига жилва берурулар эрди ва даъво куси овозасин фалакка еткурурулар эрди. Ҳазрати малики алломнинг каломи мўъжиз низоми Жаброили хўжа-ста фаржом воситаси била хайр-ул аном алайҳиссаловату вас-салламга нозил бўлди. Бас, назм илми қойиллари ва шеър фани комиллариким дақойиқ дурри покининг баҳри уммони ва маоний лаъли оташнокининг кони бўла олғайлар, бас, шараф хайл ва азиз қавм бўлғайлар».³ Иқтибосда Аллоҳ Таоло каломи - Қуръони карим фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали Муҳаммад пай-гамбаримизга етказилганлиги ҳикоя қилинган. Бунга араб шо-ирларининг шеърӣ нола - муножотлари муболағали равишда то арши аълогача етиши сабабларидан бири сифатида тасвир-ланган. «Назм илми қойиллари ва шеър фани комиллари» (етук санъаткор нозим-шоирлар) нафосат, гўзаллик гавҳарларининг денгизи, латофат, эзгулик гавҳарларининг кони ҳамда шараф-ли ва азиз қавм бўла олишлари тараннум этилган. Шундан ке-либ чиққан ҳолда шоирларнинг исми-шарифлари, саховатли, гўзал сифатлари шарафларга муносиб эканлиги васф этилган. Мавлоно Ҳожа Қосим Анвордан то Лутфийгача, Мир Маҳдум-дан то Атоийгача, Вафойй Хоразмийдан то Ҳусайн Бойқарога-ча аҳли назм соҳибӣ истеъдодлари абадийлаштирилган.

Маноқиблар тизимида «Тарихи анбиё ва ҳукамо» рисоласи марказий аҳамият касб этади. Бунда *анбиё* - *набийлар, расулар, пайғамбарлар, ҳукамо* - эса луғавий маъносига кўра *ҳокимлар - ҳукм этувчилар* маъносида қўлланган.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари билан Навоий юксак маърифат, маънавият ва қадрият майдонига чиқди. У тўрт муқаддас китоб: «Таврот», «Забури», «Инжил», «Қуръони карим» ақидаларидан, ўз давригача ёзилган кўплаб «Тарихи набавий», «Қиссас ул-анбиё», «Қабул ахбор» асарларидан мукаммал ва муфассал билимдон эканлигини кўрсатди. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да Одам Ато Саййфуллоҳдан Муҳаммад Мустафо Расули Акрам (с.а.в)гача, Луқмони ҳакимдан Бузургмехргача, «Тарихи мулуку Ажам»да Искандар Зулқарнайндан бошлаб барча эроний шоҳлар тарихигача берган. Тасаввуф фалсафаси ва сўфийлик намояндалари ёритилган «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» ҳам бу асарга маънодошдир, мавзуй жиҳатдан «Тарихи анбиё ва ҳукамо» билан «Тарихи мулуки ажам» ўртасида боғловчи, тўлдирувчи асар вазифасини ўтайди.

Ҳолот адабий турини маноқибнинг айнан ўзи, деб фарз қилиш мумкин. Ҳолотнинг луғавий маъноси - *ҳол сўзининг кўплиги. Ҳол сўзи қуйидагича изоҳланади: ҳол - бир он, бир макон ва замондаги кайфият, шу пайтдаги жисмоний-руҳий ички ва ташқи кечинмалар, ҳис-туйғу сезгилари, ўй-хаёл, орзу-интилишлар мажмуи. Лаҳза сайин у аҳвол сари такомиллашиб боради. Адиб ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший ҳол-аҳволнинг тасвирланиши ҳасби ҳол* атамаси билан ифодаланади. Агар дард-армон, оғриқ-изтироб, мақсад-муддаолар қаламга олинса, *арзи ҳолга* айланади.

Навоийнинг маънавий-маърифий хазинасидаги «Хамсат ул-мутаххаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» адабий-илмий, таржимаи ҳол жанридаги асарлари маноқибнинг шоҳона дурдоналари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири алоҳида йирик мавзудир.

**Машхура РАҲМОНОВА,
АДУ аспиранти.**

¹ М.Шайхзода. Асарлар. 4-жилд. Т., 1996, 83-84-б.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. Т.: Фан, 2001. 15-б.

³ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 13-жилд. Т.: Фан, 1997. 7-б.



SO‘RAGAN EKANSIZ?

Савол: *Ўзбек тили ниҳоятда синонимларга бой тил. Шу билан бирга бу тилда кўп сўзлар омоним сифатида турлича коннотатив маъноларда қўлланади. Бу, айниқса, сифатга оид сўзларга тааллуқлидир. Шу ҳақда маълумот берсангиз.*

Вазн билдирувчи сифатларнинг коннотатив маънолари

Ўзбек тили синонимларга ниҳоятда бой тилдир. Синонимик қатордаги сўзларнинг маъно нозикликларини англатиш ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақолада биз вазн билдирувчи сифатларнинг синонимик қаторлари ҳақида сўз юритамиз. Вазн билдирувчи сифатлар нарсаси-буюмининг оғирлик ёки енгиллик белгисини ифодалайди.¹ Бундай сифатлар бошқа турдаги сифатларга нисбатан анча оз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан тўпланган мисоллар таҳлилига кўра, улар 12тани ташкил этади. Ушбу сифатлардан айримларининг маънолари ва гапдаги вазифалари қуйидагичадир:

1. Дастлаб вазн сифатларидан бири — **оғир** сўзи маъноларини кузатайлик. Бу сўз авваламбор *вазни меъёрдан юқори бўлган, тош босадиган, вазнли* маъносини англатади.² *У вазмин, зилдек, зилзамбил, залворли* сўзлари билан ўзаро синонимик қаторни ташкил этиб, *оғирликка эга, енгилнинг акси* маъносини беради³: *Шу тариқа улар Жанд шаҳрида бир лаҳза бўлса ҳам тўхтамай, оғир юкларни отларга ортиб Чордор даштига қадам қўйишди* (М.Т.). Кўчма маънода бу сўз *қийин, машаққатли, сермашаққат* каби белги-хусусият маъносини беради: *Энг оғир кунларда инсон бир лаҳза ҳам саодатли дамларни эслайди* (М.).

Оғир сўзи, шунингдек қуйидаги маъноларда ҳам қўлланади:

1. *Салмоқли, салобатли* маъносида: **Оғир** қадами, шўх бўғиқ қулгуси қулоғининг тагида эшитилди (С.А.). 2. *Ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган, жиддий хавф* маъносида келиши мумкин: *Мушук оғир аҳволда қолди* (Н.Н.). *Мамлакат қудратига*

путур етказиш **оғир** гуноҳ, хоинликдир (М.). 3. Мураккаб, мушкул сўзларига синоним тарзида: *Уч ойга чўзилган **оғир**, қонли жангдан сўнг Муҳаммад Хоразмишохнинг Сайхун бўйидаги энг катта шаҳарларидан бири Ўтрор енгилди (М.).*

4. Машаққатли, уқубатли, азобли маъносида: *Инсон бошига **оғир** мусибат тушиб, ғам билан эзилган кунларда унинг ёдига шодуман онлари келади (М.).* 5. Қаттиқ жазоланишни талаб қиладиган ҳолат маъносида: *Жинойтимиз ғоят **оғир**, ҳар қандай жазога лойиқмиз (Х.Т.).*

6. Ҳаддан зиёд, киши бардош беролмайдиган белги маъносида: *Чорриқдарон жангида хўжандликлар енгилиб, орқага чекиниш жуда **оғир** алам эди (Т.М.).*

7. Кучли таъсир қиладиган қийин, дардли маъносида: *Хона зах, ҳавоси **оғир**, ерга эски, аммо тоза наमत ташланган эди (Ё.Ҳ.).*

8. Қаттиқ тегадиган, кўнгилсиз гап маъносида: *Сирли иш бўлма-са, бундай **оғир** гаплар нега тилга қалқиб чиқди экан (М.).*

Сўзлашув нутқида бу лексема **оғироёқ** қўшма оти таркибида келиб, ҳомиладорлик маъносини англатади: *Сан энди ўзингни ўйла, **оғироёқсан**. Оч-наҳор юрма, **оғир** юк кўтарма! (Н.Н.).* Сўзлашув нутқида **оғирбўй** лексемаси **оғироёқ** сўзига синоним тарзида ишлатилади: *Озодахон **оғирбўй** бўлишига қарамай, югуриб-елиб чой дамлади. (Ф.Н.).* Ҳолат даражасининг меъёридан ортиқлигини ифодалаши ҳам мумкин: *Мен **оғир** касалман. Касалман-касалман, халос этинг, халос этинг, ҳайҳот! (А.К.).* Сиз эса она, олтин бешигини **оғир** кунларда ташлаб кетгувчи (О.М.).

Оғир лексемаси, шунингдек, қуйидаги маъноларни ҳам ифодалайди: 1. Ҳал қилиниши қийин бўлган масала: *Буни ҳал этиш, жуда **оғир** масала! (Н.Н.).* 2. Инсонга нохуш таъсир этадиган ҳаво белгиси: *Бу хонадаги **оғир** ҳаво менга ёмон таъсир кўрсатди (Н.Н.).* 3. Кўчма маънода нохуш вазият, юзага келган ёқимсиз ҳолат маъноларини беради.

4. Салбий таъсир кўрсатадиган, ёқмайдиган белги маъносини билдиришга ҳам хизмат қилади: *Одам овози **оғир** бўлади, зилдай **оғир** бўлади (Т.М.).*

5. Ушбу сўз, шунингдек, ҳаракат белгисини билдиришда ҳам ишлатилиши мумкин. Бунда **оғир** лексемаси адвербиализация ҳодисасига учраб, равиш вазифасида келади ва у ҳаракат-ҳолатнинг қийин, мушкул тарзда амалга оширилишини англатади: *Аммо мана шу рўйи-ростлик Лола учун **оғир** кечарди (Н.Н.).* 6. Бу

лексемани такрорлаб қўллаш орқали тасвирланаётган объектга субъектив муносабат ифодаланади⁴: *От ғарқ терга ботди, **оғир-оғир** нафас олди* (Т.М.).

Оғир сўзи такрорий шаклда ишлатилганда коннотатив маъно янада кучайтириб ифодаланади. Зеро, бадий тил воситаларидан бири бўлган такрордан бадий усул сифатида фойдаланиш, товуш, сўз бирикмаларини қайтариш матн тилининг экспрессивлигини орттиради: **Оғир-оғир** тошлар гурс-гурс юмалайди (Т.М.).

Фразеологик бирликларда коннотация кучли бўлиб, унинг таркибидаги ҳар бир лексик бирликни денотатив маъно қирралари нутқий вазиятга қараб коннотатив маънога ишора этади, фразеологизм таркибидаги лексемалардан бири доминант маънога эга бўлади. Фраземанинг умумий бутунлигидан англашилдиган маъно ҳам шу доминант маъно пойдеворида майдонга келади. Масалан, *кўнглига оғир ботмоқ*, *ўзига оғир олмоқ* каби фразеологик бирикмаларда *кўнгли* лексемаси шу бутунлик ичида доминант маъно касб этган. Фразеологизм таркибидаги *оғир ботмоқ*, *оғир олмоқ* лексемалари денотатив маъно қирралари билан коннотатив маънони ҳосил қилган. Бу лексик бирлик *арзимаган нарсага хафа бўлмоқ*, *ўзига таҳқир деб тушунмоқ* маъносини беради⁵: *Мендан зўр бўлгин, қандай сиёсат қилиб гапирсанг ҳам мен кўнглимга **оғир** олмайман* (А). **Оғир** сўзи шунингдек, фразеологик бирикма таркибида келиб, *ўзини тутадиган, сипо оладиган, вазмин* маъносида ишлатилиши ҳам мумкин: *Энам **оғир карвон**, майиздек аёл эди* (Т.С.). *Ғанининг шўхликлари босилиб, анча **вазмин** бўлиб қолди* (С.З.). Бу лексема *вазмин* сўзи билан жуфтлик ҳосил қилиб юқорида зикр этилган маънони ифодалайди: *У **оғир-вазмин** одам бўлганлиги учун ҳам сизга гапирмади* (С.А.).

II. **Вазмин** сўзи оғир вазнли предмет белгисини билдиради⁶: **Вазмин** тўпларга қулоқ солди (О.). Бу сўз, шунингдек, яна қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Катта куч талаб қиладиган машаққат: **Вазмин** иш олиб борсангиз, салмоғи яхши бўлади (М.).

2. Салобатли, бир маромда содир бўладиган: *Хиёлдан сўнг ҳовлида **вазмин** қадам товушлари эшитила бошлади* (Н.Н.). *Кейин сайрга таклиф этди ва икковлон **вазмин** суҳбат қуриб кетдилар* (О.М.).

3. Ҳаракатнинг маълум оғирлик билан бажарилганлигини: *Сада Мирзаевна **вазмин** ўрнидан турди (Н.Қ.). Теша **вазмин** ўрнига чўқаркан: Сен ўзи қанақа нодон хотинсан! — деди (Н.Қ.).*

4. Ҳаракат белгисини ифодалаб, сокин, босиқлик билан ҳаракатланувчи маъносини билдиради: *Рўзгор — **вазмин** оқар дарё, бир қўл тум ичсанг тўясан (О.М.). 5. Ўйлаб гапирилган ақлли фикр маъносини ҳам англатиши мумкин: Адашган ҳисларим мулзам, ярали, энди сўзларим ҳам ундовсиз, **вазмин** (О.М.).*

III. **Зил** сўзи предметнинг ердан узиб бўлмайдиган даражада оғир белгиси маъносини ифодалайди⁷: *Ё сукут исмли юлдуздан бир **зил** тош тушган тилингга (О.М.). Тутқазди, кўтар деб, катта-кон замбил, бирдан киприги ҳам **зил** (А.Қ.). Кўчма маънода ушбу сўз сифат сингари оғир, хомуш, ғамгин, маъюс каби коннотатив маъноларни англатади:*

*Ўғил ваҳший ишшайди, шодон, қарашлари харсангдай **зил** (А.Қ.).*

Сўзларнинг кўчма маънолари белги, ҳаракат ва ҳолат каби-ларни яна шундай белги ҳаракат, ҳолат кабиларга кўчириш орқали ҳосил бўлади⁸. Бундай кўчма маъноларда бош сема етакчи ўрин тутади. Ҳосила маъно бош маънога тобе бўлади. **Зил** сўзининг бош маъноси, яъни **оғир** маъноси кўчма маъноларга асос бўлади. Ушбу сўзнинг ҳосила маъноларида ҳиссий-экспрессивлик маъно оттенкаси кучлидир: *Балки бирон **оғир**, **зил** муаммони Ватан тақдирдан йўқ қилмоқ учун... (О.М.). О, фалак, **зил** ғазабинг елкамни шилди-ку (А.Қ.). Томоғимда, юрак йўлида **зил** парда қилтираб силкинди. Ўйладим нафасимдир, балки.*

Зил сўзи, шунингдек, *замбил* лексемаси билан жуфтлашиб, қолиплашиб, ўзи боғланган сўз белгисининг меъёрдан анча ортиқлигини билдиради: *Гўё елкасидаги **зил-замбил** юкдан халос бўлгандай қиз қаддини мағрур ростлаб турарди (Ё.).* Бу мисолда дилгирлик, хомушлик ҳолати **зил** сўзи ёрдамида берилган. Кўчма маънода қўлланган **зил** сўзи кишига оғир ботадиган сўз, ҳаракат маъносини ифодалайди: *Ҳазил — ҳазилнинг таги **зил**.*

IV. **Залворли** сўзи *вазн* — оғирлик маъносини билдирувчи сўздир. Бу лексема юқорида таҳлил этилган оғир, *вазмин* сўзларининг синонимидир⁹. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзга *салмоқли оғирликка, кучга эга бўлган* деб изоҳ берилади¹⁰. Ушбу сифат *залвор* отига сифат ясовчи *-ли* аффикси қўшилиши орқали ясалган. *-ли* аффикси сўз ўзагидан англашилган маънога эгалик ёхуд ўша маъноли нарса, ҳодиса мавжудлигини билдиради¹¹:

Юрганда оғир, **залворли** қўллари икки томонга силкитиб, лапанглаб юради (Т.И.). Бир-икки сония ўтмай, унинг **залворли** қўли менга келиб тушиди. (О.Ё.). Бу сўз тасвирий эпитет сифатида предмет белгисини кучайтириш учун ҳам қўлланади: *Давр олға босар келажак томон, муҳташам иморат кўтаряпмиз **залворли** қадамлар остида баъзан* (О.М.).

V. **Енгил** сўзи вазн сифати бўлиб, оғирлиги, вазни кам хусусият маъносини билдиради¹²: *Йўлчи **енгил** эшикчани очиб кўрди* (О.). **Енгил** полисемантик сўздир. Унинг барча семалари маъно оттенкаларига дифференциация бўлади¹³: *Шу иссиқ саратон кунларининг бирида эрта билан Ҳафиза **енгил** чамадон билан Тошкентга кириб келди* (М.).

Енгил сўзи, шунингдек, қуйидаги маъноларни ҳам англатади: 1. *Осон, ўнғай* сўзлари билан синонимик муносабатга киришиб, *қилиш, тушуниш, ўрганиш учун содда, қийиннинг акси* маъносини¹⁴: *Яхшиси, сизларга **енгил** иш берайлик* (С.А.). Бу маъносидан ташқари, қуйидаги коннотатив маъноларни ҳам ифодалайди:

2. *Овқат* сўзи билан қўлланиб, *тез ҳазм бўладиган, оқсил ва ёғ моддалари кам овқат* маъносини беради: *Беморга **енгил** овқат беринг* (Ў.Ҳ.). 3. *Қалин ва иссиқ бўлмаган кийим* белгисини билдиради: *Жуда **енгил** кийим кийибсиз-да, тўра* (М.). 4. *Кучсиз, бўш, зўр эмас* маъносида ишлатади: *Биринчи босқич — **енгил** кўнгил айланиши сариқ касаллигининг бошланғич формаси* (С.А.). *Вой-бу, яна 10 минут бор-а, — деди **енгил** кулгу билан* (А.Қ.).

5. *Ҳеч қандай қийинчиликсиз* маъносини ифодалайди: ***Енгил** қадамида оловлар чақнаб* (А.О.). 6. *Мулоҳазасиз, енгилтак* маъносини ифодалаган **енгил** сўзи салбий эмоционал бўёққа эга бўлади: *Маликам, **енгил** бўлманг, сиз кетадиган бўлсангиз, менга ҳам бу дунёда қолишнинг нима ҳождати бор* (М.Н.).

Енгил сўзи фразеологик бирикма таркибида иштирок этиб, ўз маъносига боғлиқ равишда *енгилтак, танноз* каби маъноларни англатади: *Сал тупроғи **енгил** одамдан эл озмунча кўрмасми гамлар* (О.М.).

Енгил сўзи контекстда кўп ҳолларда ҳаракат белгисини англатишда қўлланади: 1. *Феълга эргашиб келган **енгил** сўзи ҳаракатнинг тез, осон* бажарилганлигини билдиради: *Қиррабурун, бургуткўз Шомурод Куристоний от устига захча қўнгандай **енгил** кўнарни* (М.). *Ишининг анча осон* кўчганидан мамнун бўлган Туркон

хотун билан Низом ал-Мулк ўзларини **енгил** ҳис этишди (М.).

2. -гина юкламасини олган **енгил** сўзига кичрайтириш-эркалаш субъектив маъноси юкланади. Ушбу аффикс қўшилган сўзнинг эмоционал-экспрессивлигини орттиришда гапнинг умумий руҳи, контекстнинг ҳам роли бўлади. -гина юкламаси лексик маъносига кўра *кичиклик*, *нозиклик* маъноларини англатадиган сўзларга қўшилади¹⁻⁵: *Қизнинг устини **енгилгина** ёпиб қўйди* (Н.Н.). *Бу ишни ўз бошидаги рўмолни тўғрилагандай **енгилгина**, жўнгина тўғрилади* (Н.Қ.).

3. **Енгил** сўзи асл маъносига боғлиқ равишда бўлмоқ феълига боғланиб, ибора ясаиди. *Енгил бўлмоқ* бирикмаси *бирор нарсага юзаки муносабатда бўлмоқ, ҳаддан зиёд эркалик қилмоқ* маъноларида ишлатилади: **Енгил бўлманг** (М.).

Демак, ўзбек тилидаги вазн сифатлари кўчма маънода ишлатилиши ва қўшимча коннотатив маъно оттенкасини юклашига кўра фаол ҳисобланади. Чунончи, **огир, вазмин, зил, залворли, енгил** каби лексемалар уч-тўрт маънода қўлланилиши мумкин. Бу сўзлар такрорий шаклда қўлланилиб, белгини кучайтириш, таъкидлаш орқали асар тили экспрессивлигининг ошишига сабаб бўлади. Ушбу сўзларнинг фразеологик бирикма таркибида ўзининг денотатив маъно қирралари билан коннотатив маъноларни ҳосил қилиши кузатилади. Вазн семали лексемалар шеърятда эпитет вазифасида кенг қўлланиб, матндаги эмоционаллик, образлиликни кучайтиради. Ўз маъносида ишлатилганда, тасвирий, лиро-эпик эпитет функциясида келади. Вазнни билдирувчи сўзлар ҳаракат-ҳолатнинг ҳам белгисини билдириши мумкин.

Шунингдек, вазн-ўлчов сифатлари нафақат отга боғланиб предмет белгисини, балки феълга боғланиб ҳаракат белгисини ҳам билдириш имкониятига эга. Шу билан бирга, ушбу сифатлар кенг услубий имкониятга эга лексема сифатида бадиий асарларда семантик-стилистик восита ўлароқ фаол қўлланади.

Зулфия МАМАРАЖАБОВА,
ТДПУ ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

1 М.Содиқова. Ҳозирги ўзбек тилида сифатлар. Т.: Фан, 1976. 50-6.

2 ЎТИЛ. 1-ж. Москва, 1980, 562-6.

3 А.Ҳожиев. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Т.: Фан, 1974. 162-6.

4 Р.Қўнғуров. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т.: Фан, 1983. 128-6.

5 ЎТИЛ. 1-ж. 562-6.

6 ЎТИЛ. 1-ж. 171-6.

7 ЎТИЛ. 2-ж. 305-б.

8 М.Миртожиев. Ўзбек тилида полисемия. Т.: Фан, 1975. 52-б.

9 М.Миртожиев. Ўзбек тилида синонимларнинг изоҳли луғати. 162-б.

10 ЎТИЛ. 1-ж. 296-б.

11 М.Содиқова. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. 13-б.

12 ЎТИЛ. 1-ж. 247-б.

13 М.Миртожиев. Ўзбек тилида полисемия. 111-б.

14 А.Ҳожиев. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. 128-б.

15 Р.Қўнгулов. Субъектив баҳо формаларининг семантик-стилистик хусусиятлари. Т.: Фан, 1980. 103-б.

Савол: *Ҳозирги кунда адабиётимиздан тарихий асарлар жуда катта ўрин олган. Асарлардаги тарихий ҳақиқатнинг қанчалик бадий талқин этилгани тўғрисидаги маълумот берсангиз.*

Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жинкўчалари» асарида тарихий ҳақиқат ва бадий талқин

Маълумки, XX асрнинг 50-60-йиллари ижтимоий-сиёсий, маънавий ва адабий ҳаёт манзараси жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки бу йилларга келиб мамлакат ҳаётида, моддий ва маънавий турмушда жиддий ўзгаришлар бўлди. Булар сталинизмнинг кулаши, 50-йилларнинг ўрталарига келиб шахсга сиғинишнинг аёвсиз қораланиши билан боғлиқдир. Бу йилларда маълум маънода демократия ва ижтимоий адолат қарор топиши учун йўл очила борди, эркин ижодий фикрлашга ҳамда ҳақиқатни ифодалашга бирмунча имкон яратилди.

Шу билан бирга, бу даврда ижтимоий ҳаётда дабдабабозлик, мақтанчоқлик, кўзбўямачилик каби иллатлар куртак ота бошлади. Жамиятдаги ўзгаришлар маълум даражада адабий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Ниҳоят, 80-йилларга келиб жадидчилик ва унинг қатағонларига муносабат ҳам бирмунча ўзгарди. «Бу давр адабиётида инсонпарварлик руҳи кучайди, ундаги шахс концепцияси хийла чуқурлашди, бойиди. Насризмиздаги шаклий-услубий изланишлар кўзга янада яққолроқ ташланди».¹

Ижодкорларимизнинг бир қатор насрий асарларида жадид қаҳрамони қайта жонланди. Жадидчилик ғоясига эътибор берилла бошланди.

Ана шундай асарлардан бири Асқад Мухторнинг «Бухоро-

нинг жинкўчалари» қиссасидир. Ушбу асар атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаевга бағишланган. Файзулла Хўжаев XX асрда ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти ва маънавиятига сезиларли таъсир этган шахсдир. У тарихимизнинг ўта мураккаб ва зиддиятли, чигал бир даврида фаолият кўрсатди, фожиали ҳаётий йўлни босиб ўтди. Миллатпарвар сифатида у жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан бири бўлди. Ёзувчи қиссада бу ажойиб инсоннинг ҳаёт йўли, миллатнинг кўзини очиш учун қилган ҳаракатларини ёритишни мақсад қилиб олганлигига қарамай, бу қиссани тарихий-биографик асар деб бўлмайди.

Маълумки, Файзулла Хўжаев — фавкулудда шахс. У бухоролик миллионер савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжаевнинг оиласида дунёга келган. Убайдуллахўжа амирлик тузумининг таянчларидан бири бўлган. «Убайдуллахўжанинг олтини туфайли Бухоро ақчасининг мағзи бут бўлиб, бошқа подшоларники сингари, пуч қоғоз эмас» эди.²

«Бухоронинг жинкўчалари» қиссаси тасвирланган давр, унда иштирок этувчи тарихий шахслар нуқтаи назаридан ҳамда кўплаб тарихий факт ва ҳужжатларга, хотираларга асосланганлиги билан тарихий асар талабларига жавоб бера олади.

Файзулла Хўжаевни 11 ёшида отаси Москвага ўқишга юборди ва у (1907-1914 йиллар) рус муаллимлари қўлида ўқийди. Етти йил давомида рус халқининг ҳаёти билан танишади. Файзулла Хўжаевга отасидан жуда катта бойлик қолган эди. Аммо 16 ёшли Файзулла бойлик ва фароғатдан воз кечиб, ўзини миллат, ватан йўлидаги изтироблар, машаққатлар, хавф-хатарлар қуюнига отади. У ўз даврининг тараққийпарвар оқими ҳисобланган жадидчилик ҳаракатига қўшилади, Россияда ўқиган, кўрган ва билган илғор ғояларини она юрти Бухорода тарғиб эта бошлайди. Бухорода ўқиш, ўқитиш тизими, маориф ва маданият ишлари ўта қолоқлигини танқид қилади. Ундаги фаоллик давр таъсирида шаклланиб, ривожланиб боради.

Файзулла Хўжаев Москвадан Бухорога қайтгач, бу ердаги зулматли ҳаёт билан юзма-юз келади ва шундай дейди: *«Йиллар ўтиб кетибдир, аммо ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Ўша-ўша бадбўй қушхонаю емхоналар, мудҳиш хасталиклар манбаи бўлмиш қуртли обреза каллапазликлар, ҳовузларда, зовурларда ўша-ўша жарсунал-амалмикроблар яшаб, урчиб турибдир, ҳар хонадонда бедаво дардга чалинган бева-бечораю етим-есирлар Худодан ўлим тилаб ётибдир»*.³

Бундай даҳшатли аҳволни кўрган Файзулла ўз юртини, халқини бахтиёр қилишга ҳаракат қилади. Ана шундай «тарихий жараёнда шахс характерининг шаклланиши» (А.Толстой)ни кўрсатиш орқали адиб тарихий давр ва жамиятнинг моҳиятини очиб беришга интилади. Маълумки, тарихий прозада воқеалар, шароитлар, маиший деталлар тасвирида жуда юксак аниқлик ва ҳақиқат керак.⁴ Қиссадаги воқеалар билан тарихий факт, материалларни қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, ёзувчи Ф.Хўжаев образини яратишда бирмунча иккиланган. Уни жадид сифатида ёки инқилобий ҳаракат қаҳрамони қилиб рўй-рост кўрсатишга дастлаб ботина олмаган.

Асқар Мухторни ёзувчи сифатида, биринчи навбатда, Файзулла Хўжаевнинг мураккаб ҳаёти қизиқтиради. Ёзувчи ёш Файзулланинг ҳаёт йўлини бадиий акс эттирар экан, унинг шахс сифатида шаклланиши осон кечмаганини кўрсатишга ҳаракат қилади. Лекин ёзувчининг асаридан кутган бадиий ният яқин ўтмиш лавҳаларини китобхон кўз ўнгида қайта тирилтиришгина эмас, балки ўша воқеалар талқинида шу кун кишиларига таъсир этиб, уларнинг қалбини эзгулик ва адолат ҳислари билан суғориш, юксак эътиқод йўлида курашиш олий саодати эканини уқтиришдир.⁵

Файзулла Хўжаев ҳам, бошқа жадидлар каби, Европа маданиятига қизиқиб қолади. У тоғасининг уйида Шумилов билан бўлган суҳбатда шундай дейди: *«Бизга сизнинг инқилобингиз керак эмас.... Бизга сизнинг маданиятингиз керак»* (128). Ёш Файзуллада Европа маданиятини жорий қилиш иштиёқи кучли бўлади. У шу йўл билан Бухоро халқининг аҳволини ўзгартириш, ҳаётини яхшилаш мумкин, деб ўйлайди.

Файзулла Хўжаев Бухородаги маърифатпарварлик ва жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан, феодал амирлик тузумига қарши курашувчиларнинг раҳбарларидан бири эди. Ёзувчи беғубор болалик билан хайрлашаётган ўсмирни тасвирлар экан, уни жамоат ишига садоқат билан қаровчи, қалби пок, иродаси мустаҳкам, ростгўй, талабчан, сиёсий ҳушёр, доно ва нотик арбоб сифатида тасвирлайди.

У ўз юртини, халқини бахтиёр кўришга ҳаракат қилади. Шу боис рубъи маскун*нинг бутун ошубу ғавғоси унинг бошига тушади, она юрт ташвиши, мазлум халқ ташвиши унинг юрак дардига айланади.⁶

Адиб худди шундай воқеалар билан ёш қаҳрамонни маҳаллий ҳаётнинг ичкарироғига олиб киради, маънавий ботқоқликда кун кечираётган Бухоро уламолари билан тўқнаштиради. Ф.Хўжаев биринчилардан бўлиб Бухоро жаидлари билан Туркистон жаидлари ўртасидаги фарқни тўғри кўрсатган. Адиб ўз қаҳрамонини Бухоро зиёлилари ҳаётининг муҳим бир жабҳаси - жаидчилик сари бошлайди. Файзулла ана шундай изланишлар натижасида жаидлар ташкилотига кириб келади.

Маълумки, тарихий асар муаллифи тарихий воқеаларга муносабат билдирар экан, унга эҳтиёткорлик билан ёндошиши, объектив муносабатда бўлиши, бир томонлама талқинлардан сақланиши лозим. «Бухоронинг жинкўчалари» қиссаси турғунлик йилларида ёзилган бўлиб, ёзувчи асарда жаидчилик ҳаракатини имкон даражасида замон билан боғлиқ тарзда тасвирлайди. Жаидчилик йўли маорифчилик шаклида зуҳр бўлгани Бухоролик зиёлиларнинг эрк йўлидаги ҳаракатлари самарасидир. Бу ҳақда турк олими, ушбу воқеалар иштирокчиси Заки Валиди Тўғон ўз хотираларида бундай деб ёзади: «1910 йилда Бухорода мударрис Ҳожи Рафи, Мирза Абдувоҳид, Ҳамидхўжа Мехри, Аҳмаджон кабилар «Тарбияти атфол» жамияти курдилар. Бу жамият Истанбулда бир шўъба очароқ 1911 йилда ўн беш, 1912 йилда ўттиз талабани юборади. Бу шўъба Бухорода «Таълими маориф жамият» отила расмий бир жамият шаклини олди. 1910 йилда Эрон йўлийла Истанбулга келган шоир Фитрат, Муқимиддин ва Русия йўлийла келган Усмонхўжа, ғулжалик Абдулазиз, Содик Амур ўғли бу жамиятнинг қурувчилари эдилар».⁷

Файзулла Хўжаев танлаган йўл жаидчиликнинг бир оқими эди. Ёзувчи бунга яхши англаган, фақат замонасозлик қилиб ўз қаҳрамони ва ўзини эҳтиётлаган. Шунингдек, ёзувчи тарихий воқеаларга баҳо беришда давр ҳукмрон мафкурасидан келиб чиқиб, ватан ва миллат манфаатларини, гуманистик ғояларни тарғиб этолмаган.

А.Мухтор Бухоро зиёлилари ва маърифатпарварларини икки гуруҳга бўлиб тасвирлайди. Биринчиси, қадимия - эски диний ўқиш ва ўқитиш тарафдорлари, иккинчиси - илғор зиёлилар ва маърифатпарварлардир. Улар усули жаид тарафдорлари эдилар. Файзулла иккинчи гуруҳ вакили сифатида ўзининг олдида қўйилган вазифани жуда тез англайди. Ўзи қатнашаётган даврнинг учинчи йиғинидаёқ: *«Жарсуман ажални дафъ қилмоқ учун*

ҳақиқий микробларни, яъни масалан, жоҳил уламою талончи амир-амалдорларни йўқ қилиш зарур. Бизим душманимиз - инсон қиёфа-сидаги ана шу микроблардур», - дейди. (109-б)

Бухорои шарифни озод ва обод кўрмоқ истаган жадидлар ҳаракатига бош қўшиб, кейинчалик сўл жадидчиликнинг давоми бўлган «Ёш бухороликлар» партияси сафида фаолият кўрсатган Файзулла Хўжаев марксча инқилобий ғоялардан йироқ эди.

Ёзувчи ушбу асарда адабиётшунос, драматург ва адиб Фитрат ҳақида ҳам маълумот берар экан, унинг Истанбулда чоп этирилган «Мунозара» номли асари Бухоро ёшларига, кейинчалик бутун Туркистонга тарқалганлигини қайд этади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, қиссада давр тақозосига кўра Бухоро жадидлари фаолияти бирёклама акс этирилган.

Умуман, Асқад Мухтор «Бухоронинг жинкўчалари» қиссасида Туркистон озодлиги йўлида жон фидо қилган шахснинг икки йиллик ҳаёти асосида Файзулла Хўжаевнинг ҳақиқат излаш йўллари бадий акс этирилган.

Асар қаҳрамони Файзулла Хўжаев маънавий инқироздан қутулиш йўллари Бухоронинг жинкўчаларидан қидира бошлаб, сўнг бу кўчалардан ҳақиқатнинг катта йўлига қадам ташлайди.

Асқад Мухторнинг мазкур асари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Асар ҳозирги ва келгуси авлодларнинг Ватан, Миллат, Озодлик каби туйғуларни англашида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

**Абдусамад ТҶҲИЕВ,
ЎзМУ докторанти.**

1 Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1999. 62-б.

2 О.Шарафиддинов. Гўзаллик излаб. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 127-б.

3 А.Мухтор. Бухоронинг жинкўчалари. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 123-б. Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинб, қавс ичида бети кўрсатилган.

4 Г.Серебрякова. Странствия по минувшем. М.: Советский писатель, 1974. С. 10.

5 Ҳ.Болтабоев. Наср ва Услуб. Т.: Фан, 1992. 67-68-б.

* Рубъи маскун - ер юзининг инсон яшайдиган қисми.

6 О.Шарафиддинов. Гўзаллик излаб. Ўша нашр, 129-б.

7 З.Тўғон Валиди. Бутунги Турк эли Туркистон ва яқин тарихи. Истанбул, 1986, 347-б.



2006-YIL — HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

«Бобурнома»даги тиббий атамалар

Жорий йил Республика Президенти томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб сифатланди. *Ҳомий* ва *шифокор* лексемалари, бир қараганда, алоҳида фарқли тушунчага эга сўзлардек туюлса-да, улар ўртасида мантиқий муштараклик мавжуд. Ҳомийлар шахсни моддий жиҳатдан рағбатлантиришса, шифокорлар инсоннинг сиҳат-саломатлигини таъминлайдилар.

Ҳомийлик шарқ халқлари тарихида қадим даврлардан амалга оширилиб келаётган хайрли фаолият ҳисобланади. Гарчи *ҳомийлик* деб номланмаган бўлса ҳам, моҳият эътибори жиҳатидан шу тушунчага мос келадиган фаолиятни кўплаб кузатиш мумкин. XV асрда Хуросон ҳукмдорлари Абулқосим Бобур Ҳусайн Бойқаро замонида дин, маърифат, ижод аҳлларига кўрсатилган моддий ва маънавий ёрдамнинг ўзиёқ ҳомийликнинг шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз тарихи мавжудлигини кўрсатади. Шу даврда яшаб ижод этган ҳазрат Алишер Навоий ҳамда унинг маслакдошлари ҳомийлигида масжид, хонақолар қурдирилгани, сувсиз жойларни обод қилиш мақсадида ариқлар қаздирилгани, бева-бечораларга озиқ-овқат, кийим-кечаклар тарқатилгани Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий сингари тарихчи-адабиётшунослар асарларидан маълум. Шу даврларда яратилган мумтоз ёзма ёдгорликлар тилида ҳам ҳукмдорларнинг ҳомийлиги, халқнинг муайян даврдаги дунёқараши ўз ифодасини топган. «Бобурнома» ана шундай қомусий манбалардан биридир.

«Бобурнома»да Алишер Навоийнинг маърифат, ижод аҳлларига ҳомийлиги қуйидагича таърифланади: *«Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий (ҳомий) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда даромад (маишхур) эдилар, бекнинг тарбият ва тақвият (кўмак)и била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг сабй- (ғайрат) ва эҳтимом (ҳиммат)и билан мундоқ маишхур ва маъруф-*

(маълум) бўлдилар». Тарихчи Мирхонд, шеършунос Атоуллоҳ Ҳусайний, қомусий билим соҳиби Ҳусайн Воиз Кошифий каби ўнлаб истеъдодларнинг бевосита Алишер Навоий тарбиясида вояга етгани ҳақидаги маълумотлар Бобурнинг таърифи ҳақиқат эканлигидан далолат беради.

Кўринадики, бугунги кунда амалга оширилаётган ҳомийлик тадбирларини аждодларимизнинг хайрли ишларининг давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Шифокорлар соҳаси бўлган табобат илми шарқда қадимдан тараққий этган. Тиб илми, унинг тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари илмий асосда таҳлил қилинган¹. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” мажмуи ва тиббий йўриқномалари ҳозирги замон медицинаси учун ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмдор сифатида тиббиётга, табибларга алоҳида эътибор билан қараган. Бу ҳолат даставвал жисмоний эҳтиёж туфайли, қолаверса, ҳукмдорнинг истеъдодли шахсларга давлат арбоби сифатидаги муносабатидан келиб чиқади. Бобур машҳур табибларни саройга чорлатади. “Бобурнома”да “мусаввиди авроқ”(номаълум котиб) тилидан айтилган шундай жумлалар бор: *“Мавлоно Юсуфи(й) табибким, ани Ҳуросондин тилатиб эрдилар, набз (томир) кўрмағ(дўн) ва ташхис қилмағ анинг иши эрди”* (461).² Бобур Юсуфий (ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал Ҳиравий) билан Афғонистонда танишади. Ҳиндистонни эгаллагач, хат йўллаб Юсуфийни чақириб олади. Кейинчалик Бобурнинг шахсий табибига айланган, табобат, одоб-ахлоқ, иншо саънатига оид 21та асар ёзган Юсуфий 1530 йилда Бобур хасталанганда унга атаб “Қасида дар ҳифзи сихҳат” (Соғлиқни сақлаш ҳақида қасида) рисоласини ёзган. Бобур вафот этаётганида ҳам Юсуфий унинг бошида турган.³ Бобурнинг тиббиётга муносабатида, унинг тиббий билимга эга бўлишида Юсуфий каби табиблар билан мулоқоти муҳим аҳамият касб этган.

«Бобурнома»да табибларнинг фаолияти, даволаш усуллари ҳақида фикр юритилади. Жумладан, оёғидаги ўқ ярасини даволаган табиб ҳақида Бобур шундай ёзади: *«Ярамни боққали Атика бахши отлиқ мўғул жарроҳини йиборибтурлар. Мўғул эли жарроҳни ҳам бахши дер. Жарроҳликта бисёр ҳазик эди. Кишининг мағзи чиқса, дору берур эди. Илдиздин ҳар турлук яра бўлса эди, осон муоалажа қилур эди. Баъзи жароҳатқа малҳамдек дору қўяр*

эди, баъзи яраға дору берар эди» (166). Бобур Атика табибнинг синган, майдаланиб кетган суяклар ўрнига дорини ун қилиб солиб, яна ўз ҳолига қайтиш даражасида даволашини *“вилоят жарроҳлари андоқ мудаводин ожиздурлар”* (166) деб баҳолайди.

«Бобурнома»да тиббиётга оид бир қатор атамалар қўлланган. Асардаги тиббий атамаларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Касаллик номлари: Асарда ўша давр тиббий лексикасига оид бир қатор касаллик номлари қайд этилган:

1. Ташқи жароҳатлар номлари: **Обила** - *пўрсилдоқ, қавариқ; чечак* маъноларини англатади (Навоий асарлари луғати, 1972, 476-бет). Касалликка қарши эмлаш тадбирлари оммалашмаган ўша даврда обила ёмон оқибатларга олиб келган. .. *Зайнаб Султонбегим .. икки — уч йилдин сўнг обила заҳмати била оламдин борди* (83). Обила касаллиги ҳозирги кунда *қизамиқ (чечак)* деб аталади. Касалликнинг номланиши унинг қизил тошмаларнинг тошиши билан боғланади.

Яра - жароҳат: *..хили киши яралиқ бўлди* (88). Асарда ташқи таъсир натижасида юзага келган жароҳат ва ички касалликдан чиққан яралар номи қайд этилган. Уларнинг бир неча кўринишлари мавжуд бўлган:

Добғули - чипқон, яра: *ўнг юзумга добғули чиқти* (220).

Захм-яра, жароҳат: *Бовужуди захм Самад андоқ чопарким...*(123).

Қорт - яранинг хавфли тури: *Бир икки йилдин сўнг Али Дўстнинг илигига қорт чиқиб ўлди* (135).

II. Ички касалликлар номлари:

Қулунж - ичак касаллиги: *.. қулунж заҳмати..*(212).

Мафосил - бўғим зирқираши касали (Навоий асарлари луғати, 1972,373) (Ҳозирги ревматизм): *Мафосил заҳмати жиҳатидан намоз қила олмас эди*(222).

Афлиж - фалаж, шол: *Ул вақт афлиж бўлуб эди* (236).

Қуёнг - фалажнинг бир кўриниши: *Қуёнг ташвиши жиҳатидин миҳфадек нима ясаб, Борон ёқасидин шаҳрғача мени кўтариб..*(220). Қуёнг касаллигининг оғир шакли *саъб қуёнг* деб номланган (*саъб*-қийин, оғир, машаққатли): *Рамазон ойининг ўн учидан манга саъб қуёнг ташвиши бўлди, андоқким, қирқ кунгача мени буёндин — ул ёнга киши эвурур эди* (220). Асардаги ушбу тасвирга кўра, бу касалликда тананинг умуман ҳаракатсиз ҳолга келишини англаш мумкин.

Зоча - туққанда содир бўладиган қон кетиш касали (Бобур

асарлари учун қисқача луғат, 1972, 50-бет); оғир хасталик: *Ўшал фаросатта - ўқ “зоча” заҳмати била тенгри раҳматига борди* (76).

Соҳиб узр - томоқ оғриғи: *Бу кун яна соҳиб узр бўлдум, тўққиз кунга тортти* (401).

Чупчуғ безгак - безгакнинг бир тури: *чупчуғ безгак бўлгандур* (62).

Калолат - сўзлашда тилнинг тутилиши: *Андоқким, тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимға пахта била сув томизурлар эрди* (111).

Ҳасба - қон айланиш фаолиятининг бузилиши натижасидаги касаллик: *.. Қутлуқ Нигорхонимга ҳасба марази ориз бўлди, фасд қилдилар, ноқис воқе бўлди* (215). Бу касалликда даво сифатида *фасд қилинган*, яъни томирдан қон олинган.

Иситма - иситма касаллиги (Навоий асарлари луғати, 1972, 280-бет): *...бу иситма (танаббуҳ) қондидур* (323).

Мухриқ иситма - иситма тури: *мухриқ иситма тори бўлди* (74). **Мухриқ** - куйдирувчи, ёндирувчи, ўртовчи демак (Навоий асарлари луғати, 1972, 442-бет).

Иситмоқ - иситма қилмоқ, иситма чиқариб касалланмоқ: *Кун олуш, гоҳи икки кун оша, гоҳи уч кун оша иситур эдим* (302).

Резандалиқ - тумов касали: *Бу резандалиқ сурфаға мунжар бўлди* (323). Резандалиқнинг ўткир тури *тунд* лексемаси билан сифатланган: *..манга тунд резандалиқ бўлди* (322).

Ориза - узоқ муддат давом этадиган вужуд хасталиги: *ҳар мундоқ оризаким бўлди, ақалли бир ой қирқ кунга тортти* (418).

III. Дори-дармон номлари. Асарда қўлланган дори-дармон номларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Гиёҳ ва табиий ашёлар номи: Меҳригиёҳ (айиқ ўти): *..ул эл «айиқ ўти» дерлар, меҳригиёҳ хосиятлик, голибо меҳригиёҳдур.*

Ябруҳус-санам - доривор гиёҳ: *..ябруҳус-санам бу тоғлардадур* (63).

Кулан қуйруғи - балиқларни маст қиладиган ўт; **кўк шибоқ** ҳам шундай хусусиятга эга ўсимлик.

Ақоқир - шифобахш ўсимлик илдизи. Ўсимлик илдизлари шифобахш неъмат сифатида бир қатор касаллик ва жароҳатларда ишлатилган: *Илдиздек нимани ҳам бир қатла едурди* (165). *..бир «ким»деган нима бор, ўтлар илдизидан ва баъзи адвиядан қилиб турлар* (319).

Мурч - қиздириш хусусиятига эга аччиқ ўсимлик меваси: *Мурч-ни сафол қозонда қайнатти, жароҳатни анинг иссиқ бухориға туттум* (435); *Ушбу кун яна мурч дорусини қилдим* (437). Мурч ва бошқа аччиқ воситалардан зарарли микробларни ўлдиришда ва дезинфекциялашда фойдаланилган.

Бучқоқ - ҳайвон юнги: *Менинг бутумнинг ярасиға бучқоқ ёқмоқни буюрди* (166). **Симоб** дори сифатида истеъмол қилинган: *Симоб емакни бунёд қилди* (417).

2. Махсус тайёрланган дорилар номи:

Жуллоб - гулоб, гул суви (шираси) билан асал ёки шакарни аралаштириб тайёрланган шарбат (Навоий асарлари луғати, 1972, 235): *Чоршанба кун ойнинг учиди жуллоб ичтим* (302).

Басит - қиздирувчи дори.

Мустаҳил - енгиллатувчи, сурувчи, сурадиган, ювиб кетадиган, меъдани тозалайдиган (дори) (Навоий асарлари луғати, 1972, 424): *бу мараз учун мустаҳил ҳам ичтим* (220). Бу дори мусҳил шаклида ҳам берилган. **Мусҳил** - сурги дори:..*ўнг юзумга добғули чиқти, ништар солдилар, бу мараз учун ҳам мусҳил ичтим* (220).

Асар лексикасидаги атамалар ўша давр табobatiда зидди заҳарлар кенг қўлланганини кўрсатади: «*гили махтум*»ни ва «*тарёқи форуқ*»ни эзиб ичтим (377).

Доруйи кор - тез таъсир қилувчи дори: *Шанба кун ойнинг олтисиди доруйи кор ичтим* (302).

Маъжун - доривор аралашма.

Darman - дори, ухлатувчи восита.

IV. Даволаш жараёни билан боғлиқ атамалар:

Муолажа (қилмоқ) — касалга дори-дармон қилиш, даволамоқ: *Илдиздин ҳар турлук яра бўлса эди, осон муолажа қилур эди* (165).

Ташхис - таний олиш, ажрата билиш, аниқлаш, ташхис қўйиш: *Табиблар асло ташхис қила олмадилар* (233).

Фасд қилмоқ - томирдан қон олмоқ: *..иситма ҳарорати зоҳир бўлди. Фасд қилдим* (302).

Иртикоб қилмоқ - даво тартибига қатъий риоя қилмоқ: *Агарчи мутаннафир эди, ул бир неча кун иртикоб қилди* (378).

Ўша давр тиббиёт соҳасида жарроҳлик ишлари ҳам амалга оширилган: *..ўнг юзумга добғули чиқти, ништар солдилар,..* (220).

«Бобурнома»да *касаллик* тушунчасини умумлашган тарзда ифодаловчи лексемалар ҳам қўлланган.

Беҳузурлуқ - касаллик: *бу беҳузурлуқ ҳануз яхши бўлмайдур эдиким..*(220)

Мазаррат - зарар, зиён. Бу сўз «Бобурнома»да умумий тарзда касаллик маъносида келган: *...тенгри таоло бу мазарратни дафъ қилди* (262).

Ташвиш, заҳмат, балийя сўзлари ҳам *касаллик* тушунчасини ифодалаган.

Балийя - *бало, ранж, машаққат, озор, қайғу, мусибат* маъноларидаги сўз бўлиб, касалликнинг ёмон оқибатлари балийяга тенглаштирилган: *...обила маразиға гирифтор бўлуб, ушбу балийя била-ўқ оламдин нақл қилди.*

Касалдан янги тузалиб, парҳез очилмаган кунлар **нақоҳат айёми** атамаси билан ифодаланган.


Умуман олганда, «Бобурнома»даги тиббий атамаларни ўрганиш асарда яратилган давр тиббий тизимиға хос жиҳатлар ҳақида маълумот беради. Шу билан бир қаторда, касаллик тарихи ва сабабларини ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Зулхумор ХОЛМАНОВА,
ЎзМУ доценти.

1. Ҳакимлар ҳикояти. Т.,1982, 1985; Табобат дурдоналари. Т.,1990; М.Ҳасаний, С.Каримова. Навоий даври табобати. Т.,1991; Табобат хазинаси дурдоналаридан. Т., 1987.

2. Мисоллар «Бобурнома»нинг 1960 йилдаги нашри асосида берилди.

3. Бу ҳақда қаранг: Тибби Юсуфий. -Т., 1998.



«Устоз» каломининг айни тимсоли (Шавкат Раҳматуллаев 80 ёшда)

«Шуҳрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар» деган эди аллома Бобур. Дарҳақиқат, инсон умри ботиний ва зоҳирий қийматга эга бўлиб, зоҳирий қиймат унинг йиллар қатида мужассамланган ёшида акс этса, ботиний қиймат эзгу ишларида ўз ифодасини топади. Ҳаётда ҳар икки умри рисоладагидек бўлган одамлар кўп эмас. Бундай инсонлар анча камёб бўлиб, эътибор ва ҳурматга сазовордирлар.

Профессор Шавкат Раҳматуллаевнинг зоҳирий умри орзу қилса арзигуликдир. Саксон ёшга етишнинг ўзи бўлмайди. Бу муборак ёшнинг заҳматларини оппоқ сочи толалари, юзидаги маҳзун ажинлар шивирлагандек бўлади гўё. Олимнинг ботиний умри ҳавас қилса арзигулик. Илм сарҳадларидаги тинимсиз изланиш, йирик ҳажмдаги луғатлар, юзлаб мақолалар, фан соҳалари тараққиётидаги улкан ҳисса - саксон ёш ҳайбатидан ҳам залворлидай гўё...

Инсон умрининг икки мезони бўлганидай, *устоз* номининг ҳам икки жиҳати бор. Биринчидан, *устоз* деганда бевосита мактаб ёхуд олий даргоҳдаги таҳсил давомида таълим берган инсон англанади. Иккинчидан, билвосита дарслик ва қўлланмалари, илмий мақолалари орқали фан асосларини тушунтирувчи олим тушунилади. *Устоз* тушунчасининг учинчи жиҳати ҳам борки, унда ибратли ва сермазмун умри билан ҳаёт сабоқларини берувчи фазилатли, одамийлик хислатларини ўзида мужассамлантирган инсон назарда тутилади.

Профессор Шавкат Раҳматуллаевнинг 58 йиллик педагогик фаолияти *устоз* сўзининг биринчи маъносига тўла мувофиқ келади. Бу сўзнинг иккинчи маъноси ҳам профессор Шавкат Раҳматуллаев фаолиятига мос. Олим дарслик ва қўлланмалари, тадқиқотлари воситасида минглаб тил ихлосмандларига устозлик қилиб келмоқда. Устознинг бу борадаги фаолияти натижаси қатор-қатор дарсликлари, ўқув қўлланмалари, назорат ишлари тўпламлари ва дастурларида ўз ифодасини топган.

“Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанидан филология факультет-

лари учун тайёрланган дарсликдаги “Лексикология ва фразеология” бўлимлари (1965, 1975, 1992) Шавкат Раҳматуллаев томонидан ёритилган. Бу бўлимларда лексема ва фраземанинг тил бирлиги сифатидаги ифода плани, мазмун плани, луғавий ва фразеологик полисемия, синонимия, антонимия, омонимия, паронимия ҳодисалари чуқур таҳлил этилган. Бунда луғавий бирликларнинг нутқ кўринишларига хосланганлиги, луғат бойлигидаги ўз ва ўзлашган қатламлар, лексикография тадқиқ қилинган.¹ Тилшунослик соҳасида лексикология ва фразеология масалаларининг таҳлили бевосита Шавкат Раҳматуллаев номи билан боғланади. Бу олимнинг “Ўзбек фразеологиясининг масалалари” (1966), «Ўзбек тилида феъл фраземаларининг боғлашуви» (1992) каби қўлланмалари; “Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари” (1955), «Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштирма фразеологик бирликлар ҳақида» (1957), “Феъл туркумига тўғри келувчи фразеологик бирликлар грамматик қурилишининг асосий кўринишлари” (1957), “Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси” (1963), “Феъл фразеологик бирликларда объект категорияси” (1964) сингари мақолалари ўзбек фразеологиясининг ўзига хос табиатини, умуман, фразеология илмини чуқур таҳлил этишга бағишланган. 1957 йилда чоп этилган «Ўзбек тили грамматикаси» дарслигининг фразеология бўлимини ҳам Шавкат Раҳматуллаев ёзган. Устознинг фразеологик луғатлари (1964, 1978, 1992) тилнинг ифода имкониятлари ва эмоционал-экспрессив хусусиятларини ўзида мужассамлантирган иборалар табиатини ёритишда амалий аҳамият касб этади. Олимнинг номзодлик диссертацияси ўзбек тилидаги феъл фразеологик бирликларнинг грамматик хусусиятларини ёритишга қаратилган. Докторлик диссертацияси ҳам ўзбек фразеологияси масалаларига бағишланган. Ўзбек фразеологияси табиатини ёритишда қиёслаш методи алоҳида ўринга эга. Профессор Ш.Раҳматуллаевнинг ўзбек ва рус фразеологизмларидаги антонимия ҳодисасини ёритишга бағишланган “Ҳозирги ўзбек ва рус тилларида фразеологик антонимлар” (1999) қўлланмасида ҳар икки тилга хос лингвистик жараён чуқур таҳлил этилган.

Шавкат Раҳматуллаев ўзбек тили грамматикасининг масалаларига доир ҳам қатор изланишлар олиб борди, «Ўзбек тили грамматикаси» дарслигининг² “От”, “Модал сўзлар” бўлимини ёзди (1975). Бунда олим от-лексеманинг ўзига хос морфологик ва синтактик табиати, от туркумига хос грамматик категориялар; модал сўзлар табиати, модал маъноларнинг морфоло-

гик, синтактик ва лексик усуллар билан ифодаланиши, модал сўзларнинг шаклланиш хусусиятларини ёритди.³

Олимнинг “Ўзбек тилида боғланишларнинг турлари”(1992) қўлланмаси, шунингдек, “Ўзбек тилидаги грамматик алоқанинг баъзи турлари ҳақида”, “Ҳозирги ўзбек тили келишиklarини таснифлаш ҳақида” каби қатор илмий мақолалари грамматик сатҳ тараққиётига қўшилган муҳим ҳиссадир.

Устоз тилшунослик тараққиётини бевосита таҳлил қилиб, кузатиб боради ва бу борадаги изланишларни тўхтатмайди. Олимнинг нутқ имкониятларига бағишланган “Нутқимиз кўрки”(1970) қўлланмаси, “Ўзбек тилшунослигидаги айрим нуқсонли терминлар ҳақида”, “Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги тараққиёт босқичида пайдо бўлган айрим мунозарали масалалар ҳақида” (2003) мақолалари тилшунослик соҳаси равнақи йўлидаги изланишлар натижасидир.

Олимнинг тил бирликлари изоҳига бағишланган “Тил қурилишининг асосий бирликлари”⁴ қўлланмасида тил, лисон ва нутқ, тил бирлиги, лисоний бирлик ҳамда нутқий бирлик; тил қурилишининг асосий бирликлари, босқичлари, уларни ўрганувчи соҳалар ҳақида зарурий маълумотлар берилган. Тил бирликлари таърифланган ва тавсифланган. Қўлланмада тил бирликларининг адабиётлардаги талқини борасида А.А.Реформатский, А.И.Смирницкий, В.И.Кодухов, В.М.Солнцев, Ҳ.Неъматов, О.Бозоровларнинг фикрларига муносабат билдирилган. Тадқиқотлар, изланишларда акс этган тил бирликларини тадқиқ қилишнинг анализ (нутқдан лисонга бориш) ва синтез (лисондан нутққа бориш) каби усуллари таҳлил этилган. Тил бирлиги сифатида сўз модели, бирикма модели, гап модели ва уларнинг моҳияти ёритилган.

Олимнинг магистратура талабаларига, аспирант ва докторантларга мўлжаллаб ёзилган «Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами»⁵ қўлланмаси ҳамжм жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам салмоқли тадқиқот ҳисобланади. Тадқиқот муаллиф томонидан тузилган «Ўзбек тилининг этимологик луғати» Э.В. Севортян бошчилигида дунёга келган «Туркий тилларнинг этимологик луғати»га таянган ҳолда яратилган бўлиб, унда лексемалар таркибида содир бўлган фонетик жараёнлар, лексемаларнинг морфем таркиби ҳамда қадимги туркий лексемаларнинг белги-хусусиятлари ёритилган.

Профессор Ш.Раҳматуллаевнинг 90-йиллар иккинчи ярмидаги фаолияти бевосита ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий жараён билан боғлиқ. Орфография ва графика масалалари, латин алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви таҳлили олимнинг бир

қатор ўқув қўлланмалари, луғатлари ҳамда мақолаларида ўз ифодасини топган. “Орфография қоидалари-саводхонлигимиз асоси” (1980) қўлланмаси имло масалалари ҳақида, “Ўзбек лотин алифбоси” (1995) ва “Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси” (1999) қўлланмалари эса лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви масалаларига бағишланган.

“Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш” (1993) ўқув қўлланмаси ўзбек тили табиатини қиёсий-синхрон аспектда ёритишга қаратилган.

2002 йилда нашр этилган “Илмий тадқиқот асослари” қўлланмасида илмий тадқиқот олиб бориш учун зарур талаб ва имкониятлар, мавзунини тўғри ва мақсадга мувофиқ танлаш, мавзуга оид илмий-методик адабиётни ўрганиш, манба танлаш ва ундан фактик материал тўплаш каби қатор жараёнлар илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Мазкур иш илмий тадқиқот соҳасидаги изланиш жараёнларини амалга оширишда нафақат магистрлар, балки аспирант ва тадқиқотчилар учун ҳам зарурий қўлланма ҳисобланади.⁶

Олим яратган “Ҳозирги ўзбек тили”(1962), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (ҳаммуаллифликда, 1973), “Ўзбек тили”(1964), “Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси” (1985), “Тилшуносликка кириш”(1989) курслари бўйича дастурлар ҳамда “Ҳозирги ўзбек тилидан контрол ишлар тўплами”(1962, 1963, 1968, 1974, 1983) олимнинг ўзбек тили таълими амалиётига қўшган катта ҳиссасидир. Бу жиҳатдан узоқ йиллар филология факультетлари сиртқи бўлим талабалари 10 семестр давомида фойдаланган «Ҳозирги ўзбек адабий тилидан контрол ишлар» тўпламини эслашнинг ўзи кифоя. Чунки методик йўриқнома вазифасини бажарган мазкур нашр талаба учун тавсия этилаётган топшириқларнинг шарти, мазмунини, мақсади билан бошқа муқобилларидан ажралиб туради: муаллиф берган намунавий чизмалар, сараланган, топшириқ шартига мос матнлар ва ҳатто қоидалаштириш қийин бўлган «х» ва «ҳ» ли сўзларнинг имлосини ўзлаштириш мақсадини кўзда тутган вазифаларни фақат Раҳматуллаев методига хос таълим беришнинг мисоли дейиш мумкин. Бугунги кунда ҳам мана шу нашрни қайта чоп этириб, таълим жараёнида фойдаланилса, айти муддао бўларди; рейтинг назоратини ташкил этиш ҳам осонлашарди.

Ш.Раҳматуллаев ҳаммуаллифликда яратган “Узбекский язык для взрослых (самоучитель)” дарслиги (1963, 1977, 1985, 1990) ўзбек тили табиатини ёритишга ва грамматик хусусиятларини ўргатишга хизмат қилади.

Профессор Шавкат Раҳматуллаев илмий педагогик фаолиятининг энг йирик маҳсули 2005 йилда яратилган “Ҳозирги адабий ўзбек тили” дарслигидир. Дарсликда адабий ўзбек тилининг ўзига хос лингвистик табиати илмий асосда атрофлича ёритилган. Ушбу дарсликни ўзбек тилшунослигининг кейинги йиллардаги жиддий ютуғи сифатида баҳолаш мумкин.

Муаллимлик фаолиятининг кўп қисми маърузалар матнини тайёрлаш, тартиблаш, қайта таҳрир қилиш, тўлдириш, режаю ҳисоботлар ёзиш каби ишлар билан боғлиқлиги сир эмас. Лекин бу борада ҳам бу олимга тенг келадиган домла йўқ. Устозга хос бундай интизомнинг шу кунгача ўша тарзда давом этиб келаётгани ҳайратланарли. Буни Ш.Раҳматуллаевнинг бирон бир ёзма фикрни (тақризми, ҳисоботми...) қўл ёзма шаклда тақдим этмаслик, ҳеч қачон режасиз, матнсиз аудиторияга кирмаслик, сабабсиз дарс қолдирмаслик, дарснинг ҳар бир дақиқасини бесамар ўтказмаслик сингари педагогик фазилатларида кўп бор кузатганмиз. Хуллас, бу борада ҳам устоз ибрат намунаси бўлиб келмоқдалар.

Шавкат Раҳматуллаев 114 номдаги дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар, луғатлар муаллифидир. Иккита докторлик, 17 та номзодлик ишига раҳбарлик қилган, 4 та докторлик, 13 та номзодлик ишига оппонентлик, 31 номдаги ишга муҳаррирлик қилган.

Устознинг бундай ҳар томонлама сермазмун фаолияти таҳсинга сазовордир.

Фидойи тилшунос олим, ҳалол, табарруқ ва камтарин инсон Шавкат Раҳматуллаевни муборак ёши билан қутлаб, мустақам соғлиқ, илмий ижодига барака тилаймиз.

Ҳурматли ва ҳар томонлама эътиборга лойиқ устознинг асп тўйларини кўриш насиб этсин.

**Мамлакат ЖЎРАБОЕВА, Ҳавоҳон ҚАҲҲОРОВА,
ЎЗМУ доцентлари.**

1 У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.,1992, 49-187-б.

2 Ўзбек тили грамматикаси. I-жилд. Морфология. Т.: Фан, 1975. 124-270-б.

3 Шу манба, 582-589-б.

4 Ш.Раҳматуллаев. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Т.: Университет, 2002.

5 Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. Т.: Университет, 2003.

6 Ш.Раҳматуллаев. Илмий тадқиқот асослари. Т., 2002.



XABAR VA LAVHALAR

Тилшуносларнинг халқаро анжумани

14-15 март кунлари Самарқанд Давлат чет тиллар институти-да «Нутқ лингвистикаси» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Барча фанлар сингари, тилшунослик ҳам тўхтовсиз тараққиётда бўлиб, кечаги кун қониқарли бўлган илмий хулосалар бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Мазкур жараён тилшунослар олдига янги-янги вазифалар қўймоқдаки, улардан бири нутқ лингвистикаси талқинидир. Ўз вақтида француз тилшуноси Ф.дэ Соссюр томонидан илмий асослаб берилган «тил ва нутқ» дихотомиясининг иккинчи компоненти бугунги кунгача олимлар назаридан четда қолиб келди. Шу сабабли ҳозир жаҳон тилшуносларининг диққати нутқ лингвистикасини илмий асослаб беришга қаратилмоқда. Бироқ бу соҳада ҳали эътиборга молик монографик тадқиқот ишлари амалга оширилгани йўқ. Рус олимаси Е.С.Кубрякова таъбири билан айтганда, тил материалари унинг замирида ётувчи тизимни ёритиш мақсадида ўрганилди, аммо энди фан тараққиёти нутқий фаолият ва унинг амалда воқеланиши тамойилларини ўрганишни талаб қила бошлади.

Ана шу нуқтаи назардан СамДЧТИда ўтказилган халқаро илмий-назарий конференция учун танланган мавзу ўта долзарблиги билан ажралиб туради. Анжуманда ўз маърузалари билан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари, шунингдек, мамлакатимизнинг Тошкент, Андижон, Фарғона, Жиззах, Гулистон, Бухоро, Қарши, Навоий, Нукус сингари шаҳарларида фаолият кўрсатаётган илмий даргоҳлар ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Конференция 6 шўъбага бўлиниб, иш олиб борди. Уларда нутқ лингвистикаси тадқиқининг назарий масалалари, нутқ воқеланишининг прагматик омиллари, тилнинг амалда қўлланиши ижтимоий муаммолари, тилнинг нутқда қўлланиши ва син-

тактик деривация масалалари, нутқ шаклланишини ўрганишнинг методик масалалари, нутқ лингвистикаси ва лингвистика муаммолари муҳокама қилинди. Хусусан, Ш.Сафаровнинг «Нутқ лингвистикаси текширув объекти нимадан иборат?» (Ўзбекистон), А.Бушуйнинг «Принципы лингвистического структурирования речевого высказывания» (Ўзбекистон), Н.Турниёзовнинг «Нутқ лингвистикасига доир баъзи мулоҳазалар» (Ўзбекистон), А.Наурузбаеванинг «Культурные контексты дискурса о человеке и типология культуры» (Қозоғистон) маърузаларида умумлингвистик масалалар кўрилган бўлса, «Концепция адресата в лирической прозаической миниатюре» (Э.Геймбук, Россия), «О роли изучения художественного текста в современной школе» (Г.Сиднев, Россия) сингари 150 дан зиёд чиқишларда тилшуносликнинг хусусий муаммолари ўртага ташланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, конференция нафақат Ўзбекистон, балки халқаро миқёсда ҳам лингвистика фанининг кейинги ривожига туртки бўлди.

Ф.ТУРНИЁЗОВ,
Самарқанд Давлат чет тиллар институти ўқитувчиси.

Журналдан кўчириб босилганда “Тил ва адабиёт таълими”дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Журналда нашр этилган мақолаларда муаллифларнинг тахририят нуқтаи назарига мувофиқ келмайдиган фикр-мулоҳазалари бўлиши мумкин.

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Босмахонага 26.04.2006 да топширилди. Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз формати 60x84 1/16. Шартли босма табағи 9,76. Шартли табағи 4,65. Нашриёт ҳисоб табағи 5,14. Адади ... нусха.

Буюртма № . Баҳоси эркин нархда.

Журнал индекси: 872

МЧЖ "Maxi Graf Plus" босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш., полковник Хўжаев кўчаси, 2-уй.